Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9491

Doi Journal 10.26739/2181-9491

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

**4 – МАХСУС СОН**

---

# ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4**

---

# INNOVATIONS IN ECONOMY

**SPECIAL ISSUE - 4**

ТОШКЕНТ-2020

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**
**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY**
№SI-4 (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4

**Бош мухаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар Саидахмедович**
Академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Меҳри Хасановна**
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

**"Иқтисодиётда инновация" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**
**Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"**
**International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси /Экономическая теория / Economic theory**

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.
**Гафуров У.В. -** и.ф.д., профессор
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент
**Сайфуллаева М.**
**Маматкулов И.А.**
**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

**08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics**

**Салимов Б. Т. -** и.ф.д., профессор,
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.
**Худайназаров А.К**. - и.ф.д.
**Худойқулов С. К.** - и.ф.н. доцент,
**Валиев Б.** - PhD.
**Сафарова Н.Н.**
**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

**08.00.07-Молия. Бухгалтерия ҳисоби. / Финансы. Бухгалтерский учет/ Finance. Accounting**

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

**08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy**

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.
**Сардор Азам** - и.ф.д.
**Вохидова М.Х.** - PhD.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда / Demography. Labor Economics. 08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management**

**Гулямов С.С.** - академик
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,
**Каршиев М.Э.**
**Маматкулов И.**
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD
**Кадирова З.А.** - PhD

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**


**1. Исаджанов Абдували**
ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ТАХДИДЛАР ВА МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ
КОМПЛЕКСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОСЛАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИ………………..5

**2. Расулова Дилфуза**
ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ МАСАЛАЛАРИ………12

**3. Уразматов Жонибек**
КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ
АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ СОЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ……………………………………….21

**4. Курбанов Феруз**
КОРПОРАТИВНЫЕ ДЕЙСТВИЯ В ПЕРИОД КРИЗИСА
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ, ВЫЗВАННОГО ПАНДЕМИЕЙ…………………..……….29

**5. Ayupov Ravshan, Qurbonov Zafar, Ergasheva Ma'mura**
O'ZBEKISTON IQTISODIYOT TARMOQLARIDA RAQAMLI
TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI……….…….36

**6. Зокиржонов Муҳаммадсодиқ, Мирзаева Фотима**
МАРКОВИЦ МОДЕЛИ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИОН ПОРТФЕЛЬ
ШАКЛЛАНТИРИШ (КОРХОНАЛАР МИСОЛИДА)……………………………………..….42

**7. Гулямова Гулнора**
ТУРИЗМНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ…………....52

**8. Кувандиков Шухрат**
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ……………………….…..63

**9. Дусанов Салим**
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ВА БЮДЖЕТДАН
ТАШҚАРИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ…………………………….…..…....73

**10. Танташев Ринат**
ВНЕДРЕНИЕ «ЗЕЛЕНОЙ» ЭКОНОМИКИ - КАК ФАКТОР
ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА……………………………….....79

**11. Мирзаева Фотима**
ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ…..….88

**12. Бўрибоев Эркинжон, Абдувохидов Акмал**
ТАШҚИ ҚАРЗ МУАММОСИ: ТАҲДИД ВА ИМКОНИЯТЛАР………………………………96

**13. Усманов Анвар, Хамдамов Шоҳ-Жахон**
ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ………………………...107

**14. Ғайбуллаева Зилола**
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ……………………………………………………114

**15. Narmanov Ulugbek**
PROSPECTS FOR LIVESTOCK DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN………………………..120

**16. Алимова Сабохат, Алимова Гулзода**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ ТИББИЁТНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ………………………...127

**17. Zikirova Nafosat**
MEHNAT BOZORI MARKETINGI VA UNING KADRLAR TAYYORLASHDAGI
IJTIMOIY AHAMIYATI……………………………………………………………………133

**18. Акрамова Шахноза**
ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ……………………………………………………………….138

**19. Мирзаева Фотима, Зокиржонов Муҳаммадсодиқ**
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИ…………………………………………………………….…..152

**20. Султанова Халида**
ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ……………………………161

**21. Касимова Наима, Ачилова Ширин**
ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СТАРТАП ПРОЕКТОВ:
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И ИСТОЧНИКИ ЕГО ФОРМИРОВАНИЯ………………………..167

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Исаджанов Абдували Абдурахимович,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, и.ф.д.

## ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ТАХДИДЛАР ВА МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ КОМПЛЕКСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОСЛАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**For citation:** Isadjanov Abduvali Abduraximovich. GLOBAL ENVIRONMENTAL THREATS AND THE MECHANISM OF ADAPTATION OF THE MINERAL RESOURCE COMPLEX. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 5-11

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-1**

**АННОТАЦИЯ**

Мамлакатнинг табиий-ресурс салоҳияти миллий иқтисодиётни ва ижтимоий соҳа ривожланишининг ўрни аниқланиб, унинг комплекс кўрсаткичлари, хорижий мамлакатларнинг хомашё ресурсларнинг мавжуд тизимлари ва заҳираларини жойлашуви, хажми, ўзлаштириш борасидаги харажатлар таҳлил этилган. Глобал экологик тахдидлар ва қалтисликлар шароитида минерал-хомашё комплексининг замонавий мослашиш механизмини шакллантириш ва ривожлантириш борасида чора-тадбирлар аниқланган.

**Калит ўзлар.** Табиий ресурслар, минерал-хомашё комплекси, экологик рисклар ва тахдидлар, адаптация, экологик қалтисликларни баҳолаш, норматив, аҳборот ва иқтисодий усуллар.

---

**Исаджанов Абдували Абдурахимович,**
Международная Исламская Академия Узбекистана, д.э.н.

## ГЛОБАЛЬНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ И МЕХАНИЗМЫ АДАПТАЦИИ МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВОГО КОМПЛЕКСА

**АННОТАЦИЯ**

Рассмотрены природно-ресурсный потенциал и его роль в развитии социально-экономической сфере национальной экономики, осуществлен анализ ресурсных систем зарубежных стран, их расположение, объемы и затраты по их освоению. В условиях глобальных экологических рисков и угроз обоснованы меры по адаптации современного механизма формирования и развития минерально-сырьевого комплекса.

**Ключевые слова**. Природные ресурсы, минерально-сырьевой комплекс, экологические риски и угрозы, адаптация, оценка экологических рисков, нормативные, информационные и экономические методы.

---

**Isadjanov Abduvali Abduraximovich,**
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Science in Economics

# GLOBAL ENVIRONMENTAL THREATS AND THE MECHANISM OF ADAPTATION OF THE MINERAL RESOURCE COMPLEX

**ABSTRACT**

The natural resource potential and its role in the development of the socio-economic sphere of the national economy are considered, the analysis of resource systems of foreign countries, their location, volumes and costs of their development is carried out. In the context of global environmental risks and threats, measures are justified to adapt the modern mechanism for the formation and development of the mineral resource complex.

**Keywords.** Natural resources, mineral resources, environmental risks and threats, adaptation, environmental risk assessment, regulatory, informational and economic methods.

---

**Кириш**

Мамлакатимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш – барча ютуқларимизнинг бош гарови деб ҳисобланмоқда. Экология соҳасида Ўзбекистонда ҳал этилиши лозим бўлган миллий вазифалар давлат дастурлари атроф-муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий захираларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш, мамлакатимиз экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни барқарор ўсишининг ресурс-самарадор моделига ўтишнинг асосий йўналишлари устувор вазифа сифатида белгиланган [1].

Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш доирасида минерал-хомашё комплекси (МХК) объектларини ўрганиш, баҳолаш ва ишлаб чиқиранишни рағбатлантириш асосида мамлакат минерал-хомашё хавфсизлигини таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир мамлакатнинг табиий-ресурс салоҳияти миллий иқтисодиётни ва ижтимоий соҳа ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланиб унинг иқтисодий баҳосини аниқлаш борган сари долзарб муаммога айланиб бормоқда.

Бундай баҳо табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали иқтисодий механизмини шаклланишида¸ ресурсларни тежашда, атроф-муҳитни ифлосланиш даражасига қараб тегишли тўловлар тизимини яратишда ва мослашиш механизмини шаклланишида катта ўрин эгаллайди ва барқарор ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади [2].

**Мавзунинг ўрганганлик даражаси**

Мамлакатнинг табиий-ресурс салоҳиятининг глобал экологик тахдидлар шароитида мослашиг механизмини шакллантириш, табиий ресурсларнинг хажми ва типи, уларнинг табиий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаб беришлиги, иқтисодий фаолиятни ташкил этишда табиий ресурсларнинг функционал аҳамиятини белгилашдаги имкониятлари, мамлакатнинг барқарор экологик-иқтисодий ривожланиш масалаларига бир қатор олимлар илмий изланишларни олиб боришган.

А. А. Минц ушбу муаммони ўзининг “Табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳоси” (1972 йил) асарида таҳлил қилар экан, табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳосини аниқлашда учта устувор йўналишларни асослаб берган:

айрим элементлар ва уларнинг турли бирлашишларини эътиборган олган ҳолда баҳони аниқлаш;

элементларнинг турли бирлашишларининг нисбий самарадорлиги асосида баҳон аниқлаш;

табиий-ресурс салоҳият асосида баҳони аниқлаш [3].

И.Новоселованинг фикрича, табиий-ресурс салоҳиятнинг таркибий қисмларининг бир бири билан алоқадорлигини эътиборга олиб таҳлил қилиш, мамлакатнинг ёки унинг

минтақаларининг маълум бир энди ўзлаштириладиган табиий ресурсларини техник-иқтисодий имкониятлари ва иқтисодий самарадорлигини асослашга имкон яратиб беради [4].

В. Самодайнинг фикрига кўра, табиий-ресурс салоҳиятни "миллий бойликнинг элементи" сифатида қараб, жамиятни иқтисодий, ижтимоий ва экологик талабларини қондирувчи потенциал имкониятлар сифатида қараб, инеституционал шакллари ва иқтисодий фаолиятнинг конкрет усуллари орқали намоён бўлади [5].

Хорижий мамлакатларнинг табиий ресурслар заҳиралари ва уларни эътиборга олиш тажрибаси Е.Станис ва М.Макарованинг асарида келтирилган [6]. АҚШда Тоғ бюроси томонидан давлат эхтиёжларини қондириш мақсадида жаҳон хомашё ресурсларнинг ўрганиш тизими (MAS) 1975 йилда шакллантирилган. К. Кавун маълумотларига кўра, ушбу тизим асосида табиий бойликларнинг жойлашуви, хажми, ўзлаштириш борасидаги харажатлар, якуний маҳсулотнинг нархини аниқлаш имконияти мавжуд бўлиб, АҚШдаги ва бошқа мамлакатлардаги 200 мингдан ортиқ минерал-хомашё захиралари бўйича маълумотлар тўпланган [7].

Австралияда табиий бойликлар захиралари бўйича Умумлаштирилган қўмита фаолият юритади ва 1989 йилда илк бор Австрало-Осиё кодексини чоп этган (JORC Кодекси) [8]. JORC Кодексига биноан барча компанияларнинг табиий бойликлар тўғрисидаги очиқ ҳисоботлари кенг жамоатчиликга, бўлажак инвесторларга ва маслахатчиларга тақдим қилина бошланган. Ҳисоботларда хар бир табиий захиралар бўйича барча маълумотлар келтирилган бўлиб, шу жумладан, уларнинг хусусиятлари, типи, сифати бўйича. Бунинг натижасида хар бир объект туғрисида батафсил иқтисодий тасаввурга эга бўлиш имконияти пайдо бўлади. Айнан, экологик муҳитнинг яхшиланиши корхоналарнинг янги бизнес йўналишларини яратилишига олиб келиши мумкин [9]. Европа Иттифоқи ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) бу муаммони бир қатор инструментлар асосида (аҳборот таъминотини ривожлантириш, "яшил" технологияларни қўллаш, экологик қонунчилигининг талабларини бажаришга имкониятлар яратиб бериш ва х.к.) амалга оширмоқда. Мавжуд экологик, демографик, ижтимоий, иқтисодий хавфсизлик масалалари ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш минерал-хомашё базасига таянган ҳолда амалга ошириш кераклиги эътироф эьтилмоқда [10].

Бу борада, табиий ва антропоген таъсири остида атроф-муҳитнинг сифат жиҳатдан глобал ўзгаришларини таҳлил ва башорат қилиш долзарб масалаларига айланиб бормоқда. В. Дмитриевнинг фикрига кўра, кузатилаётган экологик қалтисликларнинг иқтисодий жиҳатлари моддий бойликларни йўқотилишларига, уларни қайта тиклаш билан боғлиқ харажатлар эса йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда [11].

Ушбу шароитда глобал экологик тахдидлар ва қалтисликларни эътиборга олиш ва уларга қарши минерал-хомашё комплекси ривожланишининг мослашиш механизми шакллантириш долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Умуман, "экологик қалтислик" тушунчаси турли маъноларни англатиши мумкин ва экологик оқибатларга олиб келувчи авариялар¸табиятга, аҳоли саломатлигига келтирилган зарарлар билан боғлиқ бўлмоқда [12]. Шуни айтиш жоизки, турли қалтисликларни баҳолашда ўзига хос усулларини қўллаш кузатилмоқда. Айрим муаллифлар технологик қалтисликларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш ва баҳолашда статистик усуллардан фойдаланиш самараси унчалик яхши бўлмаяпти, айниқса янги технологиялар тўғрисида гап кетганда, деган фикрларни келтиришмоқда. Ушбу вазиятда хавфсизликни таҳлил қилишда эҳтимоллик назариясига асосланган моделлаштириш ва сценарий усуллардан фойдаланиш тавсия этишмоқда (probabilistic safety assessment, PSA) [13].

Бошқа илмий ишларда эса экологик тадқиқотларни олиб боришда детерминант ва стохастик математик моделлардан фойдаланиш эътироф этилмоқда [14]. Ҳозирда, экологик тадқиқотларни олиб боришда стохастик ёндашув кенг тарқалган. Улар қаторида 1-чи и 2-чи даражадаги Монте-Карло усули (first- and second-order Monte Carlo simulation), сезгирлик усули асосида таҳлил (sensitivity analysis), интерваллик таҳлил (interval analysis), сифатли моделлаштириш (Qualitative Modelling), Байес ишонч тармоқлари (Bayesian Belief Networks),

Айкаике аҳборот критерияси (Aikake Information Criteria), чегараларни эҳтимолли назарияси асосида таҳлил (Probability Bounds Analysis), аҳборот дефицити назарияси (Information Gap Theory) [15].

АҚШда экологик қалтисликларни баҳолашдаги қўлланиладиган усуллар Г.У. Сатернинг (Suter G.W.) ишида батафсил ёритилган [16]. ЮНЕСКОнинг Ҳаётни таъминлаш тизими Энциклопедиясида (Encyclopedia of Life Support Systems) уч типдаги экологик қалтисликлар келтирилган: жиддий оқибатларга олиб келадиган ва рўй бериши кам бўлган қалтисликлар; тез учраб турадиган ва оқибатлари унчали жиддий бўлмаган қалтисликлар; ўрта даражада ва оқибатлари ҳам ўртача бўлган қалтисликлар [17].

Таҳлиллар шундан далолат берадики, экологик қалтисликларни баҳолаш усуллари асосида салбий экологик оқибатлар бир нечта манбалар таъсири асосида рўй бериши мумкинлигини кузатилади (стресс-факторлар, stressors). Соддалаштирилган вариантда экологик қалтисликларни даражасини баҳолаш (screen inglevel ecological risk assessment) кимё моддаларни концентрацияси миқдорининг (exposure) энг кам бўлган токсиклиги миқдорининг нисбатига (toxicity) [18].

Оҳирги даврда кенг тарқалган усуллардан бири қалтисликларни баҳолашда нафақат ушбу салбий ҳодисани рўй бериши эҳтимоли, балки унинг оқибатлари ҳам назарда тутилади. Агарда маълум бир даврда (кўпинча бир йил давомида) бир нечта хавфли вазият содир бўладиган бўлса, унда уларнинг биргаликдаги салбий оқибатлари ва зарарлари инобатга олинади [19] :

$$R = \sum_{i=1}^{n} P_i \cdot U_i, \ (1)$$

бу ерда:

R – қалтисликнинг миқдорий даражаси (ўртача қалтислик), шу жумладан зарарлар;

n – салбий ҳодисалар асосида кутилаётган зараралар сони,шу жумладан нол даражаги зарар;

Pi – салбий ҳодиса(лар) нинг рўй бериш эҳтимоли;

Ui – зарарнинг миқдори :

$$U = \sum_{i=1}^{n} W_i \cdot U_i \ (2)$$

бу ерда:

Wi – табиий муҳитга салбий таъсир этувчи зарарларнинг умумлаштирилган кўрсатгичи;

Ci – ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда зарарнинг ҳар бир ўлчовга нисбатан нарҳи .

**Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқот давомида илмий абстракция, мантиқий ва таққослама усуллардан фойдаланилди. Жумладан, мамлакатнинг табиий-ресурс салоҳияти миллий иқтисодиётни ва ижтимоий соҳа ривожланишининг ўрни, унинг комплекс кўрсаткичлари, хорижий мамлакатларнинг хомашё ресурсларнинг мавжуд тизимлари ва заҳираларини жойлашуви, хажми, ўзлаштириш борасидаги харажатлар, глобал экологик тахдидлар ва қалтисликлар шароитида минерал-хомашё комплексининг замонавий мослашиш механизмини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича фарлият олиб борган олимларнинг тадқоқотлари илмий абстракциялаш усули ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Минерал-хомашё комплекси ривожланишида экологик қалтисликлар ва тахдидла, уларни баҳолаш усуллари абстракциялаш усуллар ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

**Таҳлил ва натижалар**

Таҳлиллар шундан далолат берадики, биринчидан, глобал экологик тахдидлар шароитида минерал-хомашё комплексининг замонавий мослашиш механизмлари шакллантириш биринчи навбатда мамлакатнинг барқарор ривожланишидаги муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлар заҳиралари унинг минерал-хомашё комплексини (МХК) узоқ келажакда мамлакатнинг ва унинг минтақаларининг барқарор ривожланишининг, ҳамда, жаҳон иқтисодий тизимга самарали интеграциялашувининг асосий

омили сифатида қараш мумкин.

Учинчидан, минерал-хомашё салоҳиятини замонавий мослашиш механизмлари тармоқдаги катта, ўрта ва кичик корхоналарнинг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш миллий иқтисодиёт ривожланишининг экологик жиҳатларини эътибор олишининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Тўртинчидан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида минерал-хомашё ресурсларининг салоҳиятини таҳлили натижасида унинг барқарор иқтисодий ривожланишидаги мослашиш механизмининг ўрни ва аҳамияти қуйдагилар билан боғлиқ:

- минерал-хомашё ресурслари мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим салоҳият касб этади;

- мамлакатнинг қайта ишлаш саноатининг ривожланишида минерал-хомашё ресурслари асосий заҳира сифатида қаралади ва келажакда юқори даражада индустриал ривожланган мамлакатлар қаторига киришда, аҳолини турмуш даражасини кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

- жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб хомашё ресурсларини қайта ишловчи корхоналар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини хусусий сектор билан биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

-бу борада минерал-хомашё комплексини ривложланиши бошқариш ва тартибга солиш механизми бозор иқтисодиётига таълуқли бўлган усуллар билан бошқариш назарда тутилади.

Бешинчидан, глобал экологик қалтисликлар қаторига биосферани бузилиши, экотизимнинг ўзгариши, ерларни деградацияси, ўрмон, кўллар ва дарёларни йўқ бўлиб кетиши кузатилмоқда. Экологик қалтисликларни келиб чиқишида техноген фаолиятнинг таъсири нафақат атроф-муҳитнинг ўзгариши ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши билан, балки экологик-иқтисодий ва табиий-хўжалик тизимларининг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда.

Олтинчидан, минерал-хомашё комплексининг замонавий мослашиш механизми нафақат қалтисликларни идентификация қилиш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш, балки тармоқдаги фаолият юритаётган корхоналарнинг экологик талабларга жавоб бериш борасида бир қатор турли стратегиялар ва махсус инструментларни шакллантириш диққатга сазовордир, шу жумладан, куйдагилар. Норматив усуллар: экологик менежментни жорий қилишда рағбатлантириш механизмини яратиш; экологик солиқларни такомиллаштириш ва жорий қилиш. Экологик тўловдан келиб тушаётган маблағлар махсус Экология жамғармасида йиғилиб аторф-муҳитни мухофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга қаратилади [20].

Аҳборот усуллари: корхоналарга тўғридан-тўғри консультацияларни амалга ошириш; турли услубий қўлланмалар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва тадбиркорларга етказиш, сертификатларни жорий қилиш; экологик маркировкалар ва экологик танловлар ўтказиш.

Иқтисодий усуллар: грантлар, имтиёзли займлар, эко-технологияларни қўллаётган корхоналар учун берилаётган солиқ имтиёзлар. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) тажрибасига асосланиб корхоналарни, шу жумладан кичик ва ўрта корхоналарни, экологик самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида қуйдаги чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Биринчидан, экологик қалтисликлари паст даражадаги бўлган корхоналарни бошқариш ва тартибга солиш механизмини соддалаштириш. OECDга аъзо бўлган мамлакатларда экологик қалтисликлари паст даражадаги бўлган корхоналарни табиатни мухофаза қилувчи норматив талабларни соддалаштирган тизими кенг фойдаланилади [21].

Бундай соддалаштириш кўп ҳолларда индивидуал экологик руҳсатларни бериш ўрнига стандарт талаблар билан алмаштирилади. Административ юкини камайтириш мақсадида табиатни мухофаза қилувчи ташкилотларни бошқа тартибга солувчи органлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва мувофиқлаштиришдан иборат. Нодавлат ташкилотлар (шу жумладан, бизнес-ассоциациялар ва консалтинг компаниялар) корхоналарга экологик менежментнинг турли соҳалари бўйича аудит ўтказиш, лойиҳаларни презентация ва тавсияларни жорий қилиш асосида техник ёрдам кўрсатиши мумкин.

**Хулоса ва таклифлар**

Кўп ҳолларда, ёрдам методологик материалларни ва илғор тажрибаларни кенг тарқатиш, ҳодимларни малакасини ошириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Техник ёрдамни самараси қуйдаги омиллар билан белгилаш мумкин:

давлат ва бизнес-ассоциацияларни биргаликда дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш тизимини яратиш;

корхоналарга молиявий кўмак бериш тизимини соддалаштириш ва самарасини ошириш;

“яшил” технологияларни самарасини аниқлаш ва назорат қилиш;

дастурларни жорий этиш ва самараси тўғрисидаги маълумотларни кенг тарқатиш ва энг яхши тажрибаларни оммавий аҳборот воситаларида ва илмий мақолаларда ёритиш;

амалга оширилаётган дастурлар ва илғор тажрибалар бўйича доимий, мустақил ва объектив баҳони бериб бориш.

Иккинчидан, молиявий имтиёзларлардан фойдаланиш.Булар қаторида солиқ имтиёзларни бериш (тезлаштирилган амортизация сиёсатини ўтказиш, мулк солиғини камайтириш ва бошқалар),”яшил” технологияларни қўллаётган корхоналар учун имтиёзли кредитларни бериш,  корхоналарни экологик кўрсаткичлари яхшиланиши учун хусусий банклар ва суғурта компанияларни рағбатлантириб бориши. Банклар кредит беришдан аввал корхоналарнинг экологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларга, суғурта компаниялар эса экологик қалтисликлар ва уларни камайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича маълумотларга эга бўлиши керак. Яхши экологик репутацияга эга бўлган корхоналарга эса банклар ва суғурта компаниялар имтиёзли кредитлар бериши мумкин.

Учинчидан, бозор стимулларини кенгайтириш. Давлат органлари тўғридан-тўғри давлат харидларида қатнашаётган экологик жиҳатдан тоза товарлар ва хизматлар кўрсатаётган корхоналарга имтиёзлар бериши тизимини жорий этиш. П.Мозер (P. Moser) ва С.Фейел (S. Feiel) хомашё ресурсларни инновациялаларга асосланган камуглеродли иқтисодиётга ўтишда иқтисодий ўсишнинг ва ишчи ўринларни яратишдаги асосий омил сифатида эътироф этишган [22].

Тўртинчидан, экологик хавфсиз инновацион технологияларни геологик қидирув ишларида, конларни ўзлаштириш, хом-ашёни транспортировка ва қайта ишлашда жорий қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш, атроф-муҳитни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади [23].

Юқорида келтирилган чора-тадбирлар МХКнинг нафақат замонавий мослашиш механизмининг муҳим бўғини бўлиб, балки иқтисодиётни экологик жиҳатларини кенгроқ эътиборга олишда ва “яшил” технологияларни қўллашда, натижада барқарор иқтисодий ривожланишда етакчи омил сифатида кўриш мумкин.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия си, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.
2. Делия, В. П. Развитие экономического механизма рационального природопользования в условиях перехода к инновационной экономике: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05 / В. П. Делия. - М., 2012. - 51 с.
3. Минц, А. А. Экономическая оценка естественных ресурсов (Научно-методические проблемы учета географических различий в эффективности) / А. А. Минц - М.: Мысль, 1972. - 380 с.
4. Новоселова, И. Ю. Формирование и развитие природно-ресурсного потенциала региона: автореф. дис.. д-ра экон. наук: 08.00.05 / И. Ю. Новоселова. - М., 2011. - 48 с.
5. Самодай, В. П. Оценка и прогнозирование природно-ресурсного потенциала региона:

автореф. дис. . канд. экон. наук: 08.00.05 / В. П. Самодай. - Сумы, 2010. - 22 с.;
6. Станис Е.В., Макарова М.Г.Комплексная оценка природных и производственных потенциалов территории: Учеб. пособие. - М.: РУДН. - 2008.
7. Кавун К.П. О системах учета и классификации запасов/ресурсов твердых полезных ископаемых, используемых в США / Геологическое изучение недр и водопользование: Экспресс-информ. - М.: ООО "Геоинформцентр", 2002. - Вып. 8, 9. - С. 6-25.
8. Кавун К.П. Государственный учет и стандартизация требований к представлению информации о запасах/ресурсах твердых полезных ископаемых в Австралии / Геологическое изучение недр и водопользование: Экспресс-информ. - М.: ЗАО "Геоинформмарк", 2002. - Вып. 4, 5. - С. 8-23.
9. Экологизация малых и средних предприятий: Пособие по инструментам природоохранной политики для стран Восточного партнерства. Программа «EaP GREEN». OECD, UNEP. 2015. – 75 pp.
10. Путин В.В. Минерально-сырьевые ресурсы в стратегии развития российской экономики. /newsruss.ru/.
11. Дмитриев В.Г. Оценка экологического риска. аналитический обзор./ https://narfu.ru/upload/iblock/cfb/11.pdf
12. Оценка экологического риска. https://studref.com/305368/meditsina/otsenka_ekologicheskogo_riska
13. Sornette D., Maillart T., Kroger W. Exploring the limits of safety analysis in complex technological systems / Risk Center, Zurich, 2013. http://arxiv.org/pdf/1207.5674.pdf.
14. May R. and McLean A. Theoretical Ecology. Principles and Applications / Oxford University Press Inc., New York. 2007. 268 pp.; Legendre P., Legendre L. Numerical Ecology. Second English edition / Elsevier Science B.V., Amsterdam, 1998. 853 pp.; Gillman, M. An introduction to mathematical models in ecology and evolution: time and space / A John Wiley & Sons, Ltd., 2nd ed. 2009. 167 pp.
15. Bieda B. Stochastic Analysis in Production Process and Ecology Under Uncertainty / Berlin, New York: Springer, 2012. 189 pp.
16. Suter G.W. Ecological Risk Assessment in the United States Environmental Protection Agency: A Historical Overview // Integrated Environmental Assessment and Management. - 2008. Volume 4, Number 3. Pp. 285-289.
17. Pollard S. J. T. Ecological and public health risks: analysis and management / UNESCO Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS). 2002. Pp. 219-235.
18. Guidance for Assessing Ecological Risks Posed by Chemicals: Screening Level Ecological Risk Assessment. HWB Guidance Document. Revision 2.0 / New Mexico Environment Department Hazardous Waste Bureau. 2008. 116 pp.
19. Hayes K. R. Uncertainty and Uncertainty Analysis Methods. Final report for the Australian Centre of Excellence for Risk Analysis (ACERA) / CSIRO Division of Mathematics, Informatics and Statistics, Hobart, Australia. 2011; Dutt L. S., Kurian M. Handling of Uncertainty A Survey // International Journal of Scientific and Research Publications, Volume 3, Issue 1, 2013. Pp. 1-4.
20. В Узбекистане намерены ввести экологический сбор на вредные товары. https://news.mail.ru/economics/34721929/?frommail=1
21. Исаджанов А.А. Глобаллашув шароитида минерал-хомашё комплексининг экологик-иқтисодий моделини шакллантириш. //Ислом зиёси. 2019. 4-сон. 279-287 б.
22. Moser Peter and Feiel Susanne. Raw Materials as a Driver of Economic Growth and Job Creation in the Transition to an Innovation-driven Low-carbon and Circular Economy/ https://link.springer.com/article/10.1007/s00501-019-0841-1
23. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. Тошкент.: Complex Print. 2020. – 200 б.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Расулова Дилфуза Валиевна,**
Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори
e-mail:dilfuzahon0204@mail.ru

# ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Rasulova Dilfuza Valievna. EMPLOYMENT PROBLEMS FOR WOMEN IN A PANDEMIC. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 12-20

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-2**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада аёлларнинг меҳнат бозоридаги аҳволи, бошқа аҳоли гуруҳлари каби, ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж, рақобатдошлик даражаси, малака даражаси, касби, иш тартиби, мулкчилик шакли, ҳамда аҳолини меҳнат соҳасида ижтимоий ҳимоя қилиш тизими соҳасидаги муаммолар келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади – инновацион иқтисодиёт даврида аёллар бандлиги соҳасида қайси йўналишда, қай даражада ва қандай ўзгаришлар содир бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг бандлик бўйича дастлабки аҳволига, аёл зотининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий тавсифларига боғлиқлигини илмий асослаш ва хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги бугунги ўрнини яхшилаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, уларни ҳал қилиш борасида тегишли амалий тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ масалаларни чуқурроқ англаб етиш, аёлларни ишга ёллаш борасидаги нотўғри қарашларни бартараф этиш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда меҳнат қонунчилигига аёлларга иш тартиби ва турини мустақил равишда танлаш ҳуқуқини берадиган ўзгартириш киритилиши лозим;

2. Аёлларнинг ишдаги ва уйдаги меҳнатини енгиллатадиган, ўз-ўзига ишонч ҳиссини оширадиган, даромад билан таъминлайдиган, уларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ҳақидаги мавжуд бир қолипли тасаввурларни ўзгартириб юборадиган ва уларга одатдаги бир таҳлитдаги ишлардан бошқа ишларга ўтиб ишлашига имкон берадиган технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

3. Оналикни муҳофаза қилиш, ота-оналарга бола парвариши учун таътиллар бериш, уй ишлари билан боғлиқ ташвишлар юкини тақсимлаш ва енгиллатиш, ўзгарувчан иш тартибини, жумладан ота-оналар учун ихтиёрий равишда ва ишни тақсимлаш асосида тўлиқ бўлмаган иш кунини жорий қилиш ҳамда болаларни арзон нархда сифатли парваришлашга хизмат қиладиган тарбия муассасаларини ташкил қилиш орқали ота-оналарнинг бир вақтнинг ўзида ишлашига ва оилавий мажбуриятларини бажаришига имкон берадиган институционал ёрдам

кўрсатиш лозим;

4. Меҳнат бозори билан боғлиқ маълумотлар тизимини, хусусан, бандлик, ишсизлик ва иш ҳақи ҳақидаги тегишли маълумот ва кўрсаткичларни йиғиш ва ҳисоблаб чиқиш йўли билан мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат бозори билан боғлиқ ахборотларни, хусусан, расмий бозордан ташқаридаги мавжуд иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишни йўлга қўйиш зарур;

5. Аёлларнинг меҳнат бозоридаги ҳақиқий имкониятларини кузатиб боришни таъминлаш учун таҳлилий ва статистик маълумотларнинг ҳаммасида аёллар ва эркакларнинг сони алоҳида кўрсатилиши лозим.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, ишчи кучи бозори, бандлик, хотин-қизлар меҳнат бозори, эҳтиёжманд қатлам, ишсизлик, тадбиркор аёл.

---

**Расулова Дильфуза Валиевна,**
зав.каф. Высшей школы бизнеса и предпринимательства
при Министерстве экономического развития и
сокращения бедности, доктор экономических наук
e-mail: dilfuzahon0204@mail.ru

# ПРОБЛЕМЫ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены место и роль женщины на рынке труда, как и других групп населения, определана потребность в трудоустройстве, уровнем конкуренции, уровнем квалификации, профессией, графиком работы, формой собственности, а также системой социальной защиты в сфере труда.

Целью исследования является научно обосновать, что и в каком направлении, в какой степени и какие изменения произойдут в сфере занятости женщин в переходный период, как зависит от их исходного состояния занятости, наиболее важных социально-экономических характеристик женщин. В статье анализируется текущая роль женщин на рынке труда и существующие проблемы в этой сфере, а также даются актуальные практические рекомендации по их решению.

Научная новизна исследования:

1. Для лучшего понимания вопросов равенства между женщинами и мужчинами, проведения информационно-пропагандистской работы с целью устранения неправильных представлений о занятости женщин и внесения поправок в трудовое законодательство, чтобы предоставить женщинам право самостоятельно выбирать порядок и вид работы;
2. Желательно расширить использование технологий, которые облегчают женщинам работу и выполнение домашних заданий, повышают уверенность в себе, обеспечивают доход, изменяют существующие стереотипы об их роли в производстве и позволяют им переходить от одного вида работы к другому;
3. Защитить материнство, предоставить отпуск по уходу за ребенком, распределить и облегчить бремя домашних дел, ввести изменяемый график работы, включая добровольную и неполную занятость для родителей, и обеспечить качественный уход за детьми по невысокой цене. предоставлять институциональную поддержку, которая позволяет родителям одновременно работать и выполнять семейные обязанности, путем создания обслуживающих учебных заведений;
4. Необходимо укреплять информационную систему рынка труда, в частности, путем сбора и расчета соответствующих данных и показателей по занятости, безработице и заработной плате, а также распространять информацию о рынке труда, в частности информацию о доступных рабочих местах за пределами официального рынка;
5. Во всех аналитических и статистических данных должно указываться количество женщин и мужчин, чтобы обеспечить мониторинг реальных возможностей женщин на рынке труда.

**Ключевые слова:** рынок труда, рынок труда, занятость, женский рынок труда, малообеспеченные, безработица, предпринимательская деятельность женщин.

**Rasulova Dilfuza Valievna,**
head of the department Graduate School of Business
and Entrepreneurship under the Ministry of
Economic Development and
Poverty Reduction, Doctor of Economics
e-mail: dilfuzahon0204@mail.ru

## EMPLOYMENT PROBLEMS FOR WOMEN IN A PANDEMIC

**ABSTRACT**

The article examines the place and role of women in the labor market, as well as other groups of the population, determines the need for employment, the level of competition, the level of qualifications, profession, work schedule, form of ownership, as well as the system of social protection in the labor sphere.

The aim of the study is to scientifically substantiate what and in what direction, to what extent and what changes will occur in the employment of women in the transition period, how it depends on their initial state of employment, the most important socio-economic characteristics of women. The article analyzes the current role of women in the labor market and the existing problems in this area, as well as provides relevant practical recommendations for their solution.

Scientific novelty of the research:

1. To improve understanding of gender equality issues, conduct advocacy to eliminate misconceptions about women's employment and amend labor laws to empower women to choose their own way and type of work;

2. It is desirable to increase the use of technologies that make it easier for women to work and do their homework, increase self-confidence, generate income, change existing stereotypes about their role in production and allow them to move from one type of work to another;

3. Protect maternity, provide parental leave, distribute and ease the burden of household chores, introduce flexible work schedules, including voluntary and part-time parenting, and provide quality childcare at low cost. provide institutional support that allows parents to work and fulfill family responsibilities at the same time through the creation of service educational institutions;

4. The labor market information system should be strengthened, inter alia, by collecting and calculating relevant data and indicators on employment, unemployment and wages, and disseminating labor market information, in particular information on available jobs outside the formal market;

5. All analytical and statistical data should indicate the number of women and men in order to monitor the real opportunities of women in the labor market.

**Key words:** labor market, employment, women's labor market, low-income, unemployment, women's entrepreneurial activity.

### Кириш

Ярим йилдан ортиқ вақтдан буён бутун дунё кучайтирилган карантин шароитида яшамоқда. Бу мураккаб даврда ҳамма давлатларда энг асосий муаммо аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, даромад билан таъминлаш бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ишсизларнинг 732 минг нафари ёшлар, 834 минг нафари хотин-қизлардир.

Тадбиркорлик фаолиятида аёлларнинг иштироки аҳамиятли тарзда ошиб бормоқда, америкалик тадқиқотчилар Р.Петерсон ва К.Вермейерлар бу феноменни "Жаҳон миқиёсидаги тинч инқилоб" деб аташган эди [1]. Дарҳақиқат, охирги йиллар давомида бутун дунёда аёллар тадбиркорлиги кенг тус олиб, жаҳон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётганини инкор этиб бўлмайди. Масалан, АҚШ ва Канадада кичик бизнеснинг учдан бир қисми аёллар қўлида, Францияда тадбиркор аёллар эркак тадбиркорлардан 3 маротаба кўп, умуман олганда,

ривожланган давлатларда тадбиркор аёллар тадбиркорларнинг 50,2 - 70,5 % фоизини ташкил этмоқда. Шу ўринда республикамизда ҳам аёллар орасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасининг ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Лекин, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик барча ҳудудларда яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Хотин-қизлар билан ишлаш учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида вертикал тизим яратилди. Ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш муҳим ва бу борада алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни ажратиб олишимиз зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасида 2019-2020 йилларда ўз иш фаолиятини тўхтатган тадбиркор аёллар сони тадбиркорлик фаолиятини бошлаган аёллар сонидан кўп. Бунинг сабаби ҳудуд, мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб, бизнес режалар тузиш, истиқболда эса экспорт маҳсулот чиқариш мақсадида хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш масаласида тизимли ишлар олиб борилмаган. Мавжуд муаммолар чуқур ўрганилмаган ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Оқибатда республика бўйича 2019-2020 йилларда хотин-қизлар томонидан жами 108 минг 782 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилган [2]. Шу даврда эса 115 минг 920 нафар тадбиркор аёл ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Шунингдек, 2063 нафар ночор аёл, ижтимоий ҳимояга муҳтож 75 минг 920 та оила оғир турмуш шароитида яшаётган 6 минг 213 нафар хотин-қизга мақсадли ёрдам бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш режалари ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Дунё бўйича камбағал аҳолининг 76,5 % қишлоқларда яшашини инобатга олиб, аёллар учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали дунёда камбағаллик даражасини камайтириш мумкин. Шунинг учун ҳам республикамизда қишлоқ аёлларининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш ва улардан унумли фойдаланиш катта стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги учун мазкур масалаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ҳудудларда ҳал этиш бўйича илмий-амалий асосланган хулосалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Х.Абулқосимовнинг аёлларнинг меҳнат бозоридаги аҳволи, бошқа аҳоли гуруҳлари каби, ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж, рақобатдошлик даражаси, малака даражаси, касби, иш тартиби, мулкчилик шакли, ҳамда аҳолини меҳнат соҳасида ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан белгиланиши таҳлил қилинган.

М.Мирзакаримованинг тадқиқотларида кўпчилик аёллар касбий манфаатдорлик нуқтаи назаридан ҳам, моддий эҳтиёж туфайли ҳам зудлик билан ишга жойлашишга ҳаракат қилиши таъкидланган. Ишсиз сифатида рўйхатдан ўтиш ва иш стажидаги узилишни расмийлаштирган яъни иш стажида узилиш бўлмаслигини таъминлаган ҳолда, озгина бўлсада ишсизлик нафақасини қўлга киритиб, ўзига хос «таътилга чиқиш» аёлларнинг уйларида йиғилиб қолган муаммоларини ҳал қилиб олишларига имкон беради.

Ш.Хажибакиевнинг "Аҳоли бандлигига кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш масалалари" га оид таҳлиллари жорий йил охиригача маҳаллаларда 136 та касб-ҳунар ўқитиш маскани, қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курсларини ташкил этиб, 31 та касб-ҳунарга ўқитиш марказларини жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Бу мақсадлар учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Бандликка кўмаклашиш жамғармасига 200 миллиард сўм ажратиш, ўқув курсларини, аввало, камбағаллик энг юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этиш кераклиги ўрганилди.

**Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқот давомида илмий абстракциялаш, таҳлил ва кузатувусулларидан самарали фойдаланилган. Жумладан, меҳнат бозорининг фаолиятини тадқиқ қилишда ушбу йўналишда фаолият олиб борган олимларнинг тадқиқотлари илмий абстракциялаш методи ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистонда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

вазирлиги фаолияти, аёллар бандлигини таҳлил қилиш ва таклифлар беришда анализ ва синтез усулидан самарали фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

Микроқарз олиш ниятидаги ёшлар ва аёллар тадбиркорликка бепул ўқитилиб, йилига 5 минг нафар ёшлар ва аёлларнинг бандлиги таъминланади. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири - хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш орқали оилаларга барқарор даромад манбаи яратилади.

Бозор трансформацияси шароитида Ўзбекистон иқтисодиётидаги ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бутун аҳолининг бандлиги, шу жумладан, аёллар бандлиги соҳасида йирик ўзгаришлар амалга оширилиши муқаррар. Бугунги кунга келиб аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси 13,4 фоизни ташкил этди [3].

**1-жадвал.**

**Ўзбекистонда бандлар сони ва ишсизлик даражаси [3]**

| **Кўрсаткичлар** | 2018 й. 1-чорак | 2018 й. 2-чорак | 2018 й. 3-чорак | 2018 й. 4-чорак | 2019 й. 1-чорак | 2019 й. 2-чорак | 2019 й. 3-чорак | 2019 й. 4-чорак | 2020 й. 1-чорак | 2020 й. 2-чорак |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Иш билан банд аҳоли (бир даврда ўртача минг киши)** | | | | | | | | | | |
| **Иқтисодий фаол аҳоли** | 14625,0 | 14569,5 | 14599,8 | 14641,7 | 14767,1 | 14751,0 | 14946,2 | 14876,4 | 14838,3 | 14680,6 |
| **Шундан, иш билан таъминланган** | 13199,2 | 13219,9 | 13292,2 | 13273,1 | 13376,0 | 13408,4 | 13608,8 | 13541,1 | 13438,6 | 12736,6 |
| **Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш** | | | | | | | | | | |
| **Давлат сектори** | 2413,9 | 2459,6 | 2481,8 | 2427,0 | 2529,1 | 2533,9 | 2542,2 | 2463,3 | 2549,0 | 2419,0 |
| **Нодавлат сектори** | 10785,3 | 10760,3 | 10810,4 | 10846,1 | 10846,9 | 10874,5 | 11066,6 | 11077,8 | 10889,6 | 10317,6 |
| **Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар** | 43,4 | 82,3 | 62,9 | 32,3 | 38,9 | 54,2 | 34,7 | 57,9 | 32,1 | 73,2 |

2019 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан республиканинг 62 шаҳар ва туманларида 310 та ўзини ўзи бошқариш органи, 3 100 та уй хўжалиги ва 16 425 нафар фуқарони қамраб олган кенг кўламли социологик текширув ишлари амалга оширилди. Ўтказилган текширув натижаларига кўра, иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил этди, бу жорий йилнинг I чорагига (9,7 фоиз) нисбатан 0,4 фоизга камайганлигини кўрсатади. Энг кўп ишсизлик даражаси Фарғона (10,0 фоиз), Андижон (9,9

фоиз), Сурхондарё (9,9 фоиз) вилоятларида, энг ками Тошкент (7,8 фоиз) шаҳрида қайд этилди. Ёшлар (30 ёшгача) ўртасидаги ишсизлик даражаси 15,9 фоизни, аёллар ўртасида 13,4 фоизни ташкил этди [4].

Тўлиқ меҳнат бозорида меҳнат органлари томонидан 2017 йилда ишсиз сифатида рўйхатга олинган аёлларнинг 52,0 % и ўз ҳоҳишига кўра ишдан бўшаган, 5,4 % и эса маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатилган. Ишсиз аёлларнинг 6,3% и олий маълумотга эга, 29,8%и ўрта махсус, 52,8%и ўрта умумий, 11,1% и эса тўлиқ умумий ўрта маълумотга эга эмас.

Уй меҳнатининг, энг аввало, корхоналар билан меҳнат шартномаларига асосланган касаначилик меҳнати, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 142,9 минг нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, давлат томонидан фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, касбга қайта ўқитиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларни заҳира (квота) қилинган иш ўринларига ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда [5].

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, аёлларни оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитасининг тавсияномалари асосида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 100 млрд.сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Натижада 888 та янги иш ўрни яратилди ва 773 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди [6].

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2012 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни оилавий тадбиркорликни самарали амалга ошириш учун хуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Ушбу Қонунда белгилаб қўйилганидек, оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Шунингдек, оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта[7] инвестицион лойиҳани рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришиш белгиланганлиги мазкур масаланинг аҳамияти юқорилигини англатади. Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаигага бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган “Ҳар бир оила-тадбиркор” Дастури амалга оширилмоқда.

Шу ўринда олиб борилган тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда ташкил этилган тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд аёллар сонининг ўзгаришига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ (1 -жадвал).

2- жадвалдан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд аёллар сонининг ўзгариши 2019 йилда 2016 йилга нисбатан уч мартага ўсиб борган. Бу кўрсаткич айниқса, Андижон вилоятида (167,0), Бухоро вилоятида (4 марта), Фарғона вилоятида уч мартагача ошган бўлса, Хоразм вилоятида эса беш мартачага ўсиб борган.

Лекин, бугунги замоннинг талаби ўзгача, шароитлар бошқача. Йилига ярим миллион нафардан кўпайиб бораётган республикамиз аҳолиси оилаларини рўзғорининг бутлигига эришиш, одамларни, айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишни ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ресурсларидан фойдаланмай туриб бажариш мушкул.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд аёллар сонининг ўзгариши [8] (минг киши)**

| Ҳудудлар номи | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2019 йилда 2016 йилга нисбатан марта |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси бўйича жами, шу жумладан:** | **1, 792 88** | **2, 726 69** | **3, 083 60** | **7, 104 84** | **531,196** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 230,4 | 287,6 | 309,5 | 639,8 | 409,4 |
| Андижон вилояти | 158,4 | 148,6 | 186,1 | 263,2 | 104,8 |
| Бухоро вилояти | 135,5 | 202,3 | 244,9 | 546,4 | 410,9 |
| Жиззах вилояти | 79,5 | 105,4 | 130,3 | 245,4 | 165,9 |
| Қашқадарё вилояти | 178,5 | 148,8 | 398,0 | 855,3 | 676,8 |
| Навоий вилояти | 110,5 | 171,1 | 239,6 | 947,3 | 836,8 |
| Наманган вилояти | 34,8 | 67,3 | 86,5 | 183,7 | 148,9 |
| Самарқанд вилояти | 218,9 | 334,8 | 546,6 | 864,0 | 645,1 |
| Сурхондарё вилояти | 126,6 | 138,5 | 374,3 | 771,4 | 644,8 |
| Сирдарё вилояти | 10,5 | 17,5 | 24,6 | 59,0 | 48,5 |
| Тошкент вилояти | 273,4 | 540,6 | 634,2 | 986,1 | 712,7 |
| Фарғона вилояти | 234,3 | 456,5 | 675,0 | 853,3 | 619,0 |
| Хоразм вилояти | 158,0 | 232,3 | 374,0 | 804,3 | 646,3 |

Меҳнат органларига мурожаат қилиш аёллар ўртасида энг кўп тарқалган иш излаш усули ҳисобланади. Иш излаб топиш учун шахсий алоқалардан ва бевосита иш берувчининг ўзига мурожаат қилиш усулидан эса, аёллар, нисбатан кам ҳолларда фойдаланадилар. Бунинг сабаби нимада? Фақат иш ўрнига эга бўлиш истаги биланми?

Тўлиқ меҳнат бозорида ишсизларни улар ҳоҳлаган меҳнат шартномаси тури бўйича гуруҳларга ажратиш аёлларнинг янги иш ўрнини танлашдаги устуворликлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Аёллар ишнинг доимий ёки вақтинчалик эканлигидан қатъи назар тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси тартибидаги ўзгарувчан иш жадвали асосида ишлашни ёқтирадилар. Уларнинг бундай иш тартибини маъқул кўришлари уй ишлари билан ҳам банд эканликлари билан боғлиқ.

Қуйидагилар, ишнинг доимий ёки вақтинчалик эканлигидан қатъий назар, тўлиқ бўлмаган иш куни тартибига асосланган бандликка ҳаммадан кўра кўпроқ эҳтиёж сезадилар: Ўрта маълумотли аёллар (62,6 %) ҳамда 18-30 ёшли аёллар (51,1 %).

Ўтказилган таҳлил, меҳнат бозорига чиққан аёлларни бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган иккита гуруҳга ажратиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Булар - ҳақиқатдан ҳам иш ўрнига муҳтож бўлганлар ва тегишли ижтимоий таъминот (ёки ёрдам) мавжуд бўлгани тақдирда фаол бандликдан қисман ёки ҳатто умуман воз кечишлари мумкин бўлганлар гуруҳи.

Энг кескин вазият вилоятлардаги меҳнат бозорларида ҳукм сурмоқда ва ушбу бозордаги аёллар бандлиги муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиш ва меҳнат бозорининг ўзини назорат қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўрилиши талаб қилинади. Бу ҳудудларда ҳозирда мавжуд шароитларда аёлларнинг кўпчилиги учун асосий муаммо – бу иш ўрнини сақлаб қолишдир. Улардан кўпчилиги кафолатли даромад ва иш жойи томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини сақлаб қолиш учун иш ҳақидан воз

кечишга ҳам тайёр турадилар. Эркаклар кўпинча яхшироқ иш излаб топиш умидида ўз ихтиёрлари билан ишдан бўшайдилар, аёллар эса қисман бандлик шарти билан ишлашда давом этаверадилар.

Шундай қилиб, республика бўйича аёллар ўртасидаги ишсизлик билан боғлиқ катта ҳудудий ўзига хосликларга эга бўлган демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатадиган турли жарёнлар бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги кундаги аёллар ўртасидаги ишсизлик ёлғиз ва кўп болали, мактабгача ёшдаги ва ногирон болаларни тарбиялаётган оналардан иборат кам ҳимояланганлар тоифасидаги аёлларни ўз исканжасига олиб, вазиятни янада кескинлаштирмоқда. Бироқ, аёллар ўртасидаги ишсизликни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда, меҳнат бозоридаги рақобатнинг кун сайин кучайиб бораётганлиги сабабли бунинг натижалари кейинроқ кўринади.

2018 йилдан бошлаб оғир турмуш шароитида яшаётган ҳамда ногиронлиги бўлган аёллар, айниқса ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бу борада маҳаллалар кесимида манзилли рўйхатлар шакллантирилиб, алоҳида дастур асосида 10 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланди ва бунга 38 млрд. 261 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан бўш биноларни қайта таъмирлаш ва ишга тушириш ҳисобига 2 минг 300 тадан ортиқ кичик цехлар ташкил этилиб, 16 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Турли мамлакатлардаги аёллар билан боғлиқ ишсизлик муаммосини ҳал қилиш борасидаги тажрибалар, аёллар бандлигига кўмаклашиш билан боғлиқ анъанавий йўналишларни кам ҳимояланганлар тоифасига кирувчи аёллар ўртасидаги ишсизлик муаммосига нисбатан ҳамма вақтда ҳам муваффақиятли равишда қўллаб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Бу муаммонинг самарали ечимига эришиш учун, энг аввало мазкур тоифага кирувчи аёлларни қизиқтирадиган маълумотларнинг, жумладан, одатдагидан ташқари иш тартиблари белгиланиши мумкин бўлган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ ва ишонарли бўлишини таъминлаш зарур. Чунки, болалик аёлларнинг кўпчилиги ўртасида тўлиқ бўлмаган иш куни (45%), ўзгарувчанлик хусусиятига эга иш жадвали (33%), тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси (21%) белгиланиши мумкин бўлган иш билан банд бўлишга талаб катта эканлиги кузатилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар**

Шундай қилиб, аёлларнинг меҳнат бозорида тўлиқ иштирок этишларини ва уларнинг ишга жойлашиш масаласида эркаклар билан тенг имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб қилинади:

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб эътироф этиш керакки, оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан бандликнинг эгилувчан шакллари - қисман иш билан бандлик, иш жойини тақсимлаш, мослашувчан иш графиги, эгилувчан ва виртуал иш жойи иқтисодий фаол аҳолини муносиб иш билан таъминлашнинг самарали йўли бўлиб, у иш берувчиларга иқтисодий вазият, бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқаришнинг йўналишини, ходимларнинг сони ва таркибини қисқа муддатда ўзгартиришга ёрдам беради.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва аёллар бандлигини таъминлаш учун яқин истиқболда қуйидаги асосий иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- янги иқтисодий ҳудудларда оилавий тадбиркорлик объектларида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан учун янги иш жойларини яратиш;
- оилавий тадбиркорлик корхоналари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари бўйича учун янги иш жойларини ташкил этиш;
- қишлоқларда оилавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида тадбиркорликка ўқитиш ишларини кенг ташкил этиш;
- молиявий маблағларнинг беҳудага сарфланишини олдини олиш мақсадида

қобилиятли тадбиркорларни кўрикдан ўтказиш;

- оилавий тадбиркорликни иқтисодий шерикчилик шаклини қўллаш орқали бир нечта оиланинг ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Нурбекова Ж. Теоретические предпосылки социологического анализа женского предпринимательства. М.: Экономика и бизнес. 2013 №3, 45 с.
2. Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари. 2020 йил.
3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. 2019 й. январь
4. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази маълумотлари. 2019 й. январь
5. Ш.Хажибакиев, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш тадбирларини молиялаштириш масалалари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 12. 40-бет.
6. ЎзР давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожланиш. Стат.тўплам. Т.:2017. 151-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила-тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисида қарори. 2018 йил. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 07/18/3777/1325 – сон. Lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статитикаси маълумотлари. www.stat.uz

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Уразматов Жонибек Мусурманович**
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

# КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ СОЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation:** Urazmatov Jonibek Musurmanov. TAX ASPECTS OF ACCOUNTING FOR FIXED ASSETS AND INTANGIBLE ASSETS IN ENTERPRISES. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 21-28

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-3**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада корхоналарда бозор иқтисодиёти шароитида асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритишнинг ўзига хос жиҳатлари амалдаги солиқ қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

**Калит сўзлар:** корхона, асосий воситалар, номоддий активлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, солиққа тортиш.

---

**Уразматов Жонибек Мусурманович**
Старший преподаватель Гулистанского государственного университета

# НАЛОГОВЫЕ АСПЕКТЫ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются основные инструменты и специфические аспекты учета основных средств нематериальных активов на предприятиях в условиях рыночной экономики в соответствии с требованиями действующего налогового законодательства.

**Ключевые слова:** предприятие, основные средства, нематериальные активы, национальные стандарты бухгалтерского учета, налогообложение.

---

**Urazmatov Jonibek Musurmanov**
Senior lecturer at
Gulistan state University

# TAX ASPECTS OF ACCOUNTING FOR FIXED ASSETS AND INTANGIBLE ASSETS IN ENTERPRISES

**ABSTRACT**

This article discusses the main tools and specific aspects of accounting for fixed assets and intangible assets at enterprises in a market economy in accordance with the requirements of current tax legislation.

**Keywords:** enterprise, fixed assets, intangible assets, national accounting standards, taxation.

---

**Кириш**

Ишлаб чиқариш фаолияти учун корхоналарга асосий воситалар (меҳнат воситалари) керак; улар ишлаб чиқариш жараёнида қайта-қайта иштирок этадилар, натурал-моддий ва табиий шаклини ўзгартирмаган ҳолда ўз қийматини яратилган маҳсулотга ўтказадилар. 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар"да асосий воситаларга тариф берилган: "**асосий воситалар** - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар".

Солиқ солиш мақсадларида эса асосий воситалар дейилганда товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки ташкилотни бошқариш учун меҳнат воситалари сифатида фойдаланиладиган мол-мулкнинг бир қисми тушунилади.

5-сонли БҲМСга мувофиқ, асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар [3].

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

0100 "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар"да алоҳида ҳисобварақлар бўйича фойдаланишда, заҳирада, консервацияда ёки оддий (ишлаб чиқариш) ижарага берилган асосий воситалар ҳисобини юритилади. 0100 "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварағида асосий воситаларнинг улар жойлашган жойлардаги (цехлар, ишлаб чиқаришлар ва ҳ.к.) ҳар бир объект бўйича аналитик ҳисоби юритилади.

Асосий воситалар объектлари бухгалтерия ҳисобида статистик ҳисобот талабларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўйича гуруҳланади (масалан, ноишлаб чиқариш бўйича тармоқларга бўлинади: соғлиқни сақлаш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва бошқалар.) ва бундан ташқари функционал гуруҳлар бўйича: бинолар, иншоотлар, ишчи машина ва ускуналар ва бошқалар).

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ялпи ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоб-ускуналар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

в) кўрпа-тўшак анжомлари;

г) канцелярия анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган жиҳозлар ва бошқалар);

д) ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон ва сочиқлар;

е) тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

ж) бир йилдан кам фойдаланиш муддатига эга алмашинадиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, қармоқлар, матраплар, мережалар ва бошқалар).

Асосий воситалар таркибида шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига топширилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Кўп йиллик кўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар

объектларига капитал қўйилмалар ҳар йили бутун ишлар мажмуи якунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Асосий воситаларнинг инвентарь объекти сифатида барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян ишларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади. Конструктив жамланган буюмларнинг мажмуи - умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибида бажара оладиган бир ёки турли мақсадларга мўлжалланган битта ёки бир нечта буюмлардир.

Битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлганда, ҳар бир бундай объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь объект сифатида тан олинади.

Икки ёки ундан ортиқ корхона мулки бўлган асосий воситалар ҳар бир корхона томонидан асосий воситалар таркибида унинг умумий мулкдаги улушига мутаносиб тарзда акс эттирилади.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинади, агар:

а) корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

б) актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса.

Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари:

1) сотиб олинган пайтдан бошлаб то ҳисобдан чиқаргунча уларнинг мавжудлиги аниқлаш ва бутлигини назорат қилиш;

2) эскиришни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаш;

3) бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғини тўғри ҳисоблаш учун маълумот олиш;

4) асосий воситаларни реконструкция, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат қилиш;

5) асосий фондлардан вақти ва қуввати бўйича самарали фойдаланишни назорат қилиш; асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот учун маълумотлар олиш.

Асосий воситалар ҳисобини тўғри ташкил этишнинг базасини асосий воситаларнинг тасдиқланган стандарт таснифи ва уларни бухгалтерия ҳисобида баҳолашнинг ягона тамойилини ташкил этишдан иборатдир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Корхоналарда асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритиш ва уни солиққа тортиш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ҳасанов Б.А., Хашимов А.А., Пардаев А.Х. Ибрагимов Н.А., Ванина М.С. ва шу кабилар томонидан ўрганилган. Мамлакатимизда кейинги йилларда бухгалтерия ва солиқ масалаларига оид илмий ва ўқув адабиётларини яратишга алоҳида урғу берилмоқда. Бу борада мамлакатимизнинг бухгалтерия бўйича етакчи мутахассисларидан бири А.Б. Мухаметов муаллифлигида яратилган “Бухгалтерия ҳисоби” ўқув қўлланмасини мисол сифатида келтиришимиз мумкин[8]. Шундай бўлсада, бугунги кунда корхоналарда асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритиш ва уларни солиққа тортиш масалаларини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятини солиққа тортишнинг аҳамияти ва солиқ механизмининг амалдаги ҳолати мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ келиб чиқадиган харажатларнинг айрим турлари бўйича мавжуд фарқларни уларнинг бошланғич қийматига киритилишини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Асосий воситаларнинг бошланғич таннархини шакллантиришда ҳисобга олинадиган харажатларнинг қиёсий таҳлили**

| Кўрсаткичлар | Асосий воситаларнинг бошланғич таннархига киритиладиган харажатлар | |
|---|---|---|
| | Бухгалтерия ҳисобида | Солиқ ҳисобида |
| Қайтарилмайдиган солиқлар | + | - |
| Фарқлар суммаси | + | - |
| Инвестиция активини бухгалтерия ҳисобига қабул қилингунга қадар ҳисобланган қарз маблағлари бўйича фоизлар | + | - |
| Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш учун тўловлар | + | - |
| Объектни сотиб олишда мулк суғуртаси бўйича харажатлар | + | - |

Шундай қилиб, кўриниб турибдики бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бир биридан фарқ, ва ҳар доим солиқ мақсадлари учун камроқ бўлади. Амортизация орқали фойдани солиққа тортиш деб назарга олсак, унда ташкилот харажатларига нисбатан камроқ сумма киритилади.

Бундан ташқари, амортизация орқали ташкилот харажатларига киритилган суммалар бухгалтерия ҳисоби ва солиқ мақсадлари учун турлича ҳисобга олинади.

Амортизация ҳисоблаш механизмида мавжуд бўлган асосий фарқларни кўриб чиқамиз (2-жадвал).

Ташкилот томонидан ҳадя шартномаси бўйича (бепул) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санадаги жорий бозор қиймати деб эътироф этилади. Бу ҳолда жорий бозор қиймати деганда бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санада белгиланган активни сотиш натижасида олиниши мумкин бўлган нақд пул суммаси тушунилади.

Солиқ кодексини 298-моддасига мувофиқ асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда эътироф этилади[1].

**2-жадвал.**

**Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида амортизация ажратмаси бўйича фарқлар**

| Кўрсаткичлар | Бухгалтерия ҳисоби | Солиқ ҳисоби |
|---|---|---|
| Фойдаланиш учун рухсат берилган амортизация ҳисоблаш усуллари | Барча тўртта усул | Фақат иккита: чизиқли ва ишлаб чиқариш усуллари |
| Ҳисоблаш вақти бўйича | Олинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан | Олинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан |
| Солиқ чегирмалари | Кўзда тутилмаган | Кўзда тутилмаган |
| Амортизацияни жадаллаштириш коэффициенти 2 ва 3 мартадан кўп эмас | Агар камайиб борувчи қолдиқ қиймати усули фойдаланилаётган бўлса | Кўзда тутилмаган |

Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий

воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Агар Солиқ кодексида 299-моддасидан ташқари бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилади.

Мол-мулкни текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари, агар 299-модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу мол-мулкнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади [1].

Текин олинган мол-мулкнинг бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Хусусан, қуйидагилар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин:

1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;

2) маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);

3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

4) биржа хабарлари;

5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси ЎзР МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади.

299-модда тўртинчи қисмининг қоидалари:

1) банклараро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

2) ЎзР Президентининг, ЎзР ВМнинг қарорларига кўра, шунингдек ЎзРнинг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга(ссудаларга);

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айни шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга (қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан татбиқ этилмайди.

299-модданинг биринчи қисми қоидалари Солиқ кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкни ишончли бошқарувга беришдан наф олувчи оладиган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиққа тортиш мақсадлари учун текинга олинган мол-мулкнинг қиймати бошқа операцион даромад таркибига киритилади ва фойда солиғига тортилади. Бундай объектлар бошқа операцион даромад таркибига жорий бозор қиймати билан қабул қилинади, лекин қолдиқ қийматидан паст бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, солиқ қонунчилиги асосий воситаларни текинга олган ташкилотларни асосий воситаларни солиққа тортиш мақсадида, асосий воситалар (қолдиқ ёки бозор) қийматини қабул қилиш санасига икковидан бирини юқори нархи билан бухгалтерия ҳисобига кирим қилишни талаб қилади [8].

Бундан ташқари, фойда солиғи мақсадлари учун текинга олинган мол-мулкнинг қиймати тўлиқ ташкилот томонидан қабул қилинган даврда, бошқа операцион даромад таркибига қабул қилинади, лекин фойдаланиш муддати бўйича аста-секин амортизация ҳисоблаш суммасига эмас.

**Номоддий активлар ҳисобининг солиқ жиҳатлари.** Солиқ ҳисоби мақсадларида номоддий активлар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки ташкилотнинг узоқ вақт давомида (12 ойдан ортиқ давом этадиган) бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатиладиган интеллектуал мулк ва (ёки) ташкилот томонидан яратилган интеллектуал мулк натижаларидир.

Номоддий активни тан олиш учун ташкилотга иқтисодий фойда (даромад) олиш қобилиятига эга бўлиш, шунингдек номоддий активнинг ўзи мавжудлигини ва (ёки) ташкилотнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи тўғри рамийлаштирилган ҳужжатларнинг мавжудлиги керак.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун номоддий активлар ЎзР Солиқ кодексида 307 моддасида белгиланган муайян шартларга мувофиқ амортизацияланадиган мол-мулк сифатида таснифланиши мумкин. Жумладан, амортизацияланадиган номоддий активларга интелектуал фаолият натижалари ва ташкилотга қарашли бўлган, даромад олиш учун фойдаланадиган ва қиймати амортизация билан қайтариладиган бошқа интелектуал мулк киради[1].

Солиқ ҳисоби мақсадларида қуйидагилар номоддий активларга киритилмайди:

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлар ва технологик ишларнинг ижобий натижа берилмаганда;

- ташкилот ходимларининг ақлий ва ишбилармонлик сифатлари, уларнинг малакаси ва иш қобилияти.

Солиқ кодексини 307-моддасига мувофиқ номоддий активларнинг қиймати номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддати мобайнидаги амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.

Номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ва (ёки) интеллектуал мулк объектидан ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки қўлланилиши мумкин бўлган чет давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш муддатларига доир бошқа чекловлардан келиб чиққан ҳолда ёхуд номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланишнинг тегишли шартномаларда шартлашилган муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади[7].

Солиқ тўловчи томонидан амортизация ажратмалари уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Агар номоддий активларни олиш ёки ишлаб чиқариш харажатлари солиқ тўловчининг солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида харажатлар жумласига киритилган бўлса, бу харажатлар амортизация қилиниши лозим бўлган номоддий активларнинг қийматига киритилмайди.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация ажратмалари уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Агар номоддий активларни олиш ёки ишлаб чиқариш харажатлари солиқ тўловчининг солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида харажатлар жумласига киритилган бўлса, бу харажатлар амортизация қилиниши лозим бўлган номоддий активларнинг қийматига киритилмайди.

Солиқ ҳисобида номоддий активларга, компьютер дастурларига мутлоқ ҳуқуқлар бундан мустасно, бошланғич қийматидан қатъий назар амортизацияланадиган мулк сифатида қаралади [7].

Умуман олганда сотиб олинган НМА бўйича ҚҚС суммаси унинг бошланғич қийматига киритилади.

Солиқ кодексининг 266-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан асосий воситалар (шу жумладан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар), номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар сотиб олинганда, шунингдек келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда сотувчи томонидан солиқ тўловчига

тақдим этилган солиқ суммасини ҳисобга олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Солиқ тўловчи ЎзР ҳудудига бундай товарларни олиб кириш чоғида ушбу солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, олувчи мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) бериш чоғида иштирокчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мол-мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича иштирокчи уларни бериш чоғида тўлаган солиқ 266-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилган активларни олувчи солиқ тўловчида ҳисобга олинади.

Номоддий активлар устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, ҚҚС ва фойда солиғига тортилмайдиган ташкилотни даромади ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун НМА объектлари пай ва акциялар ҳисобига олинган бўлса унинг қиймати берувчи томонни ҳисобида қайд этилган қолдиқ қиймати билан ҳисобга қабул қилинади.

Ташкилотга янги НМА объекти кирим бўлганда унинг қиймати, солиқ солиш мақсадлари учун, бошланғич қиймати билан қабул қилинади. Бу қиймат НМА берувчи томонни ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Ташкилот томонидан текинга олинган номоддий активлар бошқа операцион даромад ҳисобланади ва фойда солиғига тортилади. Солиқ ҳисоби мақсадлари учун олинган НМА объектларнинг қиймати бозор қийматида, лекин уларнинг қолдиқ қийматидан паст бўлмаган суммада, бошқа операцион даромад таркибига киритилади.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун амортизацияланадиган номоддий активларнинг бошланғич қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан сўндирилиши (погашение) керак.

Интеллектуал фаолият натижалари ҳуқуқлари сотиб олинганда амортизация қилинмайди, агар ушбу ҳуқуқларни сотиб олиш шартномаси бўйича тўлов ушбу шартнома муддати давомида даврий тўловларда амалга оширилиши керак бўлган тақдирда.

Фойдали хизмат муддати – бу НМА объекти ташкилотнинг мақсадларини бажариш учун хизмат қиладиган даврдир.

Фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар учун амортизация меъёрлари 5 йил, лекин ташкилот фаолияти муддатидан кўп бўлмаган ҳолда.

НМА объектлари бўйича солиққа тортиш мақсадида амортизация ҳисоблаш қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

а) амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;

б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули;

в) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

г) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

НМА объектларини амортизация қилиш усуллари асосий воситаларни амортизациялашда қўлланиладиган усулларга мос ва шунинг учун бу бўлимда муҳокама қилинмайди[8].

Солиқ ҳисобида номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланмаган эскириш суммаси бошқа операцион харажатлар таркибига киритилади.

Солиқ ҳисоби мақсадларида бошқа ташкилотнинг устав капиталига ҳисса сифатида товарларни бериш реализация қилиш бўйича айланмадир ва қўшилган қиймат солиғига тортилади (Солиқ кодекси 239-модда, 4 банд). Номоддий активларнинг бошқа ташкилот устав капиталига қўшган ҳиссаси бўйича ўтказмалари қўшилган қиймат бўйича солиққа тортилар экан, бундай номоддий активлар бўйича тўланган ҚҚС чегириб ташланади. Номоддий активларни сотиб олишда ташкилотга тақдим этилган ҚҚС суммалари бошқа ташкилот устав капиталига ўтказиш учун мўлжалланган бўлса, бериладиган номоддий активлар қийматига қўшилиши керак.

НМА объектларини беғараз берилганда, олинган зарар даромад солиғи бўйича соликқа тортиладиган базани камайтирмайди. Бундан ташқари, текинга берадиган НМА объектини ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилади. Шу билан бирга ҚҚС солиқ солинадиган база бозор (шартномавий) нархлар асосида ҳисобланган НМА белгиланган объектларининг қиймати сифатида аниқланади.

Фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун ташкилотлар маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар таркибига илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлар ва технологик ишларга қилинган харажатларни ҳам киритиш ҳуқуқига эга.

**Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида НМА сотиб олингач харидорга тақдим этилган ёки аслида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига НМА олиб кирилгандан кейин тўланган ҚҚС суммалари қуйидаги ҳолларда уларнинг қиймати бўйича ҳисобга олинишини тавсия қиламиз:

1) солиққа тортилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (ҳамда ўтказиш, бажариш, ўз эҳтиёжлари учун кўрсатиш) бўйича операциялар учун фойдаланиладиган НМА ни сотиб олиш (импорт қилиш);

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди деб тан олинмаган товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш бўйича операциялар учун фойдаланиладиган НМАларни сотиб олиш (импорт қилиш);

3) ҚҚС тўловчилари бўлмаган ёки ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича солиқ тўловчининг вазифаларини бажаришдан озод қилинган шахслар томонидан НМАни сотиб олиш (олиб кириш).

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрир) 306-309, 410-423 моддалар.
2. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ЎзР қонуни (янги таҳрир) 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404.
3. ЎзР 5-сон БҲМС "Асосий воситалар". (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган).
4. ЎзР 2-сон БҲМС "Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар". (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 26.08.1998 й. № 483).
5. ЎзР Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган "Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом (Янги таҳрир)". (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган).
6. ЎзР 21-сон БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома". (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
7. ЎзР 7-сон БҲМС "Номоддий активлар" (янги таҳрир). (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 27.06.2005 й. № 1485).
8. Бухгалтерия ҳисоби: олий таълимнинг 5230100-"Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича" ва 5230200 - "Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича" бакалавриат таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма/ А. Б. Мухаметов, А.А. Абдувоҳидов, Р. С. Содиқов, М.Қ. Аллаёрова, Б.Ў. Бекмухамедова, Б.Э. Матрасулов, М.Х. Нурмухамидова./ Тошкент., "Мумтоз-сўз",2020.

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР**
**ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ**
**INNOVATIONS IN ECONOMY**

**Курбанов Феруз Мустафаевич**
Заместитель председателя правления
АО «Национальные электрические сети Узбекистана»
E-mail: f.qurbonov@uzbekistonmet.uz

## КОРПОРАТИВНЫЕ ДЕЙСТВИЯ В ПЕРИОД КРИЗИСА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ, ВЫЗВАННОГО ПАНДЕМИЕЙ

**For citation:** Kurbanov Feruz Mustafoevich. CORPORATE ACTIONS DURING THE ECONOMIC SYSTEM'S CRISIS CAUSED BY PANDEMIC. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 29-35

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-4**

**АННОТАЦИЯ**

Учитывая внезапность возникшей ситуации, вызванной пандемией коронавируса, многие аспекты корпоративных действий на уровне предприятий изучены недостаточно. В данной статье излагается система мероприятий и алгоритм действий корпоративных органов предприятий, которые могут быть приняты с целью сохранения эффективной деятельности коммерческих структур в Республике Узбекистан и нейтрализации кризисных явлений, вызванных пандемией.

**Ключевые слова:** корпоративное управление, наблюдательный совет, исполнительный орган, кризис, вызванный пандемией, анализ ситуации на рынке и разработка прогнозов и тактики деятельности предприятия.

---

**Қурбонов Феруз Мустафоевич**
«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ
бошқарув раисининг ўринбосари

## ПАНДЕМИЯ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДАВРИДАГИ КОРПОРАТИВ ҲАРАКАТЛАР

**АННОТАЦИЯ**

Коронавирус пандемияси туфайли тўсатдан юзага келган вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, корхоналар даражасидаги корпоратив ҳаракатларнинг кўплаб жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат тузилмаларининг самарали фаолиятини сақлаб қолиш ва пандемия оқибатида юзага келган инқироз оқибатларини зарарсизлантириш мақсадида қабул қилиниши мумкин бўлган чора-тадбирлар тизими ва корхоналарнинг корпоратив органлари ҳаракатларининг алгоритми баён этилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, кузатув кенгаши, ижро этувчи орган, пандемия натижасида юзага келган инқироз, бозордаги ҳолатни таҳлил қилиш ва корхона прогнозлари ва тактикасини ишлаб чиқиш.

**Kurbanov Feruz Mustafoevich**
"National Electric Grid of Uzbekistan" JSC
Deputy Chairman of the Board

# CORPORATE ACTIONS DURING THE ECONOMIC SYSTEM'S CRISIS CAUSED BY PANDEMIC

**ABSTRACT**

A lot of aspects of corporate actions at the enterprises level have not been explored enough if we take into account the suddenness of situation caused by the coronavirus pandemic. This paper describes a system of measures and an algorithm for the actions of enterprises corporate bodies, which can be used to maintain the effective activities of commercial structures in the Republic of Uzbekistan and to neutralize the crisis phenomena caused by the pandemic.

**Keywords**: corporate governance, supervisory board, executive body, pandemic crisis, market analysis and development of company forecasts and tactic.

---

## Введение

Можно с уверенностью утверждать, что наблюдаемая во всём мире пандемия не имеет аналогов во всей новейшей истории. Многие современные люди далекие от медицины не могут припомнить аналогичные случаи, когда даже высоко развитые в экономическом плане страны переживали столь глубокий кризис, вызванный пандемией коронавируса. Условия, в которых оказались многие производственные предприятия малого и среднего бизнеса, их наёмный персонал, менеджмент вынужденно оторванные от работы, по существу экстремальны. Естественно, во многих предприятиях и в Республике Узбекистан, и в других странах их корпоративные органы управления оказались не готовы к функционированию в условиях кризиса. Соответственно, перед корпоративными органами предприятий возникла задача адаптировать свои методы работы в новых условиях с целью разработки Концепции функционирования предприятия в условиях пандемии коронавируса, которая будет включать в себя план первоочередных мер по нейтрализации последствий прерывания сложившихся производственных связей, обеспечения управленческих функций предприятия. Настоящая статья является изложением видения автора по решению проблемы функционирования корпоративных органов управления предприятий, корпораций в кризисных условиях. Экономика Узбекистана, являясь частью глобальной экономической системы, также подвергается влиянию негативных факторов, что требует принятия действенных упреждающих мер по смягчению их воздействия [1].

## Степень изученности темы

Тема корпоративного управления в акционерных обществах в стандартных условиях хозяйствования отражена в теоретической литературе достаточно полно. Система корпоративного управления регламентирована в Республике Узбекистан соответствующим законодательством, в виде Закона "Об акционерных обществах и защите прав акционеров", другими подзаконными нормативно-правовыми актами.

Различные аспекты теоретических и практических вопросов корпоративного управления на современном этапе развития нашли отражение в работах зарубежных учёных, таких как Ансофф И., Брейли Р., Аоки М., Друкер П., Коюма К., Лайкер Дж, Лефевр Э. Литценбергер Ф., Майерс С. Маршалл А., Росс С., Петере Э., Сэй Ж.Б., Тейлор Ф., Шлайфер А., Шумпетер Й.

Особый вклад в экономическую науку в области корпоративного управления внесен такими видными учёными стран СНГ, как Алиев Р.М., Атакишиев М.Дж, Байшалова З.Б., Бобылева М.П., Беляева И.Ю., Володин А.А., Галанов В.Г., Гаджизаде Э.М., Гасымов С.М., Жуплев А.В., Иванова Е.А, Кондратьев В., Маринко Г.Н., Мильнер Б.З., Никитина Н.В., Радыгин А.Д., Рубцов Б.Б., Сонин А., Шеин В.И, Шпотов Б., Энтов Р.М., Янов В.В.

Вопросы внедрения корпоративного управление на предприятиях Узбекистана и его теоретические и практические аспекты отражены в трудах таких отечественных ученых-

экономистов, как академиков М.М.Шарифходжаева и С.А. Гулямова, а также Абдуллаева С.П., Бутикова И.Л., Бутабаева М.Ш., Алиева М.Г., Ганиходжавева Б.Ф., Иминова О.К., Саидовой Г.К., Хамидулина М.Б., Шохаъзамий Ш.Ш., Юлдашева Р.З., Яушева Р.А. и других.

Однако мы предполагаем, что представители собственников в корпоративных органах управления предприятий не найдут ответы в экономической литературе и действующем законодательстве для нынешних условий, например: как организовать работу корпоративных органов управления в кризисной ситуации, как принимать управленческие решения в дистанционных условиях, используя современные способы коммуникаций, как анализировать текущую ситуацию на рынке и какие нужно принять решения стратегического и тактического плана в связи с возникающими проблемами. Пандемия оказывает влияние на все аспекты жизни народов, порождая проблемы в социально-экономической сфере, разрушая сложившийся экономический уклад внутри стран и международные кооперационные связи.

**Методология исследования**

Наблюдаемая во всем мире пандемия коронавируса поставила перед правительствами стран, учёными и предприятиями ряд задач, с которыми в современной истории ранее никто не сталкивался. Целью настоящей публикации не является исследование международного опыта корпоративных действий предприятий в условиях кризиса, вызванного пандемией, поскольку это невозможно уложить в рамки одной статьи. Автор полагает, что опыт корпоративных действий для каждой страны будет уникален, поскольку такие действия определяются, прежде всего, мерами, принимаемыми национальными правительствами для сокращения негативных последствий кризиса.

Используя метод наблюдений, аналитический, историко-логический методы познания автором статьи разработаны меры и корпоративные действия, которые должны предпринять органы управления акционерных обществ в условиях кризиса в Республике Узбекистан. В статье подчёркивается необходимость принятия Концепции функционирования предприятия, описываются первоочередные мероприятия в условиях пандемии коронавируса, раскрывается суть и содержание принятых мер Правительством Узбекистана в целях оказания помощи населению и отраслям экономики по предотвращению кризисных явлений вызванных пандемией.

**Анализ и результаты**

В условиях кризиса экономики, вызванного эпидемией мирового масштаба, в каждой корпорации, будь то акционерное общество или общество с ограниченной ответственностью, проверку на прочность проходит система их корпоративного управления. Именно в период, когда между предприятиями нарушаются производственные связи, не работает транспорт, разваливается система обеспечения предприятия сырьём, материалами, комплектующими, когда невозможно отгрузить готовую продукцию потребителям и получить от реализации соответствующие средства, когда значительная часть рабочей силы вынуждена находиться вне предприятия на карантине и не иметь доступ к средствам производства, многое зависит от корпоративных действий, решений, принятых на уровнях общего собрания акционеров (участников общества) наблюдательного совета, исполнительного органа, чёткости взаимодействия между ними, исполнительской дисциплины, осознания каждым работником корпорации необходимости без промедления выполнять принятые на соответствующем уровне управления решения.

Для любого корпоративного предприятия в условиях кризиса всегда возникают особые проблемы, вызванные спецификой его хозяйственно-финансовой деятельности. Эти проблемы могут касаться вызванных карантином трудностей в обеспечении оплаты услуг их потребителями, транспортировке, доставке продукции, проблемами в передвижении работников в связи с запретом на свободное передвижение по городу (въезд в черту города) без специальных разрешений, недопустимости нахождения клиентов и сотрудников на расстоянии менее двух метров и многих других особенностей отраслевого характера.

Очевидно, что предприятиям придется урегулировать свои производственные взаимоотношения с поставщиками сырья, потребителями продукции, финансовыми контрагентами (банки, страховые организации, налоговые органы). В перечень вопросов рассмотрения наблюдательного совета и исполнительного органа войдут вопросы реструктуризации долгов, их списания, поиск альтернативных вариантов решения возникших проблем.

В данном случае, эти проблемы целесообразно решать совместно с вышестоящей организацией (особенно, если в уставном фонде корпорации имеется государственная доля), ассоциацией, общественным объединением, поскольку, как правило, у последних есть выход на правительство и более высокие инстанции, при этом они могут обобщить возникшие проблемы и обосновать необходимость государственной поддержки. Если у корпорации нет вышестоящей организации, а профессиональное общественное объединение (ассоциация) оказалось неспособным защитить интересы своих членов (во время кризиса это как раз и проявляется), целесообразно обращаться к органу государственного управления, который, в той или иной степени, курирует деятельность корпорации (например, по линии лицензирования или других разрешительных процедур) предпринимательства (торгово-промышленная палата). При этом важно, не просто акцентировать внимание на убытки и абстрактно попросить помощи, а сделать соответствующие расчеты производственных, кадровых и финансовых потерь, выявить конкретные причины и обстоятельства их возникновения, сформулировать обоснованные предложения, направленные на стабилизацию ситуации.

В целях усиления социальной защиты населения и обеспечения стабильности функционирования отраслей экономики, а также оказания поддержки отдельным хозяйствующим субъектам в период противодействия распространению коронавирусной инфекции Президентом Республики Узбекистан 3 апреля 2020 года был принят Указ «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии», которым предусматривается широкий спектр мер по поддержке хозяйствующих субъектов республики, в том числе и корпоративных структур в этот непростой период. В их числе:

введение моратория сроком до 1 октября 2020 года на инициирование процедур банкротства и объявления банкротом предприятий, столкнувшихся с финансовыми затруднениями в связи с ограничительными мерами, введенными для противодействия распространению коронавирусной инфекции;

продление до 1 октября 2020 года сроков проведения аудиторской проверки по итогам 2019 года хозяйствующих субъектов, подлежащих обязательной аудиторской проверке, разрешение проведения годовых общих собраний акционеров по итогам 2019 года до 1 октября 2020 года, а также в режиме видеоконференцсвязи;

введение требования об обязательной ежегодной аудиторской проверке обществ с ограниченной и дополнительной ответственностью с балансовой стоимостью активов более ста тысяч базовых расчетных величин по итогам 2020 года;

установление до 31 декабря 2020 года нулевые ставки таможенной пошлины и акцизного налога при ввозе товаров;

приостановление порядка применения повышенных ставок налога на имущество и земельного налога в отношении неиспользуемых производственных площадей, сооружений нежилого назначения;

предоставление права на беспроцентную отсрочку (рассрочку) налогов сроком до 1 октября 2020 года с уведомлением налоговых органов микрофирмам, малым предприятиям и индивидуальным предпринимателям, приостановившим свою деятельность и (или) у которых сумма выручки от реализации товаров (услуг) сокращается более чем на 50 процентов по сравнению со среднемесячным за первый квартал текущего года;

приостановление начислений и взысканий арендных платежей за использование государственного имущества субъектами предпринимательства, вынужденно приостановившими свою деятельность на период действия карантинных мероприятий;

и меры по обеспечению коммерческих банков дополнительными ликвидными ресурсами в объеме 2,6 трлн. сумов за счет облегчения требований по обязательным резервам, внедрению специального механизма предоставления ликвидности коммерческим банкам со сроком до 3 лет в сумме до 2 трлн. сумов и многое, многое другое.[2]

Следует также отметить, что Республиканская антикризисная комиссия под руководством Премьер-министра страны принимает активные меры по созданию условий для лиц, продолжающих производственную деятельность, с обеспечением прикрепления к ним служб санитарно-эпидемиологического контроля и учреждений здравоохранения для постоянного мониторинга за организацией условий для их работников, а также продлению сроков выполнения инвестиционных обязательств, невыполненных из-за ограничительных мер, введенных для противодействия распространению коронавирусной инфекции.[3]

Все эти меры направлены на создание условий для выживания хозяйствующих субъектов и, в частности, корпоративных структур, преодоления ими проблем, возникших у них в связи с мировым социально-экономическим кризисом, вызванным пандемией COVID–19.

**Выводы и предложения**

В условиях пандемии особая ответственность лежит на наблюдательном совете и исполнительном органе предприятия. По нашему мнению, в целях минимизации негативного последствия пандемии короновируса наблюдательному совету необходимо разработать и принять концепцию функционирования предприятия в условиях пандемии. В этом документе целесообразно определить основные принципы работы самого наблюдательного совета, его взаимодействия с исполнительным органом, включая периодичность проведения заседаний, механизм принятия решений, техническое обеспечение этих процессов, перевод взаимодействия на онлайн режим.

Натижада портфелнинг умумий риск ва даромадлилигининг қуйидагича ҳисобланишига эришамиз:

1) портфелнинг умумий риски 2,5%;
2) портфелнинг умумий даромадлилиги 0,4%;
3) Тошкентвино комбинати акциялари улуши 27%;
4) ҚизилқумЦемент акциялари улуши 53%;
5) ЎзСаноатҚурилишБанк акциялари улуши 20%.

Демак натижаларга кўра белгиланган шартлар бўйича портфелни ҳар уччала компания акцияларидан шакллантириш мумкин фақат улушлари Excel берган натижада шакллантирилса самаралироқ ҳисобланади (7-жадвал).

**Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида замонавий иқтисодиётда инвестицион портфель модели бўйича қуйидаги қатор камчиликлар мавжуд, жумладан: [16]

1. Мазкур модель самарали капитал бозорлари учун ишлаб чиқилган. Бундай бозорларда молиявий инструментларнинг қиймати доимий ўсишга эга ва курсларнинг кескин тебраниши кузатилмайди. Акциялар ўртасидаги корреляция барқарор эмас ва давр оралиғида ўзгарувчан характерга эга, бу эса инвестицион портфелнинг тизимли риск даражасини пасайтирмайди

2. Молиявий инструментларнинг келгуси даромадлилиги ўрта арифметик қиймат сифатида аниқланади. Бундай прогноз фақат ўтган давр қийматларига асосланади, ва бунда макро- ва микроиқтисодий омиллар ҳисобга олинмайди.

3. Молиявий инструмент риски ўрта арифметикка нисбатан даромадлилик ўзгарувчанлиги билан баҳоланади. Бироқ ўрта арифметик қийматдан ортиқ даромадлилик риск сифатида инобатга олиинмайди, аксинча ациянинг ортиқча даромадлилиги сифатида қабул қилинади.

Юқорида келтирилган камчиликлар мазкур моделга асосланган кўплаб тадқиқот ва моделларда ўз ечимини топган. Хусусан даромадлиликни рогнозлаш “нейрон тармоқлар” ҳамда кўп омилли моделларда ечимини топган (Ю. Фама, К. Френч, Росс ва бош.), рискни баҳолаш эса ARCH, GARCH моделларда ва ҳ.к.

Шу билан бирга моделнинг универсаллик ҳоссаси, яъни, модель бўйича инвестицион портфелни ҳар қандай молиявий инструмент ва актив (акция, облигация, деривативлар, индекслар, кўчмас мулк ва ҳ.к.) учун тузиш мумкинлиги ижобий эътироф этилади. Шунингдек моделининг энг асосий афзалликларидан бири – инвестицион портфель шакллантириш ҳамда унинг риск ва даромадлилигини бошқариш бўйича ёндашувни тизимлаштганидадир. Моделдан фойдаланиш мураккаблигига қарамасдан уни нисбатан паст волатилликка эга бўлган кўчмас мулк, облигациялар, товар/хомашё фьючерслари каби активларда қўлласа мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Марковицнинг инвестицион портфель назарияси рискни баҳолаш назарияси ва амалиётида шубҳасиз ўта муҳим инновация бўлди ва бу учун муаллиф Нобель мукофоти билан тақдирланди.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Markowitz H.M. Portfolio Selection // Journal of Finance. 1952. 7. № 1 pp. 71-91
2. Markowitz H.M. Foundations of portfolio theory. Journal of Finance, 1991, pages 469–477.
3. D. Bernoulli. Exposition of a new theory on the measurement of risk. Econometrica: Journal of the Econometric Society, pages 23–36, 1954.
4. M. Rubinstein. Markowitz’s “Portfolio Selection”: A Fifty-Year Retrospective. The Journal of Finance, 57(3):1041–1045, 2002.
5. Irving Fisher. The Nature of Capital and Income. Macmillan, 1906.
6. J. Tobin. Liquidity preference as behavior towards risk. The Review of Economic Studies, pages 65–86, 1958.
7. B. Graham. The intelligent investor. Harper Collins, 2013.
8. R.G. Hagstrom. The Warren Buffett Way. Wiley, 2015.
9. H. Markowitz. Portfolio Selection. The Journal of Finance, 7(1):77–91, 1952.
10. W.F. Sharpe. Mutual Fund Performance. The Journal of Business, 39(1):119–138, 1966.
11. F.A. Sortino and L.N. Price. Performance measurement in a downside risk framework. Journal of investing, (FALL 1994), 1994.
12. A.D. Roy. Safety First and the Holding of Assets. Econometrica, 20(3):431–449, 1952.
13. M. Rubinstein. Markowitz’s “Portfolio Selection”: A Fifty-Year Retrospective. The Journal of Finance, 57(3):1041–1045, 2012.
14. Яновская М.В. Формирование инвестиционного портфеля на международном рынке Форекс: Белорусский национальный технический университет, г. Минск. 2016 - 4с. https://rep.bntu.by/bitstream/handle/data/30201/ Formirovanie_investicionnogo_portfelya_na_mezhdunarodnom_rynke_Foreks.pdf?sequence =1&isAllowed=y
15. Жданов И. Ю. Портфельная теория марковица. формирование инвестиционного портфеля в excel. 2015. https://finzz.ru/formirovanie-investicionnogo-portfelya-markovica-v-excel.html
16. Скрипниченко М.В. Портфельные инвестиции: Учебное пособие. - СПб: Университет ИТМО, 2016 - 40с.

17. https://www.uzse.uz/isu_infos/STK?isu_cd=UZ7028090007,
https://www.uzse.uz/isu_infos/STK?isu_cd=UZ7029000005,
https://www.uzse.uz/isu_infos/STK?isu_cd=UZ7037560008,
https://www.uzse.uz/isu_infos/STK?isu_cd=UZ7028660007
18. Ўрганилган адбиётлар ва «Тошкент» Республика фонд биржаси расмий сайтидаги очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда муаллифлар томонидан тузилди.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Гулямова Гулнора Патахкамаловна**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси,
иқтисод фанлари номзоди,
ggulyamova@yandex.ru

## ТУРИЗМНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

**For citation:** Gulyamova Gulnora Patakhkamalovna. MODERN FORMS OF TERRITORIAL TOURISM ORGANIZATION. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.52-63

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-7

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада туризмни ҳудудий ташкил этишнинг замонавий шакллари таҳлил этилган. Туристик дестинациялар ва уларнинг хусусиятлари таҳлил этилган, туризм соҳасини ривожлантириш, унинг алоҳида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада махсус туристик минтақаларни ташкил этиш асосида туризмни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар** – туризмни ташкил этишнинг ҳудудий шакллари, туристик-рекреацион дестинациялар, туристик кластерлар, махсус туристик минтақалар, туристик тизимлар.

---

**Гулямова Гулнора Патахкамаловна**
Старший преподаватель Международной исламской
академии Узбекистана
кандидат экономических наук
ggulyamova@yandex.ru

## СОВРЕМЕННЫЕ ФОРМЫ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ТУРИЗМА

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются современные формы территориальной организации туризма. Анализируются вопросы туристических дестинаций и их особенности, рассматриваются вопросы развития туристической отрасли, повышения ее конкурентоспособности на основе использования кластерного подхода при привлечении иностранных инвестиций в отрасль. В статье даны рекомендации по развитию туризма на основе создания особых туристических зон.

**Ключевые слова:** территориальные формы организации туризма, туристско-рекреационные дестинации, туристские кластеры, особые туристские зоны, туристские системы.

**Gulyamova Gulnora Patakhkamalovna**
Senior Lecturer of International Islamic
Academy of Uzbekistan
PhD in Economics
ggulyamova@yandex.ru

# MODERN FORMS OF TERRITORIAL TOURISM ORGANIZATION

**ABSTRACT**

The author of the article analyzes the modern forms of the territorial organization of tourism. The author also analyzes the issues of tourist destinations and their features, as well as issues of the tourism industry development, increasing the competitiveness of regional economy based on the use of the cluster approach for attracting foreign investment to the industry. The author gives recommendations for the development of tourism based on the creation of special tourist zones.

**Key words:** territorial forms of tourism organization, tourist and recreational destinations, tourist clusters, special tourist zones, tourist systems.

---

**Кириш**

Ҳозирги даврда туризм жаҳон хўжалиги ривожланиши, халқаро тартиб, дунёнинг кўпчилик минтақалари ҳамда мамлакатлари сиёсатига таъсир этувчи ижтимоий иқтисодий ҳодиса бўлиб, унинг ривожланиши натижасида аҳоли бандлиги таъминланмоқда, транспорт тизими, меҳмонхона бизнеси интеграцияси юз бермоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепциясида жозибадор ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар, мамлакат ҳудудларида темтик туристик зоналар ва кластерларни яратиш вазифаси қўйилган. [1] Кўп йиллар давомида туризмни ҳудудий ташкил этиш масаласи туризм иқтисодиётининг марказида бўлиб келган ва ҳозирда туризмни ҳудудий ташкил этиш шакллари, уларнинг асосий элементлари ва уларга таъсир этувчи омиллар ҳақидаги ғоялар тез ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга бу масалага бағишланган ишлар талайгина бўлишига қарамай, унинг ҳали очиб берилмаган қирралари мавжуд.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Туризмни ҳудудий ташкил этишни ўрганиш масаласига миллий ва хорижий адабиётларда эътиборнинг катта бўлишига, ушбу мавзу туризм иқтисодиёти фанининг асосий муаммоси бўлишига қарамай, унинг баъзи жиҳатлари бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган ва бу масала бўйича қарашлар тизимли эмас. Тадқиқотнинг назарий асосини ҳудудий рекреация тизимлари, туристик – рекреация кластерлари ва туристик махсус минтақалар ҳақидаги концепциялар ташкил этади.

Туризмда ҳудудлар масаласини ўрганиш бўйича XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги давргача олиб борилган тадқиқотларнинг тадрижий ривожланишини таҳлил этиш унда учта босқични ажратиш учун асос бўлди.

Туризмни ҳудудий ташкил этишни ўрганишнинг биринчи босқичи XX аср иккинчи ярмининг дастлабки йилларига тўғри келиб, ҳам собиқ иттифоқ, ҳам хорижий мамлакатларда туризмга тизимли объект сифатида қараш ҳамда фанда тизимли ёндошувнинг ривожланиши даври бўлди. Бундан ташқари XX асрнинг иккинчи ярмида фанга инсонийлашув, когнитив жараёнларни ўрганиш, шу жумладан, туризмда ҳам туристик эҳтиёжларга алоҳида эътибор бериш даври бўлди.

1970 йилларнинг бошларида хорижий муаллифлар томонидан бир нечта кичик тизимдан иборат туристик тизим тўғрисида концепция илгари сурилди. Жумладан, К.Ганн

томонидан таклиф этилган “Фундаментал туристик тизим” таркибига фақатгина туристларнинг ўзи эмас, балки туризм инфратузилмасини, унинг бошқарув-ахборот ташкил этувчиси ҳам киритилган бўлиб, бу туризмни ҳудудий ташкил этиш бўйича тадқиқотларнинг бошланиши бўлди. Шу билан бирга муаллиф табиий ва маданий омиллардан ташқари туризмнинг ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи иқтисодий омиллар: истеъмолчиларнинг молиявий имкониятлари, тадбиркорлик соҳаси ривожланиш даражаси, рақобат хусусиятига ҳам катта эътибор берган. К.Ганн шунингдек, кадрлар салоҳияти, давлат бошқаруви ва туристик фаолиятни ҳудудий ташкилий этишни мақбуллаштириш учун қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти бўйича ўз фикрларини билдирган. [2]

Бу даврдаги илмий ишларда туристик рекреация тизими ривожланиши ва уларнинг ҳудудий ташкил этишнинг асосини кишиларнинг рекреацияга бўлган эҳтиёжлари ташкил этади деб ҳисобланган. Бундан ташқари аҳоли эҳтиёжларига таъсир кўрсатувчи табиий, демографик, психологик, тиббий-биологик ва бошқа омиллар ажратиб кўрсатилган. [3]

Туризмни ҳудудий ташкил этишга илмий ёндошувлар ривожланишининг иккинчи босқичи XX асрнинг охирларига тўғри келиб, бу даврда глобаллашув жараёни натижасида аҳолининг мобиллиги ортди, унинг туризм соҳасидаги ахборотга эга бўлиш имконияти кенгайди ва, ўз навбатида, янги туристик йўналишларнинг шаклланиши юз берди. Шу муносабат билан туризмнинг ҳудудий тузилиши ва ташкил этилишини таҳлил қилиш янада мураккаблашиб, янгича ёндошувларни ишлаб чиқишни талаб етди. Иккинчи босқични туризмни ҳудудий ташкил этиш бўйича тадқиқотларда туб парадигма ўзгаришининг бошланиши билан характерланадиган икки асосий босқич ўртасидаги ўтиш даври дейиш мумкин.

Ушбу босқичда жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) томонидан ишлаб чиқилган ва К. Гунн, Ф. Веллас ва бошқалар каби хорижий олимларнинг асарларида тилга олинган туристик дестинацияси концепцияси кенг тарқалди. Н.Лейпернинг фикрига кўра, туристик дестинациялар сайёҳларнинг инфратузилма ва сайёҳлик ресурслари билан ўзаро таъсир ҳудуди бўлиб, сайёҳлик ва ахборот оқимлари нафақат туристик дестинацияни бошқа таркибий қисмлари (сайёҳларни ҳосил қилувчи минтақа ва транзит минтақани) билан боғлайди, балки дестинациянинг ичида ҳам мавжуд бўлади.

1980 йилнинг ўрталаридан бошлаб маршрут моделлари деб аталувчи моделлар ривожлана бошлади, бунда асосий эътибор туристик дестинациялар билан туристик оқимлар шаклланувчи марказлар ўртасидаги алоқаларга қаратилди (П.Мариот, С.К.Кемпбелл). С.Ж.Бриттон ўзининг туризмнинг анклав моделида туризмни ҳудуди ташкил этишнинг марказий бўғини бўлиб одатда туристик компаниялар штаб-квартиралари жойлашган пойтахт минтақаси ҳисобланиб, ундан туристлар оқими минтақавий ва маҳаллий курортларга юборилади.

Хорижий муаллифларнинг туризм ва рекреация соҳасидаги тадқиқотлари бу вақтда туризмни ҳудудий ташкил этишнинг алоҳида элементларининг эволюциянинг бир неча босқичларда ўтиши ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиш билан ҳам боғлиқ эди. Инглиз олими Р.Батлер томонидан таклиф етилган ҳаёт цикли тушунчаси туристик йўналишлар ва уларнинг бозорлари вақт ўтиши билан қандай ўзгариши ҳақида тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлди. Р.Батлер туристик ҳудуд ёки марказнинг ривожланиши ва ўзгариши сабаблари туристларнинг имтиёз ва эҳтиёжларининг ўзгариши, туристик инфратузилманинг ўзгариши, ушбу сайёҳлик марказида мавжуд бўлган табиий ва маданий диққатга сазовор жойларнинг ўзгариши (ҳатто йўқ бўлиб кетиши)дан иборатдир. Туризмнинг макон ва замонда ривожланишини ўрганишга ҳисса қўшган француз муаллифи Е.Гормсен денгиз бўйидаги дам олиш масканларининг ривожланиши мисолида туристик йўналишлар эволюцияси ва туристларнинг ижтимоий тузилишидаги ўзгаришлар ҳамда жойлаштириш инфратузилмасининг сони ва хилма-хиллиги ўртасидаги боғликларни кўрсатиб берган.

Кейинчалик, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш ва иқтисодий фойда олиш учун туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлини излаш 90-йилларда М.Портернинг ишлаб чиқариш кластерлари ҳақидаги ғоялари кўплаб муаллифларнинг туризм бўйича асарларида

(С.Смит, М.Монфорт) таҳлил этилишига олиб келди. Бу соҳада дастлабки иш олиб борган тадқиқотчиларидан бири М.Монфорт туристик кластерни туристик хизматлар кўрсатишда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган корхоналар, ресурслар ва инфратузилма мажмуи деб ҳисоблаб, асосан ушбу компонентларнинг хусусиятларига эътибор қаратди. [4]

XXI аср бошидан бошлаб аввалги босқичлар ўрнини туризмни ҳудудий ташкил этиш бўйича тадқиқотлар ривожланишининг учинчи босқичи эгаллайди ва бу ғоялар ва йўналишлар плюрализми билан ажралиб туради. Туризм соҳасидаги замонавий тадқиқотчилар биринчи ва иккинчи босқичларда вужудга келган ғояларни ишлаб чиқишда давом этмоқдалар. Туризм соҳасидаги кластерлар бўйича кенг қамровли ишлар замонавий тадқиқотларга хосдир. Чет эллик муаллифлар (М. Бени, А. Родригес, С. Нордин ва бошқалар) туристик кластерни ва унинг таркибини аниқлашга турлича ёндашадилар, аммо географик концентрация, ўзаро таъсир, ҳамкорлик ва натижада диверсификация ва туризм хизматларининг ихтисослашувининг чуқурлашуви каби кластер хусусиятларини ажратиб кўрсатиш одатий ҳолдир. МДҲ олимлари Э.Г.Кропинова ва А.В.Митрофанова минтақавий туристик кластерининг қуйидаги таърифини таклиф қилади: туризм хизматларини кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналар гуруҳлари, шунингдек турли хил қўллаб-қувватловчи ташкилотлардан иборат маҳаллийлаштирилган туристик ва рекреацион тизим бўлиб, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги натижасида рақобатбардошлик ортади ва меҳнат бозорининг пайдо бўлишига олиб келади.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг назарий асосини ҳудудий рекреация тизимлари, туристик – рекреация кластерлари ва туристик махсус минтақалар ҳақидаги концепциялар ташкил этади. Тадқиқот давомида монографик тадқиқот, статистик ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга, шу билан бирга уни ҳудудий ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантириш йўли билан рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Тизимли ёндошувдан фойдаланиб, «туризм» тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, австралиялик профессор Н.Лейпер концепциясини ажратамиз. У туризмни уч асосий элементлардан иборат тизим деб атайди:

1. Ҳудудий ташкил этувчи;
2. Туристлар;
3. Туристик индустрия.

Ҳудудий ташкил этувчи ўз ўрнида қўйидаги элементларни қамраб олади:

- туристларни «вужудга келтирувчи» минтақа;
- транзит минтақа;
- туристик манзил (дестинация)лар минтақаси.

Туристларни «вужудга келтирувчи» минтақа ўзида туристлар ўз саёҳатини бошлаган, уни ташкил қилган жой сифатида намоён бўлади. Табиийки, туризм индустриясида асосий маркетинг операциялари худди шу ерда амалга оширилади.

Транзит сўзининг маъноси бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учинчи мамлакат ҳудуди орқали йўловчилар ва юкларни олиб ўтиш тушунилади.

Транзит минтақаси (транзит йўналиш) туристларни «вужудга келтирувчи» ва туристик дестинация (манзил)лар ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Бу тушунча мазкур схеманинг энг муҳим элементлари саналади. Чунки транзит минтақа орқали турли туристик оқимлар ўтиши мумкин. Аммо бироқ саёҳатнинг мақсади – бу туристик дестинация минтақасидир. «Дестинация» лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, турар жой (ўрин, манзил, макон) маъносини англатади. Бу атама XX асрнинг 90-йилларида туризм соҳасида кенг қўлланила бошлади. Хорижий адабиётларда «дестинация» тушунчасини аниқлаштириш учун икки хил ёндошув мавжуд.

Биринчи ёндошувда дестинация маълум (Н.Лейпер таъбирича) географик чегарага эга ҳудуд сифатида талқин этилади. Бошқа нуқтаи назардан «дестинация» - бу туристлар учун

жалб этувчи географик ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Яъни жалб этувчи категория биринчи ўринга чиқади. У турли туристик гуруҳлар учун бир хил бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, дестинация (бориладиган манзил) саёҳатчиларни вақтинча бўлишга жалб қилади. Чунки у улар яшайдиган мамлакатда бўлмаган характерли хусусиятларга эгадир. Бу жойлар туризм индустрияси туристларни жойлаштириш, овқатланишини ташкил қилиш, сайр – тамоша ва дам олиш, саёҳлик эҳтиёж товарлари ва ёдгорлик буюмларининг чакана савдосини ташкил қилишга мўлжалланган. [5]

Шунга қарамасдан, ҳар қандай жойни дестинацияга киритиб бўлмайди. Жой (ҳудуд) дестинация деб аталиши учун қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак.

Биринчидан туристларни қабул қилиш учун зарур маълум хизматлар тўплами мавжудлиги, бу шундай хизматлар тўплами бўлиши керакки, туристга маҳсулот таклиф қилинганда айтилганидан зиёда худди турист кутаётганидай бўлсин. Бундай тўпламга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- дестинация (манзил)га олиб бориш ва қайтиб келиш ҳозирги пайтда туристларни ташишда қулай ва сифатли транспорт хизматига талаб ошмоқда;
- етарли даражада хизмат кўрсатиладиган тунаш (отеллар, кемпинглар, дала ҳовлилар ва бошқалар мавжудлиги) ва овқатланиш (ресторанлар, кафе, барлар ва бошқ.) жараёнлари.

Иккинчидан, туристларни қизиқтирувчи диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги, худди ана шу борада дестинациялар ўртасида рақобат вужудга келади. Қанча кўп янги нарсаларни томоша қилиш, мириқиб сайр қилиш, хордиқ чиқариш имконияти бўлса, шунчалик туристларнинг қизиқиши ва келиши ортиб боради.

Учинчидан туристик бозорда маҳсулот ҳаракатланишида зарур восита ҳисобланган ахборот тизимининг мавжудлигидир. Бу энг аввало резервлаштириш ва бронлаштириш ахборот тизимига кириш имкониятидир.

Шундай қилиб, дестинация – бу маълум хизматлар таклиф қиладиган, туристнинг эҳтиёжини қондирадиган, мақсадлари талабига жавоб берадиган ҳудуд ёки манзилдир.

Дестинация атамаси ҳозирги вақтда маъно жиҳатдан қуйидаги унсурларни ўзида мужассамлаштиради:

- туристик масканларга етиб келиш;
- туристик таклифнинг сифати;
- туристик муҳит барқарорлиги;
- ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш;
- туристик сиёсат олиб бориш;
- ўзаро боғлиқликни бошқариш;
- туристик ҳудудда фаолият юргизадиган субъектлар орасида мувофиқлаштириш жараёнларини бошқариш.

Қайд қилиш жоизки, туристик фаолият уч тур ҳудуд билан ўзаро муносабатда бўлади: 1) туристларни юборадиган ва уларнинг яшаш жойлари билан боғлиқ бўлган туристик оқимларни вужудга келтирувчи ҳудудлар; 2) сайёҳларни ҳудудгача етказиш ва қайтариш билан боғлиқ бўлган транзит ҳудудлар; 3) туристларнинг бориб саёҳатини амалга оширадиган ҳудуд. Ўзбекистонлик баъзи олимлар фикрига кўра, ривожланган давлатларда вужудга келган туризм тадбиркорлигининг дестинацион ёндашувининг таянч атамаси бўлган “туристик дестинация”ни ўзбекчасига “саёҳатгоҳ” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки, туристик дестинациянинг саёҳатгоҳ сифатида ифодалаш шакли бу тушунчанинг икки томонлама табиати: ягона ҳудудий сайёҳлик маҳсулоти сифатидаги тижорат бирлиги ва саёҳат ҳудуди сифатидаги географик бирлигининг уйғунлигини акс эттиради. “Туристик дестинация” га маънодош “саёҳатгоҳ” тушунчаси туристик талаб ва таклифни уйғунлаштирувчи туризм тадбиркорлигига хос атама ҳисобланади. [5]

Бугунги кунда туризм ҳудуддий тизимининг муҳим элементлари сифатида туристик кластерлар тан олинади. Ушбу ёндашув, минтақавий иқтисодиёт таркибини, жумладан, туризм соҳасини тубдан ўзгартиришга қодир. Ўзбекистон Республикасида амалга

оширилаётган 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида жозибадор ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар, шу жумладан, мамлакат ҳудудларида тематик туристик зоналар ва кластерларни яратиш вазифаси қўйилган. Кластерлар, жумладан, туристик кластерлар ўзига хос инновацион тизим бўлиб, бутун минтақа иқтисодиётининг самарали ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш, фан, кадрлар тайёрлаш тизими ва бизнес ўртасида ҳамкорликни кучайтириш учун асос бўлиши мумкин.

Мамлакат минтақаларини ривожлантириш, иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш учун кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатлари кўплаб иқтисодчи олимларнинг ишларида таҳлил этилган. Жумладан, М.Портернинг илмий ишлари мамлакат ёки минтақанинг рақобат устунлигига эриша олиши бўйича олиб борилган тадқиқотларга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган. М.Портер бўйича кластер - бу «муайян бир соҳада фаолият кўрсатувчи ва фаолиятининг умумийлиги билан тавсифланувчи ҳамда бир-бирини тўлдирувчи географик қўшни бўлган ўзаро ҳамкор компаниялар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳи». [6]

Саноат тармоқлари кластерлари бўйича олиб борган тадқиқотлардан кейин, кластер иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шунингдек, туризм соҳасида ҳам, хусусан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан ўтказиладиган тадқиқотларнинг ҳам асосий элементи сифатида қарала бошлади. 2010 йилда туризм ва рекреация бўйича бўлиб ўтган конференцияда туристик кластер “географик жиҳатдан қўшни бўлиб, туристлар оқимини шакллантирувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи, ҳудуднинг рекреацион салоҳиятидан фойдаланувчи ҳамда ижтимоий ташкилотлар ва давлат бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи компаниялар” сифатида талқин қилинди. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг алоҳида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишда кластерли ёндашувдан фойдаланиш масалалари бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Олланазаров Б.Д.: “туристик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шароит, инновацион ва ишбилармонлик рақобатчилик муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватловчи кластерлар билан, масалан, спорт ва туристик буюм-жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиб доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар” деб ҳисоблайди. [7]

Шундай қилиб, туристик кластер ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашган, фаолияти бевосита ёки билвосита туризм билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари, давлат муассасалари, жамоатчилик ташкилотларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва таъсирининг асосий мақсади жойлашган ҳудуднинг инновация салоҳиятидан фойдаланган ва уни ривожлантирган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий адабиётларда туристик кластернинг моҳияти бўйича қуйидаги фикрларни кўриш мумкин:

- туристик кластер туристик корхоналар, асосий ва қўшимча хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг туристик маҳсулотни яратиш юзасидан ишлаб чиқариш, технологик ва ахборот алмашинуви бўйича ўзаро муносабатларда фаолият юритувчи тизимидир;
- туристик кластер туризм фаолияти билан шуғулланувчи компания ва муассасаларнинг географик ҳудудда тўпланишидир. Бу компания ва муассасалар таркибига таъминотчилар, хизмат кўрсатувчилар, давлат муассасалари, университетлар киради;
- туристик кластер бевосита туризм секторига қарашли муассасалардан ташқари қўшимча ёрдамчи муассасалар, транспорт инфратузилмаси, таълим ва касбий тайёрлаш тизимлари, консалтинг ва бошқа хизматларни кўрсатувчи тузилмаларни ўз ичига олувчи ҳудуддир.

Демак, туристик кластерларга аниқ ҳудудий чегарага эгалиги, рақобатбардош туристик маҳсулот ишлаб чиқишга ихтисослашганлиги, кластер қатнашчилари ўртасида турли хил ўзаро таъсирнинг мавжудлиги, қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги каби

хусусиятлар хосдир. Шу билан бирга кластерларнинг тузилма сифатида инновационлик хусусиятлари ҳамда минтақанинг иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ролига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Туристик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад минтақанинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс ва инновация салоҳиятидан фойдаланган ҳолда сифатли, рақобатбардош туристик маҳсулотлар ишлаб чиқишдан иборат. Минтақаларнинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун қулайлик туғдиради. Натижада улар учун ахборот алмашинуви ва янгиликларни жорий этиш, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ишларини енгиллаштириш, туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш имкониятлари кенгаяди. Туризмни ривожлантиришда кластер сиёсатини қўллаш, кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари кластер субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солувчи расмий ва норасмий институтлар йиғиндисидан иборат бўлган қулай институционал муҳит шароитида юз беради. (1-расм.)

К.Браун ва Р.Геддесларнинг фикрига кўра туристик кластерда давлатнинг иштироки хусусий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича дастурларни қўллаб-қувватлаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, зарур меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит ва тарихий ёдгорликларни ҳимоялашда намоён бўлади.




**1-расм. Кластерлар фаолиятининг институционал муҳити [11]**

Туристик кластерни шакллантиришда давлат иштироки зарурлигини инкор қилмасдан, бундай тузилмаларнинг шаклланиши ва фаолият юритишида асосий ўрин тадбиркорлик субъектларига тегишли эканлигини таъкидлаш зарур. Тадбиркорлик субъектларининг интеграциялашувга, самарали ва очиқ ҳамкорликка тайёрлиги, кооперация муносабатларининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳамда норасмий алоқаларнинг ривожланганлиги ҳудудда кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим институти туристик кластер шаклланишида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий институт бўлиб, унда жойлашган тадбиркорлик субъектларини малакали кадрлар билан таъминлайди. Туризм кластерларининг инновационлик хусусияти кластерда фаолият кўрсатувчи илмий тадқиқот институтларининг фаолиятига боғлиқдир. Илмий тадқиқот институтлари томонидан яратилган янгиликларнинг жорий этилиши туристик маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда туристик кластерларни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. 2019 йил 18 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисидаги" Қонунида туристик кластерларга қуйидагича таъриф берилган: "Комплекс туристик хизматлар ҳамда туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган бошқа қўшимча хизматлар кўрсатувчи мустақил ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар мажмуи туристик кластердир. Туристик кластерлар комплекс туристик хизматлар кўрсатиш, туристик фаолиятнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантиради, тарғиб этади ва реализация қилади". [8]

Шунингдек, мамлакатда махсус туристик ҳудудларни, жумладан, кластерларни ташкил этиш масаласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида тасдиқланган "2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси" да алоҳида ўрин берилган, жумладан, мамлакат ҳудудларида тематик туристик зоналари ва кластерларни яратиш орқали ҳамда туризмнинг истиқболли турларини (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволовчи-соғломлаштирувчи, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда, янги туризм дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Туристик кластерларга хос бўлган хусусиятларни таҳлил этиш мамлакатимизнинг кўплаб минтақаларида туристик кластерларини шакллантириш учун имконият мавжудлигини кўрсатди. Табиий-рекреацион, тарихий-маданий ресурс салоҳияти, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда кичик корхоналарнинг фаол қатнашуви, туризм ривожланишини тартибга солишнинг ҳудудий ташкилотлари тизимининг мавжудлиги туристик кластерни шакллантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга бу вазифани ҳал этишда кластерлар ривожланиши учун самарали институционал муҳитни шакллантириш керак.

Туристик кластерларни ташкил этиш минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ва инновацион салоҳиятини кенгайтириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради. Туризм кластерларини ташкил этиш учун қулай институционал муҳитни шакллантиришда давлат ва ҳуқуқ, фуқаролик жамияти, тадбиркорлик, фан ва таълим институтларининг биргаликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз минтақаларида туризмни ривожлантиришда кластер ёндашуви имкониятларидан шу кунгача деярли фойдаланилмаяпти. Чунки, туризм ноёб хусусиятларга эга бўлгани ҳолда туризмни ривожлантиришга кластер ёндашувини тадқиқ қилиш, уни кенг жорий қилиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Туристик кластерда кластер аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг моҳияти шундаки, улардан бирининг яхши ишлаши қолган иштирокчилар муваффақиятининг гарови ва ўзаро жамоавий бозорни ифодалайди. Демак, туристик кластернинг барча компаниялари ҳамкорликдаги фаолиятдан жуда кенг доирадаги имкониятлар ва якуний умумий даромадлар кўринишида фойда олади. Туристик кластерда йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик сабабли янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун шароит, инновацион ва ишбилармонлик рақобат муҳити юзага келади. Кўпгина туристик кластерлар ўзларига яқин, ҳамкор саноат тармоқлари корхоналари ва қўллаб-қувватловчи кластерлар билан, масалан, спорт ва туристик буюм-жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ОАВ соҳаси, табиий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиб доимий равишда алоқаларни мустаҳкамлаб борадилар.

Ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш учун эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этишнинг қизиқарли намуналаридан бири туризм ривожланиши учун ҳудуднинг

жозибадорлигини ошириш воситаси сифатида туристик (туристик ва рекреацион) махсус зоналарни яратишдир.

Туристик ва рекреацион махсус зона - давлатнинг географик жиҳатдан чекланган ҳудуди бўлиб, унинг доирасида қонунчиликда туризмни юритиш учун имтиёзли иқтисодий режим, шунингдек, туризмнинг рақобат устунликларини ва барқарор ривожланишини таъминловчи тегишли тадбирлар белгиланади. Туристик-рекреацион зона – унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан, муайян чегараларга эга бўлган, бир ёки бир неча туристик ресурслар (табиий, тарихий, ижтимоий-маданий, даволаш-соғломлаштириш объектлари, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган бошқа объектлар) жойлашган, кириш туризмини ва ички туризмни, туристик индустрияни ривожлантириш, туристик ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилган ҳудуд туристик зонадир.

Туристик зоналар давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифига кўра ташкил этилади.

Туристик зоналарни аниқлашда уларда туристик ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек ушбу ҳудудларнинг туризм турларини ривожлантириш учун потенциал имкониятлари инобатга олинади.

Қурилаётган туристик индустрия объектларининг мулкдорлари ва эгалари туристик зоналарнинг ҳудудларида туристик ресурслар барпо этилаётганда, шунингдек улардан фойдаланилаётганда ушбу объектларнинг мавжуд маҳаллий ижтимоий-иқтисодий, тарихий, илмий, бадиий, маданий муҳитга ёки бошқа ташкилий-мақсадли муҳитга ва инфратузилма муҳитига уйғунлашувини назарда тутиши шарт.

Туризм соҳаси субъектлари туристик зоналар ҳудудларида ўз фаолиятини ташкил этишда ва амалга оширишда атроф табиий муҳитга, маданий мерос объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаши шарт. [8]

Жаҳон тажрибасида эркин иқтисодий зоналар – табиий зоналар, тарихий зоналар ва туристик рекреацион зоналар ажратилади. Табиий зоналар ўзига хос табиий шароит, ер ва сув ресурсларига эга бўлган зоналар бўлиб, улар экологик ва илмий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли давлат томонидан муҳофаза қилинади. Тарихий зоналар тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлиб, бу зоналарга туристлар тарихий-маданий, меъморлик ансамбларни кўришга келади. Туристик-рекреацион зоналар дам олиш зоналари бўлиб, туристлар бу ерга келишлари учун зарур инфратузима яратилган бўлиши керак.

Мамлакатлар ҳудудида махсус туристик зоналарни ажратиш жараёни 1960-йилларнинг ўрталаридан бошланди. Урушдан кейинги даврда Ғарбий Европа ва АҚШни қамраб олган иқтисодий ўсиш юқори даромадли одамларнинг кенг қатлами ва дам олиш ва саёҳатга бўлган эҳтиёжнинг шаклланишига ёрдам берди. Шу билан бирга бутун дунёда собиқ Европа мустамлакаларидан янги мустақил давлатлар вужудга кела бошлади. Иқтисодий жиҳатдан ҳали етарли даражада ривожланмаган бу мамлакатлар туристик ва рекреацион саноатни шакллантириш учун идеал платформалар эканлигини исботлади.

Дастлаб бу жараён янги пайдо бўлган давлатлар органларига махсус туризмни ривожлантириш зоналарини ташкил этиш учун кредитлар тақдим этган жаҳон молия институтлари (Жаҳон банки, Халқаро Валюта Жамғармаси) томонидан қўллаб-қувватланди.

Биринчи туризмни ривожлантириш зоналари Миср, Тунис, Марокаш, Мексика, Индонезия, Кения, Танзания, Гамбия ва Кариб ороллари мамлакатларида (Ямайка, Барбадос)

пайдо бўлди. Уларга асосан Европа мамлакатлари (Буюк Британия, Франция, Голландия, Испания, Германия, Португалия), шунингдек, Япония ва АҚШдан сайёҳлар ташриф буюрган.

Шу билан бирга, қабул қилувчи мамлакатлар маҳаллий аҳолиси ҳаётига, экологик шароитга туризм фаолиятининг таъсири бу зоналарда баъзи салбий оқибатларга ҳам олиб келди:

- туристик ресурслардан интенсив фойдаланиш атроф-муҳит сифати ва ифлосланишининг ёмонлашувига олиб келди;
- маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг маданий хусусиятлари ўртасидаги тафовут бир қатор ижтимоий-ва этно-маданий муаммоларни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштириш учун максимал қулай шарт-шароит яратиш, замонавий меҳмонхоналар мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар, эко- ва агротуризм ҳамда бошқа сайёҳлик объектлари, ҳудудларда замонавий муҳандислик инфратузилмаларини барпо этиш, шунингдек олис тоғли ҳудудларда қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида махсус туристик зоналар фаолиятини ривожлантиришга доир лойиҳалар ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифлар**

Мамлакатимизда туристик дестинацияларни ривожлантириш унинг назарий жиҳатларини ўрганишни талаб этади. Ҳудуд дестинация деб аталиши учун қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- туристларни қабул қилиш учун зарур маълум хизматлар тўплами мавжудлиги, бу шундай хизматлар тўплами бўлиши керакки, туристга маҳсулот таклиф қилинганда айтилганидан зиёда худди турист кутаётганидай бўлсин. Бундай тўпламга биринчи навбатда қуйидагилар киради: дестинация (манзил)га олиб бориш ва қайтиб келиш ҳозирги пайтда туристларни ташишда қулай ва сифатли транспорт хизматига талаб ошмоқда; етарли даражада хизмат кўрсатиладиган тунаш (отеллар, кемпинглар, дала ҳовлилар ва бошқалар мавжудлиги) ва овқатланиш (ресторанлар, кафе, барлар ва бошқ.) жараёнлари.
- туристларни қизиқтирувчи диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги, худди ана шу борада дестинациялар ўртасида рақобат вужудга келади. Қанча кўп янги нарсаларни томоша қилиш, мириқиб сайр қилиш, хордиқ чиқариш имконияти бўлса, шунчалик туристларнинг қизиқиши ва келиши ортиб боради.

Минтақанинг инновация салоҳиятидан фойдаланиш ва уни кенгайтиришда туризм кластерларини ташкил этиш қуйидаги имкониятларни беради:

- туризм бизнеси, фан ва давлат бошқарув ташкилотларининг биргаликдаги ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши;
- туристик кластер қатнашчилари фаолиятининг ресурсларга эга бўлиш имкониятини (ахборот, инновация ва технологик) кенгайтириш ҳамда инфратузилма объектларидан биргаликда фойдаланиш йўли билан харажатларни, жумладан, трансакция харажатларини камайтириш асосида самарадорлигини ошириш;
- туризм хизматларини ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириш асосида инновацион маҳсулотларни яратиш ва бозорга олиб чиқиш жараёнини жадаллаштириш;
- кластерни шакллантиришда иштирок этувчи инвесторлар учун имтиёзларнинг мавжудлиги сабабли минтақада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш;
- янги бизнесни яратиш ва ривожлантириш шароитлари яхшиланиши туфайли рақобатнинг рағбатлантирилиши;
- туристик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришнинг барча зарур бўғинлари битта ҳудудда тўпланиши натижасида қўшилган қиймат ўсишининг ёпиқ занжири шаклланиши.

Ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш учун эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этишнинг қизиқарли намуналаридан бири туризм ривожланиши учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш воситаси сифатида туристик (туристик ва рекреацион) махсус зоналарни яратишдир.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ №5611- сонли Фармони. 05.01.2019 й. http://lex.uz/docs/4143188.
2. Gunn C. Tourism planning. New York: Taylor and Francis, 1988, 357 p.
3. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. М.: Изд-во Моск. ун-та, 1981. 207 с.
4. Monfort M. Competitividad y factores críticos de éxito en la «hotelería de litoral»: experiencia de los destinos turísticos Benidorm y Peñíscola: doctoral dissertation. Universidad de Valência, 2000. 502 p.
5. Навруз-Зода Б.Н. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги: Монография / Б.Н.Навруз-Зода таҳрири остида. Бухоро: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2017 - 156 б.
6. Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review. November-December. 1988. P. 78.
7. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масалалари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил. www.iqtisodiyot.uz.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни. ЎРҚ-549-сон 18.07.2019. lex.uz/docs/4428097.
9. Xudoyarov, A. (2020). ASPECTS AND POSSIBILITIES OF USING THE CLUSTER APPROACH IN DEVELOPING THE EFFECTIVENESS OF ZIYARAH TOURISM. The Light of Islam, 2020(1), 202-209.
10. Batirova, Nilufar (2020) "FEATURES AND TRENDS OF DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL COMPLEX IN THE TASHKENT REGION," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 22. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/22
11. Ғуломова Г.П. Туризм кластерларининг институционал муҳити. //Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №11.- 18-22-б.
12. Anvar Aidjanovich Khudoyarov & Gulnora Gulyamova. ASPECTS AND POSSIBILITIES OF USING THE CLUSTER APPROACH IN DEVELOPING THE EFFECTIVENESS OF ZIYARAH TOURISM. Journal of innovations in economy.2020. Vol. 10, Issue 3, pp.85-91

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Кувандиков Шухрат Облоқулович**
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти
email: shuhratq@rambler.ru

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Kuvandikov Shuhrat Oblokulovich. ISSUES OF INCREASING THE ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN THE DEVELOPMENT OF SERVICES. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 63-72

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-8**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ҳамда бу соҳада оилавий тадбиркорликнинг ролини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил этилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликни ўрни ва функциялари таснифланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ролини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, оилавий тадбиркорлик, ҳудудлар ривожланиши, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш концепцияси.

---

**Кувандиков Шухрат Облоқулович**
докторант Самаркандского института экономики и сервиса
email: shuhratq@rambler.ru

# ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ РОЛИ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ СФЕРЕ УСЛУГ

**АННОТАЦИЯ**

В статье исследуется роль семейного предпринимательства в развитии сферы услуг. Анализируется развитие сферы услуг и показатели роли семейного предпринимательства в этой сфере. Также классифицируются роль и функции семейного предпринимательства в национальной экономике. Предложены научные и практические рекомендации по повышению роли семейного предпринимательства в сфере услуг.

**Ключевые слова:** сфера услуг, семейный предпринимательства, региональное развитие, концепция развития семейного предпринимательства.

**Kuvandikov Shuhrat Oblokulovich**
(DSc) student of the Samarkand Institute of Economics and Service
email: shuhratq@rambler.ru

# ISSUES OF INCREASING THE ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN THE DEVELOPMENT OF SERVICES

**ABSTRACT**

The article examines the role of family entrepreneurship in the development of the service sector. The development of the service sector and indicators of the role of family entrepreneurship in this area are analyzed. The role and functions of family entrepreneurship in the national economy are also classified. Scientific and practical recommendations for enhancing the role of family entrepreneurship in the service sector are offered.

**Key words:** service sector, family entrepreneurship, regional development, family entrepreneurship development concept.

---

**Кириш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида[1] вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масалаларини ҳал этишда саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш вазифаси қўйилган. Бунда мамлакатимиз ЯИМ таркибида бу соҳанинг улушини 56 фоизга етказилиши ҳам назарда тутилиши белгилаб қўйилган.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича сўнги йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси жуда тез сураътларда ўсмоқда. Айниқса, инновацион иқтисодиёт шароитида бу соҳа барча соҳа ва тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб, ЯИМда муносиб ўрин эгаламоқда. Бироқ, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечмоқда. Бу эса ҳар бир мамлакат учун соҳа ривожининг таснифий баҳолаш мезонини ишлаб чиқишни зарурат этади. Бунинг учун уларни маълум бир шартли чегаравий миқдор асосида гуруҳлаш ва сўнг баҳолаш[13] ҳамда, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини баҳолаш мумкин[2].

Ҳудудлар ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини аниқлашда, ушбу соҳа муҳим йўналиш сифатида миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми эканлиги, ЯИМ ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиши ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли инобатга олиниши лозим. Бошқача ёндошганда, хизмат соҳаси бевосита тадбиркорлик учун мос фаолият тури бўлиб, бу соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

- мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришда иштирок этади;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субектлари сифатида шаклланади;
- мамлакат бозорини хизматлар билан тўлдириб боради ва унга бўлган талабни қондиришга имконият яратади;
- мамлакат аҳолисининг бир қисмини иш билан таъминлайди;
- хусусий тадбиркорлар, бошқа нодавлат ва давлат инвесторлари маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини очади;
- хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва янги иш ўринларини яратилиши эвазига мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширади ва б.

Булардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бир томондан ҳаётий заруратга айланиб, аҳолининг барча талаб ва эҳтиёжларини қондиришда муҳим восита бўлса, иккинчи томондан ҳудудлар ривожланишининг муҳим шарти экан. Шундан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни имкониятларини тадқиқ қилишни ўз олдимизга вазифа қилиб олдик.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг турли муаммолари ўрганилган. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш эволюцияси[11], жахон иқтисодиётидаги тенденциялари[8], хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни[9] ва таъсири[18] ҳамда ушбу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш орқали худудларни ривожлантириш[10] масалалари ўз ечимини топган.

Ўзбекистон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг айрим муаммолари[16], ривожланиш эволюцияси[5; 20] ва истиқболлари[6], хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолияти[12], комунал хизмат кўрсатиш соҳаси муаммолари[21] ва ҳудудлар ривожланишида туристик хизматлар самарадорлигини ошириш[7] масалаларининг умумий ва хусусий муаммолари ўрганилган.

Бу борада амалга оширилган тадқиқотларга қарамасдан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ролини ошириш муаммолари ҳамон ўрганилмаган. Бу борада, биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот хизмат кўрсатиш соҳасини ўрганишнинг алоҳида йўналиши бўлиб, давлат бошқарув органларига ҳудудлар иқтисодиётида оилавий тадбиркорликнинг ролини баҳолаш ҳамда самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишда услубий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқотда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид турли хил ёндошувлар умумлаштирган ҳолда ўрганилди. Бунда синергетиканинг методологик имкониятларидан фойдаланилиб, таҳлил объектлари қиёсий ўрганилди, гурухлаштирилди ва тизимлаштирилди, ҳамда хулосалаш асосида амалиётда яхлит қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Синергетика методларини хизмат кўрсатиш соҳаларини тадқиқ этишда қўллаш унинг амалий аҳамиятини оширади. Мазкур ишда шу принципга асосланиб иш қурилди.

**Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши, соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, ҳамда хизматларни яратишда банд бўлганлар сони билан белгиланади. 2020 йил 1 январ ҳолатига республикамизда жами фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони 398100 тани ташкил этган бўлса, шундан хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганлари 261979 бирликни ёки уларнинг улуши 65,8 фоизга тўғри келади[22]. Ушбу корхоналар ҳисобидан 190366,0 млрд. сўмлик хизматлар яратилган[22]. Бошқа соҳалар билан солиштириш учун 1-расмга қараш мумкин.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида савдо фаолияти - 38,6 %, яшаш ва овқатланиш – 9,8 %, ташиш ва сақлаш – 5,9 %, ахборот ва алоқа – 3,0 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар – 3,0 % ҳамда бошқа турдаги фаолият турларида – 39,7 %ни ташкил этади (1-жадвал).




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг соҳалар бўйича таркиби, фоизда**

(2020 йил 1 январ ҳолатига)

**Манба:** https://stat.uz/uploads/docs/xizmatlar_dekabr_uz.pdf (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари)

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ҳам ўрни бор (2-жадвал). Агар, 2017 йилда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 8712тани ташкил этган бўлса, улардан 8348таси фаолият юритган. Бу кўрсаткич 2019 йилда давлат рўйҳатидан ўтганлар 25110та, фаолият кўрсатаётганлари эса 24137тани ташкил этган. Оилавий корхоналарнинг иқтисодиётдаги барча корхоналаридаги улуши 2017 йилда 3,9%ни, 2019 йилда 7,5 %ни ташкил этган (2-жадвал). Шу даврда оилавий корхоналарнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми 679320,3 млн.сўм, битта оилавий корхонага ўртача 27,6[1] млн сўмни ташкил этган[22].

**1-жадвал.**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, % да**

(2020 йил 1 январ ҳолатига)

| Хизматлар соҳаси иқтисодий фаолият турлари | Корхона ва ташкилотларнинг улуши, % да |
|---|---|
| Савдо фаолияти | 38,6 |
| Яшаш ва овқатланиш | 9,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 5,9 |
| Ахборот ва алоқа | 3,0 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 3,0 |
| Бошқа турдаги фаолият турлари | 39,7 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Шу ўринда таққослаш учун, ривожланган давлатлар иқтисодиётидаги оилавий корхоналар улуши билан солиштирилганда кескин фарқни кузатиш мумкин. Жумладан, Буюк Британияда барча корхоналарнинг 75 фоизи, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда 85 фоизи, Испанияда 75 фоизи, АҚШда эса – барча турдаги корхоналарнинг 90 фоизини оилавий корхоналар ташкил этади[17].

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш динамикаси**

| № | Кўрсаткичлар | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони, (бирлик) | 8712 | 12184 | 25110 |
| 2 | Фаолият юритаётган оилавий корхоналар сони, (бирлик) | 8348 | 11679 | 24137 |
| 3 | Жами фаолият юритаётган тижорат корхоналаридаги улуши, % | 3,9* | 4,5* | 7,5* |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. * муаллиф ҳисоб-китоби

Булардан кўриниб турибдики, оилавий корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни лозим даражада эмас. Шу боис, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини янги сифат босқичига кўтаришни зарурат этмоқда. Чунки, улар фаолиятини рағбатлантиришнинг эскича услуби кўзланган мақсадларни таъминлаб бера олмади.

Юқоридаги маълумотлар оилавий тадбиркорликнинг ривожланаётган бозор муносабатларидаги ўрни ҳамда, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини ифодалайди. Бироқ, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ролини баҳолаш имконини бермайди. Шу боис, мазкур тадқиқотда оила институтини тадқиқ этишнинг ўзига хос ёндошувлари инобатга олиниб, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида оилавий тадбиркорликни ролини аниқлаш борасида методика шакллантирилди. Ушбу методика асосида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожланишини аниқлаш мумкин. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар баҳолаш учун танланди:

- мамлакатда фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектларининг фаоллик кўрсаткичлари;
- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони ёки улуши;
- жами хизматлар ҳажмида оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган хизматларнинг улуши ва б.

Мазкур мезонлар асосида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ролини аниқлаш мумкин.

Республикамизда 2018 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлил этилганда саноат - 38,6 % яшаш ва овқатланиш хизматлари - 20,2 %, савдо - 15,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 12,0 %, ахборот ва алоқа - 1,3%, қурилиш - 1,2 %, ташиш ва сақлаш - 1,1% ҳамда 9,3 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган[22].

Иқтисодий фаолият турлари бўйича оилавий корхоналарда товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушум ҳажми таҳлил қилинганда 2018 йилда товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушумнинг 40,8 фоизи саноат тармоғи, 33,1 фоизи савдо, 11,1 фоизи яшаш ва овқатланиш, 3,3 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 3,0 фоизи қурилиш, 0,8 фоизи ташиш ва сақлаш, 7,9 фоиз бошқа иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келган (2-расм).

Оилавий корхоналарнинг олган соф тушумини ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таснифланганда энг кўп ишлаб чиқариш соҳасига (саноат тармоғи) тўғри келади. Унинг жами соф тушумдаги улуши 40,8 фоизни ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқариш соҳасида оилавий тадбиркорлик фаолиятининг бир мунча қулайлиги ва самарадорлигининг юқорилиги билан характерланади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис фаолият турлари бўйича уларнинг жами соф тушумдаги улуши жудда паст. Бундай фаолият натижасида, савдо фаолиятидан 33,1 фоиз, яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳисобидан 11,1 фоизли ҳиссага эга бўлган. Бу фаолият тури таснифи оилаларга қарашли бўлган савдо расталари ва дўконлар, умумий овқатланиш (турли хил тансиқ таомлар тайёрлаш, корхона ва ташкилотлар томонидан ҳар хил байрам столларини ва аҳолининг тўй ва маросимларини ташкил этиш) каби фаолиятларни қамраб олади. Мазкур фаолият соҳаларида оилавий тадбиркорлик субъектлари аҳолига турли хизматлар кўрсатишда етакчилик қилади. Таҳлил қилинаётган даврда унинг умумий салмоғи 44,2 фоизни ташкил этган (2-расм).

Ҳозирги вақтда Республикамизда уй-жой қурилиши ва комунал комплексида ислоҳатлар жараёни кечиши муносабати билан оилавий тадбиркорлик субектлари томонидан айнан шу соҳаларда ҳам аҳолининг таъмирлаш-қурилиш хизматларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бу даражада қондирилмоқда. Айтиш жоизки, бу ишлар кўлламида бажарилган хизматлар салмоғи ҳали етарли эмас. Бундай фаолият турлари ҳисобига оилавий корхоналарнинг жами соф тушумдаги улуши атиги 3 фоизни ташкил этган (2-расм). Бироқ, яқин истиқболда бу йўналишдаги ислоҳотларнинг фаол кечиши ҳисобига аҳолининг уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат турларига бўлган эҳтиёжлари муносиб қондирилиши кутилади.




**2-расм. Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича оилавий корхоналарда махсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ҳажми,** %да (2018 йил 1 январ ҳолатига)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Табиийки, оилавий тадбиркорлик ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ташиш ва сақлаш соҳаларида ҳам топмоқда. Бу фаолият тури маданий–маиший ва оила хўжалиги ускуналарини ижарага бериш, таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш, хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (хўжалик ва маданий маиший жиҳозлар, асбоб-ускуналар), мебел, қурилиш материаллари, истеъмол товарларини етказиб бериш, енгил транспорт воситаларини таъмирлаш, озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш, деҳқончиликда картошка, сабзовот, мевалар ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сақлаш, маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш каби хизмат турларини қамраб олади. Бу фаолият тури ҳисобига соф тушумнинг 0,8 фоиз тўғри келган (2-расм).

Булардан кўриниб турибдики оилавий корхоналар фаолиятида асосий ўринни воситачилик эгаллайди, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилади. Бунда, айнан кўп сонли оилавий корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган. Бундай турдаги оилавий корхоналар бошқа корхоналар билан биргаликда аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматлар савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший ва комунал хизматларни қамраб олади. Оилавий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда туризм ва мехмонхона хўжалиги йўналишида ҳам кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунки, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ушбу соҳаларда иқтисодий фаолият турларини кенгайтириш асосий йўналишлардан бири хисобланади. Бу эса ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги масалаларининг ҳал бўлишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади[14].

Ҳозирги пайтда ушбу соҳада қишлоқларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шароит етарли. Зеро, унинг хуқуқий асоси яратилди. Бунда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 2021 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, туризм ва мехмонхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2018 йил, 8 август) ҳам қабул қилинди.

Булардан кўриниб турибдики, эндиликда мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришда оилаларнинг ўз уйларидан самарали фойдаланишларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Агар бу борада бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича республикамиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ёки 5752,8 мингта оиланинг 3,1 миллиони қишлоқ ҳудудларида жойлашганини инобатга олсак, катта имкониятлар захирасига эгамиз.

Маълумки, қишлоқ ҳудудларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамда, барпо этилаётган инфратузилма объектлари замонавий қишлоқ қиёфасини яратишга қаратилгандир. Бунда асосий эътибор қишлоқ туризми, агротуризм, зиёрат туризми, спорт туризми, гастрономик туризм каби йўналишларни ривожлантириш назарда тутилган. Бу каби иқтисодий фаолият йўналишларида ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд деб ўйлаймиз. Бунда “оилавий меҳмон уйлари” ва “оилавий дам олиш масканлари”ни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мазкур оилавий тадбиркорлик йўналишидаги оилавий мехмон уйлари фаолиятини ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилишнинг қуйидаги вазифаларини ҳал этиш мумкин:

- хизматлар сохаси жадал ривожланиб, унинг ялпи ички махсулотдаги улуши ортади;

- хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш орқали қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш ва одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги роли ошади;

- кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатининг ошиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади;

- энг муҳими, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа, ҳар бир оилага тадбиркорликни жорий қилиш орқали камбағалликни қисқартирилишига эришилади.

- қишлоқ оила хўжаликларида иқтисодий муносабатлар бозор қонунларига мос равишда амалга ошади;

- қишлоқда оила мулкига ва ёлланма меҳнатга асосланган оилавий тадбиркорлик шаклланади ва ривож топади;

- оила хўжалиги аъзоларида ўз тадбиркорлик фаолиятидан моддий манфаатдорлик пайдо бўлади ва бу орқали оила мулкидан самарали фойдаланишга эришилади;

- оилавий тадбиркорлик юритиш шакллари ичида чинакам рақобат вужудга келади ва натижада хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошади ва энг муҳими хўжаликнинг иқтисодий–молиявий кўрсаткичларини яхшилашга ўзаро интилиш кучайиб боради;

- оилавий тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни янада кўпайтириш мақсадида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оила аъзоларининг қизиқиши пайдо бўлади[19].

Булар эса ўз навбатида оилаларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошишига мотивацион куч бериб, даромадларни ошириш ва оилалар турмуш даражасини тезроқ яхшиланишига олиб келади. Шу туфайли, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлигини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур[15]. Бунга эса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясини ҳаётга тадбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизда 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари белгилаб қўйилган эди[3;4]. Шунга асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишларини тавсия қилиш мумкин. Булар:

- хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни мамлакат миқиёсида устувор вазифа сифатида белгилаб, алоҳида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар тизимини яратиш лозим;
- ҳудудларда янги иш ўринларини очишда асосий эътибор хизмат соҳасида оилавий табиркорликни ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилиши, бунинг учун эса бошланиш даврида айрим имтиёзларнинг жорий қилиниши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш;
- хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорликни қишлоқ жойларда янада кенгайтириш учун ҳалибери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлиги, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва агрохизматлар соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш бугунги кун талабига мос келади;
- мамлакатимизда анъанавий, унитилиб кетган хизматларни тиклаш, каштачилик, ўймакорлик, ҳунармандчилик каби тадбиркорликни ҳам оилавий тадбиркорлик шаклида ривожлантириш учун манзилли кўмаклашиш чораларини кўриш;
- хизматларнинг янги истиқболли турларини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатини оширишга шунингдек, хизматлар экспортини кўпайтиришга жонбозлик кўрсатаётган оилавий корхоналарга имтиёзлар кўлламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- оилавий тадбиркорлик доирсида ижтимий хизматларни (оилавий болалар боғчалари, оилавий ихтисослашган ҳунармандчилик ёки хизматнинг бошқа турларини ўргатадиган мактаблар, оилавий тиббий хизматлар, оилавий кутубхоналар каби) ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

**Хулоса ва таклифлар**

- инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тез сураътларда ўсиб, барча соҳа ва тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналар сонининг кўпайиши, рентабелли корхоналар улушининг ортиши, соҳада банд бўлганлар сонининг ўсиши каби ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Бироқ, оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигини баҳолаш ва истиқболини белгилаш мақсадида статистика амалиётида уларнинг ривожланишига доир маълумотларни, хусусан жами хизматлар ҳажмидаги улуши ҳамда хизматларнинг турли йўналишлари бўйича маълумотларни даврий нашрларда мунтазам эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир;

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ўрни мамлакат бўйича иқтисодий фаол корхоналардаги улуши билан аниқланди. Бунда уларнинг салмоғи атиги 7,5 фоизни ташкил этмоқда. Агар, оилавий корхоналарни ривожланган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқсак, бундай турдаги корхоналарнинг барча тижорат корхоналаридаги улушини камида 70 фоизга етказишнинг тезкор чораларини кўриш лозим;

- мамалакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли ва хусусиятлари турли фаолият соҳаларида турлича кечмоқда. Хусусан, фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектларининг 44,1 фоизи ишлаб чиқариш, 48 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Соҳалар бўйича гуруҳлаштирганда номутаносиб тенденцияни кузатиш мумкин. Бироқ, мазкур фаолият турлари оилавий тадбиркорликнинг барча соҳаларини қамраб олмайди. Шу боис расмий статистика маълумотларига асосланган ҳолда, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таҳлил этилди. Бу эса, ҳар бир фаолият соҳаси учун оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолашнинг мезон кўрсаткичларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Келгуси тадқиқотларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ролини баҳолашда қуйидаги фаолият турлари бўйича кузатувлар олиб бориш тўғри услубий йўналиш беради:

- савдо ва умумий овқатланиш (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар) хизматлари;

- миллий ҳунармандчилик, таъмирлаш хизматлари ва касаначилик;
- компьютер ва замонавий ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона, уяли алоқага уланиш ва "пайнет" каби хизмат турлари);
- транспорт хизматлари;
- фото ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б).

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида. 2020 йил 1 май, ПҚ-4702 – сон.
3. 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли Қарори.
4. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»2012 йил 10 май.
5. Абдуллаев И. С., Ҳамидович Қ. Б., Аллаёров С. Ф. Хизмат тушунчасининг моҳияти ва унинг ривожланиш эволюцияси //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2018. – №. 6.
6. Алиева М. Хизмат кўрсатиш сохаси тармоқларини ривожлантириш истиқболари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 13.;
7. Асланова Д. Х., Саттарова З. И., Алимова М. Т. Региональный туристский кластер как инструмент повышения эффективности экономики региона //Научный результат. Экономические исследования. – 2016. – Т. 2. – №. 1 (7).
8. Балаева А., Предводителева М. Сфера услуг в мировой экономике: тенденции развития //Мировая экономика и международные отношения. – 2007. – №. 3. – С. 23-28.;
9. Бурменко Т. Д., Даниленко Н. Н., Туренко Т. А. Сфера услуг: экономика: учебное пособие //М.: кнорус. – 2007. – Т. 328.;
10. Басс А. Я., Разомасова Е. А. Сфера услуг и предпринимательство в экономическом развитии //Всероссийский экономический журнал ЭКО. – 2009. – №. 2 (416).
11. Кликич Л. М. Эволюция сферы услуг: неравновесный подход //М.: Изд-во МСХА. – 2004. – С. 18
12. Комолов Х. Х. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолияти мезонлари ва ишчанлик муҳити //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-2.
13. Кувандиков Ш.О. Сервис соҳаси тараққиёти ва унда оилавий тадбиркорликнинг ўрни. "Сервис" илмий амалий журнал. 2020 йил, 3-махсус сон, 101-106 б.
14. Кувандиков Ш.О. Сервис соҳасида оилавий тадбиркорлик бизнес-жараёнларини таҳлил этишга тизимли ёндошув. "Сервис" илмий-амалий журнал. 2019 йил, 3-махсус сон, 107-111б.
15. Кувондиков Ш., Собиров А. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари. Иқтисодиёт ва таълим.2014 йил №5, 74-76 б.
16. Пардаев М. Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёининг айрим муаммолари //Т.:"Наврўз" нашриёти 2014.
17. Sraer D., Thesmar D. Performance and Behavior of Family Firms: Evidence from the French Stock Market, Journal of the European Economic Association, 2007.
18. Сосунова Л. А., Чернова Д. В. Влияние сферы услуг на экономику //Российское предпринимательство. – 2003. – №. 3.

19. Султонов Ш., Шавқиев Э.,.Кувандиков Ш ва б. Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2019, 188 бет.
20. Исаков Ж. Тоталитар тизимидаги бозор иқтисодиётига ўтишда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий--иқтисодий моҳияти //Архив научных исследований. – 2020. – №. 15.;
21. Эрназаров Ғ. Б. Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш йўллари //Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. – 2019. – С. 3-3.
22. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари).

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Дусанов Салим Мамарасулович**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Режа-молия бўлим бошлиғи, катта ўқитувчи
E-mail: msalimd@mail.ru

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**For citation**: Dusanov Salim Mamarasulovich. THE IMPORTANCE OF EFFECTIVE USE OF FUNDS OF THE PAYMENT-CONTRACT AND EXTRA-BUDGETARY DEVELOPMENT FUND IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 73-78

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-9**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада олий таълим муассасаларида мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи ёритилган. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан ўзбек ва хориж олимларининг таҳлилий ёндашувлари ўрганилди. Мақолада монографик ва эксперт ҳамда тизимли таҳлил натижаларига асосланиб, мавжуд молиявий ресурсларни самарали тасарруф этиш, ОТМларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтириш тартиби кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, ойлик иш ҳақи, ягона ижтимоий тўловлар, молиялаштириш, бюджетдан ташқари ривожлантириш жамҳармаси маблағлари, хўжалик юритувчи субъектлар, моддий техника базаси.

---

**Дусанов Салим Мамарасулович**
Международная исламская академия Узбекистана,
Начальник планово-финансового отдела, старший преподаватель
E-mail: msalimd@mail.ru

# ВАЖНОСТЬ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ПЛАТЕЖНО-ДОГОВОРНОГО И ВНЕБЮДЖЕТНОГО ФОНДА РАЗВИТИЯ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается вопрос повышения эффективности использования имеющихся финансовых ресурсов в высших учебных заведениях. Изучены аналитические

подходы узбекских и зарубежных ученых к значению и управлению финансовыми ресурсами в высших учебных заведениях. В статье по результатам монографий и экспертно-систематического анализа изложен порядок эффективного управления доступными финансовыми ресурсами с упором на обеспечение финансовой устойчивости вузов.

**Ключевые слова:** высшее образование, месячная заработная плата, разовые социальные выплаты, финансирование, внебюджетный фонд развития, субъекты хозяйствования, материально-техническая база

---

**Dusanov Salim Mamarasulovich**
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Head of Planning and Finance Department, Senior Lecturer
E-mail: msalimd@mail.ru

## THE IMPORTANCE OF EFFECTIVE USE OF FUNDS OF THE PAYMENT-CONTRACT AND EXTRA-BUDGETARY DEVELOPMENT FUND IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

**ABSTRACT**

The article addresses the issue of improving the efficiency of the use of available financial resources in higher education institutions. The importance of financial resources in higher education institutions and the analytical approaches of Uzbek and foreign scholars on its management were studied. The article, based on the results of monographs and expert and systematic analysis, shows the procedure for effective management of available financial resources, focusing on ensuring the financial stability of universities.

**Keywords:** higher education, monthly salary, single social payments, financing, extra-budgetary development fund, business entities, material and technical base.

---

### Кириш

Республикамизда олий таълим тизимида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган натижалар мазкур тармоқда молиявий ресурслар самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканлигига далолат қилади. Зеро, олий таълим тизими ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатдошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён этиб келмоқда.

“Олий таълим-ривожланадиган ва ўз-ўзини ривожлантирадиган тизим. У инсоният тараққиётининг барча босқичлари мобайнида тўпланган тажрибани янги авлодларнинг онгига сингдириш ва маданият, фан, техника, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга масъул этилган. У ўзига хос бўлган қонуниятлар асосида фаолият юритади, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг бевосита таъсири остида ривожланади”. [1]

Бундан кўриниб турибдики,олий мактабларнинг ривожланишида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, олиб борилаётган таълим сиёсати бевоситанинг ўз таъсирини кўрсатади. Сўнги йилларда республикамизда олиб борилган туб ислоҳатлар натижаси ўлароқ барча соҳалар сингари олий таълим соҳаси ҳам жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан соҳада туб ўзгариш ва ислоҳатларни олиб бориш мақсадида бир қанча фармон, қарор ва фармойишлар чиқарилди. Жумладан, 2017 йил 7 феврал «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябр «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2017 йил 20 апрел «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июн «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 11 июл «Олий ва ўрта махсус таълим

тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон Қарорлари шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июль « Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 606-сон Қарор, 2019 йил 3 декабрь, "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида" 967-сон Қарори, 2019 йил 24 декабрь, "Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида" 1030-сон Қарори, 2020 йил 27 октябрь, "Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида " 655-сон Қарорлари ҳам бевосита олий таълим соҳасини ривожлантиришга, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бундан ташқари ҳозирда ОТМларда бир нафар талабага ўртача тўғри келадиган харажат ва тўланаётган тўлов контракт маблағлари миқдори ўртаси салбий фарқ мавжуд, бу эса ўз навбати давлат бюджетига юклигича қолмоқда. Буларнинг барча ОТмларни ривожлантиришга, модернизациялашга ва сифатли кадрлар тайёрлашга, яхши мутахассисларни ОТМга жалб қилишга тўсиқ бўлаётганлигини ҳал қилишнинг мақбул йўли ОТМларни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни ёки мавжуд моляиявий ресурслардан файдаланиш самарадорлигини ошириш зарурияти мазкур йўналишда илмий тадқиқот қилиш долзарблигини тасдиқлайди.

Айнан ушбу мақоламиз ҳам келтирилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган истиқболли илмий-таклиф-тавсиялар беришга қаратилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Олий таълим соҳасини молиялаштириш мавзусида мамлакатмиз назариётчи олимлари ва соҳа мутахассислари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, М.Х.Саидов томонидан "Олий таълим тизимида молиявий бошқарув" номли китобида республика олий таълим муассасаларини молиялашнинг манбалар, маблағларни шакллантириш, бошқариш йўналишлари ва маркетинг олиб бориш йўллари кўрсатиб ўтилган[1]. А.А.Махмудовнинг тадқиқотида олий таълимни молиялаштиришда бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағларнинг аҳамияти, "краудфандинг" технологиясини тадбиқ этиш орқали молиявий ресурсларни диверсификациялаш механизми такомиллаштиришга эътибор қаратилган[2]. А.Шеров олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш, назорат имтиҳонларни хориж тажрибасини қўллаган ҳолда пуллик кўринишда амалга ошириш ва бу орқали бюджетдан ташқари маблағлар тушумини орттирадиган тизим яратилиши бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [8]. Рахмонов Д., Пўлатов А., Ева Виетсма [7] эса Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришни илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш масаласида илмий тадқиқот олиб орган. Мазкур олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий-тадқиқот ишлари олий таълимни ривожлантириш ва молиявий ресурсларни бошқариш механизларини такомиллаштиришга қаратилган. МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан О. В. Калашникова [5], Т.В. Варкулевич, А.О. Кучерова [6] ҳам мазкур мавзуга ўзига хос усулдаги ёндошув билан тадқиқот олиб борган.

Ҳозирги глобаллашув ва рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва мавжуд молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш борасида илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмаганлиги мазкур тадқиқот мавзусини алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқишимизга сабаб бўлди.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

**Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Республиканинг таълим тизимини айниқса, олий таълим муассасасалари салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислоҳотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган олий таълим муассасаларини очиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва таълим соҳасига замонавий ўқитиш метадалогияларини кенг жорий этиш, олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, таълим муассасаларининг молиявий ўз-ўзини таъминлаш тизимига ўтказиш мақсадида 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони[3] қабул қилинди.

Мазкур Фармонда “-олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш; -хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш” [4] акс этганди.

Қарорда белгиланишича ОТМларга молиявий эркинликда кўпгина имкониятлар очиб берилмоқда. Шу билан бир қаторда, бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш, мавжуд молиявий ресурсларни самарали фойдаланиш ва технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш вазифалари қўйилмоқда. Буларни барчасини ташкил этиш ва йўлга қўйиш учун эса маълумки бевосита молиявий ресурслар талаб этилади.

Олий таълим муассасаларининг молиявий эркинлиги масаласи бу кенг иқтисодий тушунча бўлиб, унинг замирада мавжуд молиявий ресурслардан тўғри, ўринли ва самарали фойдаланиш масаласи ётади. Олий таълим муассасаларида асосий молиявий манбалардан бири бу талабалар тўлов контракт маблағлари саналади. Республика миқёсидаги барча ОТМларда йиғиладиган тўлов-контракт маблағлари асосан профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ойлик иш ҳақларига, ойлик иш ҳақидан ягона тўлов ажратмаларига, стипендия харажатларига ва бошқа харажатларга йўналтиради.

**1-жадвал**

**Айрим олий таълим муассасаларида 2018-2020 йил 9 ойлигида тўлов-контракт ва РЖ маблағларининг I ва II гуруҳ харажатлари (млн сўмда)** [9]

| ОТМ номи | I ВА II ГУРУҲ ХАРАЖАТЛАР | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил 9 ойлик * | | Жами 3 йиллик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | РЖ маблағлари | Тўлов-контракт маблағлари | РЖ маблағлари | Тўлов-контракт маблағлари | РЖ маблағлари | Тўлов-контракт маблағлари | |
| Ўзбекистон халқаро ислом академияси | Ойлик иш ҳақи | 1 136,8 | 4 660,9 | 1 041,4 | 10 209,0 | 892,6 | 16 329,3 | 34 270,0 |
| | Ягона ижтимоий тўлов | 284,2 | 1 165,2 | 260,4 | 2 552,2 | 223,2 | 4 082,3 | 8 567,5 |
| Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети | Ойлик иш ҳақи | 10,9 | 173,0 | 139,2 | 1 634,0 | 10,2 | 2 580,8 | 4 548,1 |
| | Ягона ижтимоий тўлов | 2,7 | 43,3 | 34,8 | 408,5 | 2,6 | 645,2 | 1 137,0 |

Танлаб олинган бу икки ОТМларда сўнги уч йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан профессор-ўқитувчи ва ходимларга тўланган ойлик иш ҳақи (устама ҳақ, рағбатлантириш билан бирга) ва ойик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов ажратмалари акс этган. Масаланинг эътибор қаратиладиган томонидан шундан иборатки, ойлик ишларидан

ягона ижтимоий тўловларга ажратилаётган қисми бўлиб, бу тўланган ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида ажратмалар ҳисобланиши, бўлиб жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон халқаро ислом академияси (ЎзХИА) сўнги 3 йилда тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари РЖ маблағлари ҳисобидан 8 567,5 млн сўм ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (ЎзЖОКУ) эса 1 137,0 млн сўм маблағни ўрнатилган тартибда сарф этган.

Таҳлилларга кўра бугунги кунда аксарият ОТМларга талабалар контингентидан келиб чиқиб ажратилаётган бюджет ва тўлов-контракт маблағлари уларнинг моддий техник базасини замон талаблари даражасида сақлаб туриш харажатларини қопламайди. Буни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қуйдаги таҳлилида ҳам таъкидлаб ўтилган. “Бугунги кунда бир нафар талабани ўқитишнинг ўртача харажати 10,5 млн.сўмни ташкил этгани ҳолда, тўлов-контракт қиймати миқдори ўртача 8,7 млн.сўм этиб белгиланмоқда” [10]. Шу билан бир қаторда 2018 йил 1 сентябрдан 2019 йил 1 июлига қадар ОТМларда ҳукуматнинг тегишли Қарорига асосан профессор-ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақлари 75-80 фоизга оширилди. Бироқ, бу ижобий ўзгаришларнинг молиявий акси тўлов-контракт маблағларида тўлиқ акс этмаганлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, 2020 йилда Жаҳон бўйлаб сақланиб турган каранавирус инқирози натижасида тўлов-контракт ҳисобидан ўқийдиган талабаларга 10 фоиз миқдори имтиёз берилди. Мазкур ҳолатларнинг барчаси бевосита ОТМларда асосий молиявий манбаларидан бўлган тўлов-контракт маблағларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Айниқса, талабалар контингенти кам бўлган таълим муассасаларида мазкур ҳолат яққол ўзини намоён этади. Юқорида таҳлил жадвалда келтирилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳам нисбатан талабалар контингенти кам бўлган ОТМлар сифатида маълум. Уларда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалардан тушадиган маблағлар миқдори ҳам профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ойлик иш ҳақи, талабалар стипендияларини ва II гуруҳ харажатларини қоплашдан нарига ўтмайди. Тўлов-контракт асосида талабалар контингентини кўпайтиришга эса, бино ва иншоотлар сиғими йўл қўймайди.

Бу эса ўз навбатида Республикамизда ОТМларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш,рейтингларини кўтариш, профессор-ўқитувчи ва ходимларни моддий қўллаб қувватлаш, профессор-ўқитувчиларни хорижда малакасини ошириш, жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини олиб боришда бевосита маблағ етишмовчилигини келтириб чиқаради.

**Хулоса ва таклифлар**

Глобаллашув шароитида таълимнинг роли ва аҳамияти шиддат билан юксалиб, бормоқда. Айниқса, олий таълимни ривожлантириш ва интеллектуал натижадорликни ошириш давр талаби бўлмоқда. Бунинг учун таълимнинг моддий-техник шарт-шароитларини замонавий стандартлар асосида мустаҳкамлаш ва таҳсил олаётганларни рағбатлантиришни кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, янги Ўзбекистонни барпо қилиш ва мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятдаги топ 50 лик давлатлари сафидан жой олиши учун бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан ҳисобланган олий таълимни жадал ривожлантириш ва унинг интеллектуал маҳсулдорлигини-манфаатдорлигини ошириш учун соҳага фаол инвестицияларни жалб қилиш ҳамда молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш, мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта аҳамият касб этадиган вазифалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, ОТМларда тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилаётган ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлардан ажратилаётган Ягона ижтимоий тўлов ажратмалари (25 фоиз) ни мос равишда хўжалик юритувчи субъектлар каби 12 фоиз миқдорига тушуриш тавсия этилади. Юқорида келтирилган таҳлил жадвалда кўрсатилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси (ЎзХИА) сўнги 3 йилда тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари РЖ маблағлари ҳисобидан 8 567,5 млн сўм ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

университети эса 1 137,0 млн сўм маблағ сарфланганлиги қайд этилганди. Ушбу тавсияга кўра агар ягона тўлов ажратмаси 12 фоизга тушурилса ОТМлар ҳисобида ЎзХИАда 4 455,1 млн сўм ва ЎзЖОКУда 591,3 млн сўм бўш маблағ қолишига эришилади. Мазкур ҳолатни Республика миқёсида ОТМларнинг тўлов-контракт ва бюджетдан ташқари ривожлантириш маблағлари ҳисобидан тўланаётган ягона ижтимоий тўловларга жорий этилса, ОТМлар ихтиёрида қанча бўш маблағ қолиши тасаввур қилиш қийин эмас. Мазкур маблағларни қўйидаги йўналишларга йўналтириш орқали самарадорликни оширишига эришиш мумкин:
-моддий техника базасини замон талаблари доираси сақлаб туришга
-профессор-ўқитувчи ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлашга
-ОТМларда профессор-ўқитувчиларни хорижда малакасини оширишига
- кам таъминланган оила вакилларидан бўлган талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга
-ОТМларда илмий салоҳиятни кўтаришга ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга бевоситада мақсадли сарфлаш мумкин бўлади.

Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ОТМла мавжуд молиявий ресурслар самарадорлигини оширишга ва молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади деган фикрдамиз.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. М.Х.Саидов “Олий таълим тизимида молиявий бошқарув китоби “Тафаккур-бўстони” Тошкент-2011й,
2. А.А.Махмудов “Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқари механизмини такомиллаштири, ТДИУ, Тошкент-2019, 8-бет
3. www.lex.uz миллий қонунчилик базаси.
4. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.
5. О. В. Калашникова, старший преподаватель кафедры финансов, бюджета и страхования E-mail: kalashnikova@vzfei.ru Всероссийский заочный финансово-экономический институт, г. Москва “Источники финансирования высшего образования в условиях развития инновационной экономики” Финансы и кредит, 47 (383) – 2009.
6. Т.В. Varkulevич, А.О. Кучерова, “Механизмы финансирования системы высшего профессионального образования как условие инновационного управления высшей школой (Зарубежный Опыт)” Право и управление.
7. Рахмонов Д., Пўлатов А., Ева Виетсма. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришни илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш//http://www.bfajournals.uz. 6-сон январь, 2017.
8. 8.Шеров А.Олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш//http://www.biznes-daily.uz. №3(111)-2017.
9. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий каммуникациялар университети ҳисоботи маълумотлари.
10. https://my.edu.uz/, https://t.me/eduuz/

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Танташев Ринат Ахмедович**
Самостоятельный соискатель

# ВНЕДРЕНИЕ «ЗЕЛЕНОЙ» ЭКОНОМИКИ - КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

**For citation:** Tantashev Rinat Akhmedovich. IMPLEMENTATION OF A GREEN ECONOMY AS A FACTOR ECONOMIC DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp. 79-87

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-10**

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящается необходимости применения и внедрения «зеленой» экономики в стране. Затронут вопрос «зеленых» инновационных стратегий отдельных государств.

В ней также рассматриваются вопросы и основные тенденции развития указанного перспективного направления в будущем.

Показано, что «зеленая» экономика является новым глобальным курсом инновационного антикризисного развития для мировой экономики, предполагающий реальные улучшения в сфере стабильного благосостояния людей, без нанесения вреда природе.

Указанный курс направлен на строительство новейшей инфраструктуры и повышение комфортности проживания, предполагает воспроизводство высокооплачиваемых рабочих мест, способствует переходу к новым принципам финансирования и налогообложения. Демонстрируется необходимость «зеленого» развития путем перехода Узбекистана на «зеленую экономику».

**Ключевые слова**: «зеленая» экономика, «зеленые» инновационные стратегии.

---

**Танташев Ринат Ахмедович**
Мустақил тадқиқотчи

# “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”-ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола мамлакатда “яшил” иқтисодиётни қўллаш ва амалга ошириш зарурлигига бағишланган. Айрим давлатларнинг яшил инновацион стратегиялари масаласига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, келажакда ушбу йўналишни ривожлантириш масалалари ва асосий тенденциялари муҳоқама қилинган.

"Яшил" иқтисодиёт, бу дунё иқтисодиёти инқирозни олдини олишнинг янги глобал инновацион йўналиши бўлиб, у табиатга зарар етказмасдан, одамларнинг турмуш тарзи барқарорлиги яхшиланиши таъминлайди.

Ушбу йўналиш янги инфратузилмани барпо этиш ва яшаш фаравонлигини оширишга каратилган бўлиб, юқори маошли иш жойларини кўпайшини ўз ичига олади, янги молиялаштириш ва солиққа тортиш тамойилларига ўтишга ёрдам беради. Ўзбекистонни "яшил" иқтисодиетга ўтиш йули билан "яшил" ривожланиш зарурлиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** "яшил" иқтисодиёт, "яшил" инновацион стратегиялари.

---

**Tantashev Rinat Akhmedovich**
Independent researcher

## IMPLEMENTATION OF A GREEN ECONOMY AS A FACTOR ECONOMIC DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

**ABSTRACT**

This article is devoted to the need for the application and implementation of «green» economy in the country. The issue of green innovation strategies of individual states is touched upon. It also discusses the issues and main trends in the development of this direction in the future.

It`s shown that the «green» economy is a new global course of innovative anti-crisis development for the world economy, which implies real improvements in the sphere of stable welfare of the human population, without harming nature.

This course is aimed at building the latest infrastructure and increasing the comfort of living, assumes the reproduction of high-paying jobs, contributes to the transition to new principles of financing and taxation. The necessity of Uzbekistan`s transition towards «green» economy is demonstrated.

**Keywords:** «green economy», green innovation strategies.

---

### Введение

Как известно, окружающая среда и её отдельные компоненты (земля, почва, поверхностные и подземные воды, атмосферный воздух), растительный и животный мир и иные организмы, озоновый слой атмосферы и околоземное космическое пространство с учетом антропогенного фактора продолжают постепенно изменяться.

Принимая во внимание однозначность роста потребления энергии (в частности, электрической), проблемой возобновляемых источников энергии является принципиальная связь с местностью. Так, солнечные станции эффективно функционируют в странах, преимущественно расположенных на экваторе, ветряные - на побережье акватории, а геотермальные - в зонах вулканической активности.

В этой связи, перед мировыми специалистами стоит основной вопрос - как поддержать развитие экономики без ущерба для экологии, сделать её мобильной и продуктивной.

За последнее время во всех странах мира важное значение отражает вопрос эффективной реализацией «зеленой» экономики, мировой опыт которой весьма интересен для нашей страны. При этом, при взаимовыгодных партнёрских отношениях с представителями бизнеса различных стран, в последующем необходимо выработать и развивать собственные эффективные методы ведения конкурентной борьбы за лучший «экономико-эко-проект».

Принимая во внимание современный экономический вектор, одним из интереснейших проектов для предпринимателей, станет реализация зеленых технологий, а также принятие в будущем нормативной базы, которая предоставит дорогу частному сектору в сфере биоразнообразия, получения прибыли, без нанесения ущерба флоре и фауне.

Итак, «зеленая» экономика - направление в экономической науке, сформировавшееся с начала 2000-х гг. в рамках которого считается, что экономика является зависимым компонентом природной среды, в пределах которой она существует, являясь её частью.

Указанная экономика, повышающая благосостояние людей и обеспечивающая социальную справедливость, существенно снижает риски для окружающей среды.

Также, имеется понятие, что «зеленая» экономика является системой видов экономической деятельности, связанных с производством, распределением и потреблением товаров и услуг, которые должны привести к повышению благосостояния населения, не подвергая его при этом экологическим рискам [1].

Идея зеленой экономики принята в 2008 году в качестве программы ООН по окружающей среде (ЮНЕП).

Теория зеленой экономики базируется на следующих трёх аксиомах [2]:

1. Невозможно бесконечно расширять сферу влияния в ограниченном пространстве;

2. Нельзя требовать удовлетворения бесконечно растущих потребностей в условиях ограниченности ресурсов;

3. Все «на поверхности мира» является взаимосвязанным. Невозможен постоянный экономический рост, возможно постоянное экономическое развитие.

В целом концепция «зеленой» экономики получает все больший общественный резонанс, в т.ч. с учетом активного обсуждения экспертами, политиками и ННО.

Анализ показывает, что рост доходов и занятости населения в «зелёной» экономике должен стимулироваться государственными и частными инвестициями в проекты, реализация которых приводит к сокращению выбросов углерода и загрязнения среды, повышению эффективности использования энергии и ресурсов, а также предотвращению потери биоразнообразия и экосистемных сервисов.

По мнению экспертов ЮНЕП, подобные инвестиции должны стимулироваться и поддерживаться целевыми государственными расходами, реформами и изменениями в регулировании.

Сравнительно недавно в контексте охраны окружающей среды была выработана концепция экономики замкнутого цикла (ЭЗЦ) или циркулярной экономики (англ. circular economy).

Согласно оценке сторонников данной концепции, циркулярный рост поможет в преодолении климатического кризиса и будет способствовать развитию инклюзивной зелёной экономики.

Определение такой разновидности экономики сформулировали эксперты Оксфордского университета в своём исследовании в 2019 г., основываясь на серии интервью, проведённых с участниками платформы для ускорения экономики замкнутого цикла (англ. PACE, Platform for Accelerating the Circular Economy).

По данным различных специалистов, ЭЗЦ представляет собой регенеративный тип экономики с целью сохранения большей ценности продуктов, их составных частей и материалов, чей рост не стимулируется и не зависит от эксплуатации ограниченных ресурсов.

В своем содержании данная разновидность экономики является альтернативой традиционной экономике (создание продуктов, их использование, захоронение отходов).

Стоит отметить, что инклюзивность зелёной экономики подразумевает реализацию мер по увеличению социальной справедливости, поскольку под инклюзивным ростом эксперты Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) понимают экономический рост, который справедливо распределён по всему обществу и создаёт возможности для всех.

Однако, устойчивый экономический рост требует инклюзивного роста поддерживать который сложно, потому что он может привести к негативным последствиям, например, к росту коррупции [3].

Тем не менее, акцент на инклюзивность, особенно на равенство возможностей с точки зрения доступа к рынкам, ресурсам и беспристрастной нормативно-правовой среде является важным компонентом успешного роста.

Подход, основанный на инклюзивном росте, имеет более долгосрочную перспективу, поскольку основное внимание уделяется продуктивной занятости как средству увеличения доходов бедных групп населения и повышению их уровня жизни.

Сторонники концепции «зеленой экономики» считают, что преобладающая в настоящее время экономическая система несовершенна. Вместе с тем, она дала определенные результаты в повышении жизненного уровня людей в целом, и особенно ее отдельных групп (или групп стран), негативные последствия функционирования этой системы значительны.

В частности, экологические проблемы (опустынивание, сокращение биоразнообразия), истощение природного капитала, масштабная бедность, нехватка пресной воды, продовольствия и энергии, а также неравенство людей и стран создает угрозу для настоящего и будущего поколений.

Таким образом, для выживания и развития человечества требуется переход к системе видов экономической деятельности, связанных с производством, распределением и потреблением товаров и услуг, которые приводят к повышению благосостояния человека в долгосрочной перспективе, не подвергая будущие поколения воздействию значительных экологических рисков или экологического дефицита.

Согласно классификации ОЭСР [4], «зеленые» технологии охватывают следующие сферы:

- общее экологическое управление (управление отходами, борьба с загрязнением воды, воздуха, восстановление земель и пр.);

- производство энергии из возобновляемых источников (солнечная энергия, биотопливо и пр.), смягчение последствий изменения климата, снижение вредных выбросов в атмосферу, повышение эффективности использования топлива, а также энергоэффективности в зданиях и осветительных приборах.

Для переориентации мирового хозяйства на устойчивую в экономическом, социальном и экологическом отношении модель роста принципы «зеленой» экономики должны быть интегрированы в реализуемые ныне структурные реформы.

**Степень изученности темы**

Изучение ряда материалов показывает, что не существует универсального решения по формированию «зеленой экономики». Для уверенного функционирования экоструктур необходимы разнообразные проекты и бизнес-стратегии.

Тем не менее, эксперты выделили основные четыре направления [5], посредством которых формирование «зеленой» экономики и связанные с этим структурные реформы могут служить двигателями экономического роста, воплощающегося в т.ч. и в увеличении ВВП.

Во-первых, переход к «зеленой» экономике способен увеличивать входные ресурсы естественного, физического и человеческого капитала (input effects).

В данном случае, повышение продуктивности природных ресурсов (лесных, рыбных, сельскохозяйственных угодий, др.) за счет более эффективного управления естественным капиталом, повышение качества человеческого потенциала от улучшения здоровья и сокращения заболеваемости населения вследствие улучшения состояния окружающей среды и о снижении экономического ущерба от потерь физического капитала вследствие более умелого управления экологическими рисками, включая лесные пожары, наводнения, другие стихийные природные явления.

Во-вторых, указанный переход должен сопровождаться благоприятными структурными изменениями и предполагает значительные инвестиции в ряд системообразующих секторов, включая энергетику, строительство, жилищно-коммунальное хозяйство и др., направленных на обновление производственного аппарата, повышение энергоэффективности, переход к альтернативным источникам энергии и снижение выбросов парниковых газов. Все эти результаты выражаются в повышении в широком смысле слова эффективности базовых отраслей экономики (efficiency effect).

В-третьих, как важный фактор роста, самостоятельно выделяются, инвестиционные вложения в развитие «зеленой» инфраструктуры, включая систему водоснабжения

и канализации, общественный транспорт, ориентированный на альтернативные источники топлива и др.

При этом, в подтверждении этого автор считает, что активные инвестиции способны стимулировать рост экономики путем предложений и спроса, одновременно, расширяя занятость и способствуя снижению (особенно значительной в период кризиса и пандемии) безработицы. В данном случае обозначаются стимулирующие эффекты (stimulus effects).

В-четвертых, переход к «зеленой» экономике стимулирует инновационную активность, в т.ч. и на уровне фирм (измеряемую, как правило, через затраты на НИОКР и патентную активность), которая должна быть поддержана, наряду с созданием благоприятной конкурентной среды, также и методами регулирования, включая введение в действие стандартов и регламентов. В данном случае речь идет об инновационном эффекте (innovation effects).

Наряду с этим, особое внимание при переходе к «зеленой» экономике уделяется формированию современной инфраструктуры, которая имеет ключевое значение для обеспечения устойчивого развития и модернизация которой представляет собой важнейший элемент анализируемых структурных реформ.

В состав инфраструктурных секторов входит водная инфраструктура (в т.ч. дамбы и водохранилища), землеустройство и планировка территорий, жилищное строительство и развитие урбанизированных территорий, система защиты прибрежных территорий от наводнений, дорожно-транспортная инфраструктура (в т.ч. порты, мосты, дороги), энергетика (включая АЭС) и ряд др.

Данные сектора характеризуются длительными сроками службы используемого в них производственного аппарата (от 20 до 200 лет) и долгосрочным характером инвестиций, вследствие чего их экологически ориентированная модернизация приобретает принципиальное значение.

Одновременно для инфраструктурных отраслей характерны ярко выраженные экономия от масштаба производства, сетевые эффекты и синергия между экономическими, экологическими и социальными целями, что повышает эффективность соответствующих инвестиций.

**Методология исследования**

В ходе исследования эффективно использовался метод сравнительного анализа. В частности, были изучены направления внедрения и развития «зеленой» экономики в Республике Корея, США, Великобритании, Китайской Народной Республике, Японии, Европейском Союзе. Проанализированы меры, принимаемые в Узбекистане по переходу к «зеленой» экономике методом анализа и синтеза.

**Анализ и результаты**

Изучение отдельных путей формирования «зеленой» экономики в отдельных развитых странах [6], считающих указанное направление приоритетным, показывает следующее:

Республика Корея, избравшая концепцию «зеленого» роста в качестве национальной стратегии основное внимание уделяет промышленности, энергетике и инвестициям, «зеленым» видам транспорта, альтернативным источникам пресной воды, технологиям переработки отходов, развитию парков, обустройству рек в черте города. Различные проекты, которые министерства осуществляли самостоятельно, были объединены в единый пакет, чтобы избежать бюджетных расходов на второстепенные цели.

С 2011 г. Республика Корея запустила систему «зеленых платежных карт» для стимулирования «зеленого» потребления товаров, произведенных с экологическими инновациями. С помощью указанных карт учитываются потребление «зеленых» товаров и услуг, использование общественного транспорта вместо личного, а также использование энергоэффективных товаров.

США в качестве основных направлений развития «зеленой» экономики выбрали развитие альтернативной энергетики. С помощью солнечных установок к 2030 г. планируется производиться 65 % энергии, потребляемой страной и 35 % - тепла.

Великобритания приняла экономику «зеленых» технологий в качестве стратегии своего национального развития и проафишировала свои «зеленые» проекты, нацеленные на создание 100 тыс. новых рабочих мест.

Практически во всех странах ЕС разработаны «зеленые» меры в сфере энергетики, развития общественного транспорта и инфраструктуры, строительства эко-поселений, а также систем утилизации. В ЕС приняты стандарты на автомобильные выхлопы Евро-5, готовится введение новых Евро-6. Выделяются многомиллионные субсидии покупателям на приобретение электромобилей.

Япония объявила о 40% сокращении использования нефти, как источника энергии.

В КНР к 2020 г. планировалось получать 15 % (до этого 9 %) электроэнергии из возобновляемых источников, а углеродоемкость экономики снизить на 45 %.

Тенденция на развитие зеленых технологий в КНР установилась с 12-й пятилетки (с 2011 года). В КНР принудительно закрыли более 2 тыс. экологически грязных компаний. Объем госвложений в энергосбережение, возобновляемую энергетику, соответствующие технологии в КНР в несколько раз превысил показатели США и ЕС.

Китайские производители занимают 40 % мирового экспорта солнечных батарей и 20 % ветряных установок.

Еще одно направление «зеленых» технологий, развивающих в КНР нанотехнологии, открыт Глобальный инновационный центр нановолокна Glodal Innovation GICNA, а согласно имеющейся информации «необъявленная цель Пекина - стать мировым лидером в области зеленых технологий в XXI веке».

Европейская Комиссия анонсировала план «20 20 к 2020», предусматривающем сокращение выбросов углерода на 20 % наряду с увеличением использования возобновляемых источников энергии до 20 % к 2020 году.

В свою очередь, автор многих книг («Натуральный капитализм» (Natural Capitalism), «Защита климата: руководство для городов» (Climate Protection Manual for Cities) американский эколог, писательница, сторонник устойчивого развития, соучредитель Rocky Mountain Institute и президент ННО «Natural Capitalism Solutions» Хантер Ловинс (Hunter Lovins [6]), в интервью Green Technology (www.green-technology.org) приводит несколько примеров подготовки перехода к зелёной экономике со стороны различных стран.

Так, она обозначает Швецию и заявление шведов о том, что к 2020 году страна планирует полностью избавиться от нефти, а также исключить из процессов уголь и ядерную энергию.

Ключевые направления развития «зеленой» экономики Казахстана [7] представлены в следующем виде:

1. Внедрение возобновляемых источников энергии;
2. Энергоэффективность в жилищно-коммунальном хозяйстве;
3. Органическое земледелие в сельском хозяйстве;
4. Совершенствование системы управления отходами;
5. Совершенствование системы управления водными ресурсами;
6. Развитие «чистого» транспорта;
7. Сохранение и эффективное управление экосистемами.

В целом мировой опыт показал, что «зеленая экономика» стимулирует региональное развитие, способствует социальной стабильности, увеличению экономического потенциала за счет создания новых рабочих мест в секторах «зеленой экономики».

По расчетам специалистов, к 2050 году преобразования в рамках «зеленой экономики» позволят дополнительно увеличить ВВП на 3%, создать более 500 тысяч новых рабочих мест, сформировать новые отрасли промышленности и сферы услуг, обеспечить повсеместно высокие стандарты качества жизни для населения.

В настоящее время, в Республике Узбекистан особое внимание уделяется понятию «зеленая» экономика, т.к. республика имеет уникальные возможности и предпосылки для её применения.

Также, как и соседний Казахстан, республика имеет достаточную территорию, определено выгодное геополитическое положение, природные ресурсы, растущее предложение на рынке все более эффективных и доступных зеленых технологий и другие факторы благоприятствуют новым возможностям.

В этой связи, по мнению автора наиболее важными сегментами экономики, требующими реформирования с позиции применения принципов зеленого развития являются сектор утилизации отходов, энергетическая отрасль и сектор водного потребления.

Вместе с тем, изучение данного вопроса показывает наличие взаимосвязанных проблем и потребностей при обеспечении эффективной, ресурсосберегающей и экологически безопасной экономики в условиях изменения климата и сопутствующей пандемии.

В частности, ускоренная индустриализация и рост численности населения существенно увеличивают потребность экономики в ресурсах, а также усиливают негативное антропогенное воздействие на окружающую среду и рост выбросов парниковых газов.

Так, нерациональное потребление природных ресурсов, медленное обновление технологий, слабое участие малого бизнеса во внедрении инновационных решений для развития «зеленой» экономики препятствуют достижению первоочередных национальных целей и задач в области устойчивого развития страны.

Отсутствие долгосрочной стратегии не позволяет обеспечить принятие системных мер по внедрению «зеленых» технологий и переходу на «зеленую» экономику.

Согласно Постановлению Президента «Об утверждении Стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 - 2030 годов» в стране реализуются комплексные меры, направленные на углубление структурных преобразований, модернизацию и диверсификацию базовых отраслей экономики и сбалансированное социально-экономическое развитие территорий.

Стратегия перехода Республики Узбекистан к «зеленой» экономике на период 2019-2030 гг. Утверждена Постановлением Президента Республики Узбекистан от 04.10.2019 г. № ПП-4477 [8].

Данный нормативный акт принят в целях обеспечения выполнения обязательств по Парижскому соглашению об изменении климата (Париж, 12 декабря 2015 г.), подписанного Узбекистаном 19 апреля 2017 года, а также реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 -2021 гг [9].

Таким образом, в республике определены основные задачи перехода Республики Узбекистан на «зеленую» экономику:

- повышение энергоэффективности экономики и рациональное потребление природных ресурсов путем технологической модернизации и развития финансовых механизмов;
- включение в приоритетные направления государственных инвестиций и расходов «зеленых» критериев, основанных на передовых международных стандартах;
- содействие в реализации пилотных проектов по направлениям перехода к «зеленой» экономике посредством развития механизмов государственного стимулирования, государственно-частного партнерства и активизации сотрудничества с международными финансовыми институтами;
- развитие системы подготовки и переквалификации кадров, связанной с рынком труда в «зеленой» экономике, за счет стимулирования инвестиционных вложений в образование, укрепления сотрудничества с ведущими зарубежными образовательными учреждениями и научно-исследовательскими центрами;
- принятие мер по смягчению негативного воздействия экологического кризиса в Приаралье;
- укрепление международного сотрудничества в сфере «зеленой» экономики, в том числе путем заключения двусторонних и многосторонних договоров.

Поддержку «зеленых» инвестиций предлагается осуществить в рамках:

- внедрения системы «зеленого» кредитования, венчурного финансирования;

- создания «зеленых» фондов, специальных фондов энергосбережения и других аналогичных механизмов;

- активизации частного сектора в финансировании проектов по переходу к «зеленой» экономике, а также стимулирование банковской системы к «зеленым» инвестициям;

- поддержки устойчивого роста «зеленой» экономики со стороны государства посредством фискальной политики.

Заключение и предложения

В рамках перехода к «зеленой» экономики, предполагается: повысить эффективность ресурсов, усовершенствовать узбекистанскую инфраструктуру и повысить уровень благосостояния населения.

В частности, в результате реализации вышеуказанной Стратегии к 2030 году ожидается:

1. Снижение удельного выброса парниковых газов на единицу валового внутреннего продукта на 10 % от уровня 2010 года;

2. Двукратное повышение показателя энергоэффективности и снижение углеродоемкости валового внутреннего продукта;

3. Дальнейшее развитие возобновляемых источников энергии с доведением их доли до более 25 % от общего объема генерации электрической энергии;

4. Обеспечение доступа к современному, недорогому и надежному энергоснабжению до 100 % населения и отраслей экономики;

5. Модернизация инфраструктуры промышленных предприятий, обеспечение их устойчивости за счет повышения энергоэффективности не менее чем на 20 % и более широкого применения чистых и экологически безопасных технологий и промышленных процессов;

6. Расширение производства и использования моторного топлива и автотранспортных средств с улучшенными характеристиками энергоэффективности и экологичности, а также развитие электрического транспорта;

7. Существенное повышение эффективности водопользования во всех секторах экономики, внедрение технологий капельного орошения на площади до 1 млн гектаров и повышение урожайности до 20 - 40 % возделываемых на них культур;

8. Достижение нейтрального баланса деградации земель;

9. Повышение до 20 - 25 % средней продуктивности производства основных видов продовольственной сельскохозяйственной продукции.

Таким образом, реализация Стратегии будет способствовать улучшению управления в сфере повышения энергоэффективности экономики, рациональному потреблению и сохранению природных ресурсов, сокращению выбросов парниковых газов, обеспечению доступа к «зеленой» энергии, созданию «зеленых» рабочих мест и обеспечению климатоустойчивости.

При этом, в рамках программы развития «зеленой» экономики, как и в любой стране, видится в дальнейшем в инвестиции средств в ключевые сектора экономики, а именно сельское, лесное и жилищно-коммунальное хозяйства, энергетика, рыболовство, промышленность, туризм, транспорт, утилизацию и переработку отходов, а также управление водными ресурсами.

Возврат к старой докризисной модели роста и сохранение ориентации на т.н. «коричневую экономику» несет в себе определенные риски, связанные с нехваткой природных ресурсов, изменением климата, загрязнением природы, сокращение биоразнообразия и усиления экономической нестабильности.

Переход к «зеленой» экономике должен приобрести все большую популярность в Узбекистане и вызвать масштабный интерес.

Таким образом, обговариваемая экономика будет способствовать экономическому прогрессу и обеспечит рост ВВП, увеличению доходов страны, созданию рабочих мест для населения, уменьшая при этом показатель безработицы в стране.

Переход на неё должен снизить риски от глобальных угроз, таких как изменение климата, истощение полезных ископаемых и дефицит водных ресурсов.

Необходимо отметить, что в условиях глобальной нестабильности и внезапно возникшей пандемии становится актуальной проблема выбора эффективного пути дальнейшего развития мировой экономики и непосредственно отдельной страны.

В этих целях, наряду с нормативной базой, необходимо внедрить в сознание нового подрастающего поколения более ответственный подход к вопросу здоровья нации и состоянию окружающей среды, а также сконцентрировать усилия на проработку фискальной системы стимулов для повышения экологичности производств, что в будущем поможет эффективно апробировать «зеленую» экономику и будет способствовать развитию страны с экологически чистой территорией.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Нистюк Ю.А., Чернушевич М.П., Метелица А.М. «Экологический менеджмент на принципах зелёной экономики», Дисс. Белорусский государственный технологический университет, - с 238
2. Гурьева М.А., Наймушина Д.В., «Зеленная экономика в России», теория и практика общественного развития, (2015, №7.)
3. Информационно-аналитический дайджест. Зелёная экономика и международная торговля: на пути к устойчивому развитию. Москва, январь 2020 г. стр. 8
4. Смагулова Ж.Б., Муханова А.Е., Мусаева Г.И. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике: Предпосылки и направления. https://applied-research.ru/ru/article/view?id=6344
5. Смагулова Ж.Б., Муханова А.Е., Мусаева Г.И. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике: Предпосылки и направления. https://applied-research.ru/ru/article/view?id=6344
6. https://en.wikipedia.org/wiki/Hunter_Lovins
7. Смагулова Ж.Б., Муханова А.Е., Мусаева Г.И. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике: Предпосылки и направления. https://applied-research.ru/ru/article/view?id=6344
8. ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН № 4477 от 4.10.2019 г. ОБ УТВЕРЖДЕНИИ СТРАТЕГИИ ПО ПЕРЕХОДУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА «ЗЕЛЕНУЮ» ЭКОНОМИКУ НА ПЕРИОД 2019 - 2030 ГОДОВ
9. https://www.dentons.com/en/insights/alerts/2019/october/30/transition-of-the-republic-of-uzbekistan-to-a-green-economy

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна**
Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси ҳузуридаги
Малака ошириш маркази таянч докторанти
e-mail: fotima-88@mail.ru

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

**For citation:** Mirzayeva Fotima Mirrakhimjonovna. SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE OF VALUE ADDED TAX. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.88-95

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-11

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада қўшилган қиймат солиғининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Статистик кўрсаткичлар асосида қўшилган қиймат солиғининг таъсири таҳлил этилган, бу солиқни йиғилувчанлиги ва тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** қўшилган қиймат солиғи, истеъмолга солиқ, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, электрон ҳисобвараған, солиқ имтиёзи, ялпи ички маҳсулот.

---

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна**
Базовый докторант Центра профессионального
развития при Государственном комитете Республики Узбекистан
e-mail: fotima-88@mail.ru

# СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается роль налога на добавленную стоимость в социально-экономическом развитии страны. На основе статистических показателей анализируется влияние налога на добавленную стоимость, который направлен на совершенствование системы сбора и уплаты налогов.

**Ключевые слова:** налог на добавленную стоимость, потребительский налог, социально-экономическое развитие, электронный учет, налоговый кредит, валовой внутренний продукт.

---

**Mirzayeva Fotima Mirrakhimjonovna**
PhD student of the Center for Professional Development
under the State Committee of the Republic of Uzbekistan
e-mail: fotima-88@mail.ru

## SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE OF VALUE ADDED TAX

**ABSTRACT**

In the article the role of value added tax in the socio-economic development of the country is examined. On the basis of statistical indicators, the impact of value added tax is analyzed, which is aimed at improving the system for collecting and paying taxes.

**Key words:** value added tax, consumption tax, socio-economic development, electronic accounting, tax credit, gross domestic product.

---

**Кириш**

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш ҳамда яширин иқтисодиётнинг улушини камайтиришда солиқ ислоҳотларининг аҳамияти ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

2020 йил 1 январдан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалиётга татбиқ этилди. Бу ислоҳотлардан асосий мақсад – жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.” [1]

Охирги йилларда солиқ тизимда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳитини яратиш орқали миллий маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини ошириш, аҳоли иш билан таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган. Шу маънода, 2019 йилда бюджет даромадлари ва мақсадли фондлар 137 триллион сўмни ёки ЯИМнинг 26,1 фоизини, 2018 йилга солиштирганда 108 триллион сўм ёки ЯИМнинг 26,5 фоизини ташкил этган. Шундай қилиб, иқтисодиётга солиқ юки 0,4 фоизга камайди.

Умумий солиқ тушумларида юқори улушга эга қўшилган қиймат солиғи механизмига ҳам ўзгаришлар киритилди. Маълумки, қўшилган қиймат солиғи моҳиятан истеъмолга солиқ ҳисобланади. У товар нархни шакллантиради, тўлови эса товарнинг охирги истеъмолчиси томонидан амалга оширилади. Шу ўринда, турли даромадга эга инсонларнинг истеъмол қобилиятини аниқлашга имкон беради.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Ромер (1986) [2] ва Лукас (1988) [3] давлат сиёсати ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилиб, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожида даромадга солинадиган солиғлар таъсири каби истеъмолга солиғларнинг таъсири ҳам юқорилигини исботлади. Ребело (1991) [4] ва Песорино (1993) [5] ушбу топилмаларни назарий жиҳатдан динамик моделда тасдиқлашди. Итая (1998) [6] истеъмолга солиқларнинг иқтисодиётининг реал ўсиш йўлига таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилди.

Менчик, Мартин (1982) [7] ва Батина (1987) [8] мерос қолдириш мотивига истеъмол солиғи таъсирини ўрганди. Уларнинг таъкидлашича, истеъмол солиғининг бетарафлиги ҳукумат барча турдаги истеъмолларни, шу жумладан товарларни истеъмол қилиш, мерос қолдириш, инвестициялар ва болалар тарбияси харажатларига муваффақиятли солиқ солиш билан боғлиқ. Агар давлат бу борада муваффақиятсизликка учраган бўлса, унда истеъмол солиғи қўлланилиши соф капитал шаклланишининг пасайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, Матсузаки (2003) [9] пул маблағларига тўймайдиган икки турдаги агентни (бой ва камбағал уй хўжаликлари) қўллайди. Матсузаки (2003) [9] истеъмол солиғини тўлаш камбағал уй хўжаликларининг барча уй хўжаликларидаги нисбати катта бўлганида самарали талабни пасайтиради ёки бу коеффициент кичик бўлганда талабни оширади деб топди. Футагами ва Дои (2004) [10] товарларга солинадиган солиқларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини ўргандилар. Уларнинг моделида товарларга солиқ ставкаларининг ўсиши истеъмол товарларига бўлган талабни пасайтиради ва ишчи кучини товар ишлаб чиқаришдан илмий-тадқиқот ишларига қайта тақсимлайди. Батина ва Иҳори (2000, 10-боб) [11] умумий коммунал функциялар асосида истеъмол қилиш ва тежаш учун истеъмол солиғи нейтрал эмаслигини

исботладилар. Чанг (2006) [12] экзоген ва эндоген моделларда бойлик келтириб чиқарадиган ижтимоий мавқега бўлган истакни ҳисобга олган ҳолда истеъмолга солиқ солишнинг бетарафлигини таҳлил қилди. Унинг фикрига кўра, уй хўжаликлари нафақат келажакдаги истеъмол учун, балки ижтимоий мавқеи учун ҳам капитал тўплайдилар, истеъмол солиғи ставкасининг кутилмаган доимий ўсиши истеъмолга таъсирни камайтиради ва капитал тўпланиши ва иқтисодий ўсишни келтириб чиқаради.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Тошматов, М.Комилов, [13] Т.Маликов, [14] Ф.Шариповлар [15] томонидан қўшилган қиймат солиғининг такомиллаштирилиши, республикада амал қилиш механизми, унинг ижтимоий-иқтисодий таъсири, солиқ юкига таъсири этувчи омиллар, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш масалаларини ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борган.

**Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда истеъмолга солиқлар (ҚҚС, акциз, сотувга солиқ ва б.)нинг умумий солиқ тушумларидаги улуши 2018 йилда ўртача 30,5 фоиз [16] ташкил этди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар, хусусан, АҚШ ва Японияда умумий истеъмолга солиқлар ЯИМнинг 3,8 ва 5,8 фоизни, бошқа мамлакатларда (Чили, Венгрия, Янги Зенландия) ЯИМнинг 30 фоизни ташкил этади. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида истеъмолга солиқлар ЯИМнинг 9,07 фоизни ташкил этди, умумий бюджет тушумларидаги улуши 41,39 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи (VAT) истеъмолга солинадиган солиқлар ичида нисбатан салмоқли ҳиссага эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар ичида қўшилган қиймат солиғи (VAT) 2018 йилда ЯИМ нинг ўртача 7,156 фоиз ҳамда умумий солиқ тушумларининг 21,23фоиз ташкил этди. [18]

Охирги 50 йил ичида дунё миқёсида солиқ солишнинг қўшилган қиймат солиғи механизмидан кўпроқ фойдаланилмоқда (1-расм). 1960 йилларда фақатгина ўнта давлат ҚҚС фойдаланган бўлса, 2019 йилга келиб 140 давлат солиқ солиш тизимида қўлланилади. Шу билан бир қаторда, айрим етакчи давлатларда, хусусан, АҚШ, Канада ва Японияда ушбу солиқ амал қилмайди, унинг ўрнига сотишдан солиқ (sales tax) ундирилади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда жами солиқ солиш бўйича солиқ тушумларининг ўзгариши [17]**

| № | Солиқ ва йиғим тури | миқдори, млрд.сўм | Солиқ ва йиғимларнинг давлат бюджети даромадларига нисбатан улуши, %да | 2018 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи, % да |
|---|---|---|---|---|
| | **ЯИМ** | **511 838,1** | | **105,5** |
| | Давлат бюджети даромадлари | 112 165,4 | 100 | 141,8 |
| 1 | Билвосита солиқлар (истеъмолга солиқлар) | 46 428,50 | 41,39 | 113,4 |
| 2 | Бевосита солиқлар | 31 676,80 | 28,24 | 205,2 |
| 3 | Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи. | 19 680,80 | 17,55 | 155,4 |
| 4 | Қўшимча фойда солиғи | 107,9 | 0,10 | 7,1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5 | Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар | 14 271,40 | 12,72 | 167,5 |

Билвосита солиқ саналувчи ҚҚС истеъмолчи томонидан тўланадиган истеъмолга солиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ҳар бир босқичида тўланади. Жаҳон солиқ солиш амалиёти шуни кўрсатадики, ҚҚС ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатмайди ва корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклининг таъсири йўқ.




**1-расм. Ўз ҳудудида ҚҚС дан фойланувчи мамлакатлар салмоғини 1960-2012 йиллардаги ўзгариши, дона [19]**

Ўзбекистонда ҚҚС илк бор 1992 йилнинг 1 январида жорий қилинган. Қарийб 28 йилдан буён амал қилиб келаётган ҚҚСнинг илк ставкаси 30 фоиз эди. Кейин 20 фоиз этиб белгиланган бўлиб, 2019 йил 1 октябрдан 15 фоизга туширилди. [20]

Ўзбекистонда ҳам ҚҚС ҳар доим солиқ тушумлари ичида энг асосий манба ҳисобланган, биргина 2019 йил учун бюджет даромадларида унинг умумий солиқ тушумлари ичидаги ҳиссаси 35 % (35 993,5 млрд.сўм)ни, жами даромад тушумлари ичида эса 29%ни ташкил этди (2-расм).

Сўнгги ўн йилликларда бюджетга солиқ тушумларининг кўпайиши туфайли ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти ўз ҳудудларида ҚҚСни жорий қилдилар. ҚҚСни қўллайдиган мамлакатлар сонининг кенг географик қамровига қарамай, ушбу солиққа хос бўлган асосий тамойилларни таъкидлаш керак:

Пировард истеъмол тамойили. ҚҚС ундириш механизми (корхоналардан фарқли ўлароқ) истеъмолда қатнашадиган уй хўжаликлари (охирги фойдаланувчилар) истеъмол қилиш функциясига асосланган. Жаҳон солиққа тортиш амалиётида қуйидаги хулосага келинган: "... компаниялар капитал қўйилмаларни, товарларни, материалларни ва бошқаларни сотиб олишади, фойдаланадилар, лекин уларни том маънода истеъмол қилмайдилар", [22] яъни ҚҚС моҳиятан амалга оширилган операциялар бўйича солиқ бўлиб, занжирли кўринишда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ҳисоблансада, якуний истеъмолчи томонидан тўланади.




**2-расм. 2019 йилдаги жами тушумда солиқ турларининг улуши [21]**

Кўп босқичли қурилиш тамойили. Солиқ ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ва олинган қўшимча қиймат бўйича тақсимланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси солиқ мажбуриятларини шакллантириш механизмида иштирок этади. Шундай қилиб, компаниялар учун ҚҚС уларнинг фаолияти натижалари қийматидан олинади ва уларнинг контрагентлари учун сотиб олиш харажатларидан солиқ имтиёзини олиш ёки солиқ органларидан қайтариб олиш ҳуқуқи таъминланади. Бу чакана савдо солиғи билан солиштирганда ҚҚСни ҳисоблаш тартибидаги конструктив фарқ бўлиб, у бир босқичли солиқ ҳисобланади ва фақат товарларни (ишларни, хизматларни) якуний сотишда олинади.

Жаҳон амалиётида ҚҚС солиқ базасини ҳисоблашнинг тўғрилигини назорат қилиш имконини берадиган иккита асосий усулдан фойдаланилади.

Кредит ёки ҳисобварақ-фактуралар усули (transaction based)да харидорга ҳар бир етказиб бериш учун ҳисобланган солиқ миқдорини кўрсатган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш орқали солиқ миқдори аниқланади. Бюджетга тўланадиган $T_{ҚҚС}$ солиқ суммаси формулага мувофиқ қўшимча қиймат билан (солиқ мажбурияти солиқ имтиёзи, чегирма миқдорини олиб ташлаган ҳолда) ҳисобланади: [23]

$$T_{ҚҚС} = S_{ҚҚС}(PQ) - S_{ҚҚС}M$$

Бу ерда:

$S_{ҚҚС}$ - қўшилган қиймат;

PQ - етказиб бериш ҳажми (келишилган нархда);

M - ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган моддий харажатларнинг қиймати (сотиб олиш).

Ҳисоб-китоб қилишда кредит ёки ҳисобварақ-фактуралар усул қоидаларига асосан сотувчи (ҚҚС тўловчиси) солиқ мажбуриятларини бажариш, яъни маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) жўнатилган ёки пул маблағлари тўлов сифатида қабул қилинган вақтида белгиланади. Солиқ имтиёзига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш пайтида етказиб берувчиларга ҳисобланган ёки тўланган ҚҚС суммаси киради. Ижобий қолдиқ бўлса, ҚҚС бюджетга тўланади ёки солиқни қайтариш ҳуқуқи берилади (баланс салбий бўлса). Иқтисодий беқарорлик шароитида ушбу усулдан фойдаланиш солиқ юкининг ошиши билан боғлиқ микро даражада кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради, айланма маблағларнинг "ювилишига" олиб келади ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт мамлакатларида ҚҚС ҳисобварақ-фактура усули солиқ тўловчиларни солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олувчи оммабоп назорат усули ҳисобланади.

Чегириш усули (entity based) қўшилган қийматни аниқлаш асосида ҳисобланади, яъни товар айланмасидаги солиқ мажбурияти етказиб берувчиларнинг ишлаб чиқариш ёки истеъмоли учун тўлаган ҚҚС суммасини чегириб ташлаш орқали ҳисобланади:

$$T_{ҚҚС} = S_{ҚҚС}(PQ - M)$$

Қўшилган қиймат $S_{ҚҚС}$ (солиқ базаси) товарларнинг қиймати (сотишдан тушган маблағ) ва уни ишлаб чиқариш (сотиб олиш) билан боғлиқ моддий харажатлар қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Ушбу усул кўпроқ фақат Японияда қўлланилади.

Мамлакатимизга ўхшаш жаҳон мамлакатлари солиқ тизимининг ҚҚС самарадорлиги ва йиғилувчанлиги бўйича солиштирилганда Ўзбекистон энг қуйи даражалардан бирида эди. Бир-бирига боғлиқ бўлган қатор омиллар сабабли ҚҚС самарадорлиги паст эди. Тор доирадаги солиқ базаси, солиқ имтиёзларининг кенг қўлланилиши, даромадларни бошқаришдаги камчиликлар, солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини норасмий иқтисодий фаолият орқали паст даражада бажариши ва даромадларнинг камайтириб кўрсатилиши мавжуд салоҳиятга қараганда солиқ даромадларининг кўп йўқотилишига олиб келарди.

2018 йилда халқаро экспертлар Ўзбекистон солиқ тизими самарадорлигига берган баҳога кўра, салмоқли айланмаларга эга бўлган кўплаб компаниялар ягона солиқ тўлови тўлаб, ҚҚС режимида бўлмаган. Шу муносабат билан қуйидаги тавсиялар берилган:

ҚҚС тўловчиларининг умумий базасини кенгайтириш мақсадида ягона солиқ тўлови учун айланмаларга асосланган чегарани жорий этиш;

ресурслар харид қилинаётганидаги ҚҚС суммасини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш (узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш ҳуқуқини бериш, ресурслар харид қилинганда юзага келадиган барча ортиқча ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаларини (манфий ҚҚС суммасини) қайтариш). [24]

Халқаро амалиётга кўра, солиқ имтиёзлари оммалашган сиёсий дастаклардан бири бўлиб, аммо иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан муаммоли ҳисобланади. Имтиёзлар асосида солиқ тўловчилар қўллаб-қувватланади. Лекин давлат “камроқ” харажат қилишига тўғри келади, чунки солиқдаги имтиёзлар даромадлар тушиб кетишига олиб келади.

Солиқ имтиёзлари муайян хатти-ҳаракатларнинг ўрнини қоплашга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, улар оддий субсидияларнинг иқтисодий натижаларидан фарқ қилмайди. Лекин кўп сонли имтиёзлар ва солиқ солишнинг умумий режимидан истиснолар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдиган иқтисодий фаолият қатнашчиларига нисбатан адолатлилик принципини бузади. Ҳар қандай солиқ имтиёзлари харажатларнинг мутаносиб равишда қисқаришини ёки натижада бошқа биров томонидан олиниши керак бўлган солиқларнинг кўпайишини англатади. Соғлом рақобат муҳитини бузилишига олиб келади. Умуман олганда, уларни кўпинча иқтисодиёт учун ноқулайлик олиб келади дейиш мумкин.

Солиқ имтиёзлари, тизимли даражада фойдали бўлиши мумкин, аммо ҚҚС бўйича эмас. Иқтисодий самарасиз субсидияларни йўқ қилиш мақсадида барча маҳсулот ва хизматлар учун ҚҚСни ягона ставкада стандартлаштиришни тавсия қилинади. Бу корхоналар ва маъмурият учун маъмурий юкларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилга солиқ ислоҳотлари, хусусан, солиқ ставкаларининг пасайиши ва ягоналашиши, имтиёзларнинг бекор қилиниши, шунингдек рақамли иқтисодиётни ривожланиши негизида электрон ҳисобварақ-фактуралар ҳамда тўловчилар ҳисобга оладиган суммаларни таҳлил қилиш кўринишидаги солиқ маъмуриятчилигининг такомиллашиши солиқ тўловчилар сонининг кўпайишига, натижада солиқ тушуминнинг ортишига сабаб бўлади.

2019 йил якунлари бўйича ҚҚСнинг самарадорлик кўрсаткичи ҳисоб-китобга кўра 0,35 ни ташкил этди, 2020 йилда эса 0,45 миқдорида бўлиши кутилмоқда (2020 йилда С-самарадорлик кўрсаткичи 0,6 даражада бўлиши кутилмоқда). [25] Давлат солиқ қўмитасида ҚҚС тўловчиси сифатида 2020 йил декабрь ойи ҳолатига 102 537 та субъект рўйхатга олинган, бу кўрсаткич 2019 йил 1 декабрь ҳолатига 82 405 ни ташкил этган эди (3-расм).




**3-расм. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сонининг ўзгариши динамикаси, дона [26]**

Вазирлар Маҳкамасининг “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш тўғрисида”ги (2020 йил 14 август. 489-сон) қарорига мувофиқ ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш)нинг янги шартлари ва тартиби белгиланди.

Агар солиқ даври охирида ҚҚС бўйича бюджетга тўлаш учун ҳисобга олинган солиқ суммаси ҳисобланган солиқ суммасидан кўп бўлса, унда ҚҚСни қоплаш (қайтариш) билан боғлиқ вазият юзага келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, солиқ тўловчи ортиқча тўлаган ёки ундан ортиқча ундириб олинган қўшилган қиймат солиғи маблағларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Айтиш жоизки, истеъмолга солиқларнинг фискал вазифаси, яъни давлат фаолиятини амалга ошириш учун бюджетга зарур молиявий ресурсларнинг барқарор тушишидан кўра, бозорни тартибга солиш вазифаси долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Бунда солиқ ставкаларини белгиланиши орқали нарх шаклланиши ва истеъмол жараёнига таъсир кўрсатилади.

**Хулоса ва таклифлар**

Қўшилган қиймат солиғи йиғилувчанлигини янада ошириш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришда ҚҚС электрон ҳисобвароғи қулай механизмини жорий этиш асосий аҳамият касб этади. Бундай ҳисобварақларни жорий қилиш орқали солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасида солиқ ҳисоб-китобларини амалга ошириш шаффофлашади. Давлат тўлақонли солиқ назоратини амалга ошириши мумкин. Корхоналар, давлат ташкилотлари ўртасида ортиқча оворагарчиликлар ҳамда вақт бўйича йўқотишларни ҳам олдини олинади.

ҚҚСни қўллашда илғор тажрибага эга бўлган IT-технологиялар ва махсус дастурий маҳсулотларни жорий этиш зарур. Бу эса “ҚҚС фарқини” 0,5 фоизга камайтиради (Европа давлатларида бу кўрсаткич 10 фоизгача).

Онлайн тижорат ва онлайн-сотувларнинг ривожланиши билан Қўшма Штатларда солиқ солинадиган объектлар (хусусан, рақамли маҳсулотлар соҳасида) бўйича ягона савдо тўловини белгилашга қаратилган солиқ шартномасини жорий этиш орқали солиқни назорат қилиш тартибини сезиларли даражада кучайтирди.

Шундай қилиб, ҚҚС йиғишининг бюджет самарадорлигига эришиш қонунда белгиланган солиқ ставкалари даражасига ва солиқ солиш объекти кенгайишига эмас, балки қўшилган қийматни ҳисоблашнинг қўлланиладиган усулларига боғлиқ. Шунинг учун солиқ базасини аниқлашда қўшилган қийматнинг иқтисодий моҳиятига асосланадиган ёндашувлардан фойдаланиш муҳимдир. Замонавий шароитларда қўшилган қийматни аниқлаш ва солиққа тортишнинг қулай механизмини жорий этиш нархининг кўтарилишини олдини олади, натижада мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширади.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Мирзиёев.Ш.М., Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш, http://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-yagona-jolimiz-tadbirkorlar-sonini-kopajtirish-odamlarni-ishbilarmon-qilish
2. Romer PM (1986) Increasing returns and long-run growth. J Polit Econ 104:531-556
3. Lucas RE (1988) On the mechanics of economic development. J Monet Econ 22:3-42
4. Rebelo S (1991) Long-run policy analysis and long-run growth. J Polit Econ 99:500-521
5. Pecorino P (1993) Tax structure and growth in a model with human capital. J Public Econ 52:251-271
6. Itaya J (1998) Money, neutrality of consumption taxes, and growth in intertemporal optimizing models. Jpn Econ Rev 49:395-411
7. Menchik PL, Martin D (1982) The incidence of a lifetime consumption tax. Natl Tax J 35:189-203
8. Batina RG, Ihori T (2000) Consumption tax policy and the taxation of capital income. Oxford University Press, New York

9. Matsuzaki D (2003) The effects of a consumption tax on effective demand under stagnation. Jpn Econ Rev 54:101-118
10. Futagami K, Doi J (2004) Commodity taxation and economic growth. Jpn Econ Rev 55:46-55
11. Batina RG, Ihori T (2000) Consumption tax policy and the taxation of capital income. Oxford University Press, New York
12. Chang W (2006) Relative wealth, consumption taxation, and economic growth. J Econ 88:103-129
13. Тошматов Ш.А., Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи, Тошкент. Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2004.-Б.22.
14. Маликов Т.С. Солиқ юкини оғирлигини кескин камайтириш керакми?- Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.-Б.31.
15. Шарипов Ф. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи савдонинг ўрни ва аҳамияти. Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2018. – Б.123.
16. https://stats.oecd.org/index.aspx?R=821552&errocode=403&
17. https://obdadminka.openbudget.uz/uploads/1/hott9rb7WlEvSSVDmmli.pdf - Ўзбекистон Республикаси "Очиқ бюджет" портали маълумотлари
18. https://stats.oecd.org/Index.aspx?Datasetcode=SNA_TABLE1#
19. Равиль Габдуллаевич АХМАДЕЕВ, Михаил Евгеньевич Косов, Налоги на конечное потребление в странах ОЭСР и России, ФИНАНСЫ и КРЕДИТ, 2015
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26-сентябрдаги"Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги пф-5837-сонли фармони, https://lex.uz/docs/4529995
21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари
22. The Oxford Handbook of State and Local Government Finance //Oxford University Press. USA.
23. Равиль Габдуллаевич АХМАДЕЕВ, Михаил Евгеньевич Косов, Налоги на конечное потребление в странах ОЭСР и России, ФИНАНСЫ и КРЕДИТ, 2015
24. https://www.mf.uz/media/file_uz/tax/obzori_uz/2019uz.pdf
25. https://www.mf.uz/media/file_uz/tax/obzori_uz/2019uz.pdf
26. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Бўрибоев Эркинжон Норбой ўғли**
Гулистон давлат университети доценти,
**Абдувохидов Акмал Абдулазизович**
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

## ТАШҚИ ҚАРЗ МУАММОСИ: ТАҲДИД ВА ИМКОНИЯТЛАР

**For citation:** Buribaev Erkinjon Norboy ogli& Abduvokhidov Akmal Abdulazizovich. SOCIO-EXTERNAL DEBT PROBLEM: THREATS AND OPPORTUNITIES. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.96-106

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-12**

**АННОТАЦИЯ**

Бугунги кунда ташқи қарз муаммоси барчани бирдек қизиқтирмоқда. Кимдир Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган ташқи қарзидан хавотир билдирса, яна кимдир бу ҳолатни глобаллашувнинг ўзига хос жиҳати сифатида баҳоламоқда. Ташқи қарз борасидаги гап-сўзлар Хитой ва Қирғизистон ўртасидаги қарз борасидаги муносабатларнинг чигаллашуви натижасида янад авж олди. Ҳақиқатдан ҳам, ташқи қарз муаммосига ўз вақтида ечим топилмаса мамлакатлар қийин аҳволга тушиб қолишлари ва қарзларни табиий ресурслар ва ҳудудлар билан тўлашларига тўғри келади. Умуман олганда ташқи қарз ҳақида гапирар эканмиз, бир ҳаётий ҳақиқатни англаб етишимиз лозим. Агар жалб қилинаётган ташқи қарзлар жорий истеъмол учун сарфланса, бу жараёнларда коррупция унсурлари аралашса, келгусида бу жиддий иқтисодий муаммога айланиши аниқдир.

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, глобаллашув, давлат қарзи, ташқи қарз, ички қарз, қарз тузоғи, давлат қарзини бошқариш стратегияси.

---

**Бурибоев Эркинжон Норбой угли**
доцент Гулистанского
государственного университета,
**Абдувохидов Акмал Абдулазизович**
старший преподаватель Гулистанского
государственного университета

## ПРОБЛЕМА ВНЕШНЕЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ: УГРОЗЫ И ВОЗМОЖНОСТИ

**АННОТАЦИЯ**

Сегодня проблема внешнего долга представляет одинаковый интерес для всех. Кого-то беспокоит растущий внешний долг Узбекистана, кто-то оценивает эту ситуацию как особенность мировой экономики. Слухи о внешнем долге обострились в результате напряженных отношений между Китаем и Кыргызстаном по долгу. Действительно, странам

придется столкнуться с трудной ситуацией и расплачиваться по долгам природными ресурсами и территориями, если не будет своевременного решения проблемы внешнего долга. Вообще, когда мы говорим о внешнем долге, нам нужно понять один жизненно важный факт. Если задействованный внешний долг расходуется на текущее потребление, а коррупция в этих процессах смешивается, то ясно, что в будущем это станет серьезной экономической проблемой.

**Ключевые слова:** национальная экономика, глобализация, государственный долг, внешний долг, внутренний долг, долговая ловушка, стратегия управления государственным долгом.

---

**Buribaev Erkinjon Norboy ogli**
associate Professor Gulistan
state University,
**Abduvokhidov Akmal Abdulazizovich**
senior lecturer of
Gulistan state University

## EXTERNAL DEBT PROBLEM: THREATS AND OPPORTUNITIES

**ABSTRACT**

Today, the problem of external debt is of equal interest to everyone. Some are concerned about the growing external debt of Uzbekistan, while others view this situation as a feature of the world economy. Rumors of foreign debt have escalated as a result of strained relations between China and Kyrgyzstan over debt. Indeed, countries will have to face a difficult situation and pay off their debts with natural resources and territories if there is no timely solution to the external debt problem. In General, when we talk about external debt, we need to understand one vital fact. If the attracted external debt is spent on current consumption, and corruption in these processes is mixed, it is clear that this will become a serious economic problem in the future.

**Keywords:** national economy, globalization, public debt, external debt, internal debt, debt trap, public debt management strategy.

---

**Кириш**

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденцияларидан бири сифатида глобаллашув жараёнлари майдонга чиқмоқда ва муттасил тезлашиб бормоқда. Жаҳон хўжалигининг глобал-лашуви миллий иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг ўзига хос имкониятидир. Глобаллашув миллий иқтисодиёт учун қатор ижобий имкониятларни тақдим этиши билан бир қаторда, у мамлакат иқтисодий хавфсизлигига путур етказувчи таҳдид манбаига ҳам айланиши мумкин. Ўзбекистоннинг замонавий жаҳон иқтисодиётига изчил интеграциялашуви жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг миллий иқтисодиётга таъсирини ҳисобга олиш зарурлигини назарда тутади. Сўнгги йилларда ташқи қарз муаммоси глобал тавсифга эга бўлиб бормоқда. Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсата олиш қобилияти мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликнинг асосий омилларидан биридир. Қарз муаммосини ҳал этишнинг табиати мамлакат бюджет салоҳиятига, валюта захираларининг ҳолатига ва шунингдек, миллий валютанинг барқарорлигига, фоиз ставкалари даражасига, инвестиция муҳитига ва ички молия бозори барча сегментларининг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ. Шу билан бирга, ташқи молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича изчил давлат сиёсатининг йўқлиги ташқи қарзнинг ошишига олиб келади ва бу иқтисодий ўзгаришларга жиддий тўсиқ бўлади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**

Иқтисодий адабиётларда давлат қарзи борасида турлича қарашлар мавжуд бунга асосий сабаб бўлиб, иқтисодий моделлар ва жамиятда юз бераётган жараёнларнинг турли-туманлиги бўлиб ҳисобланади. Классик иқтисодий мактаб вакиллари, хусусан Д. Рикардо

таълимоти бўйича давлат қарзи “иқтисодиётнинг энг оғриқли нуқтаси” ҳисобланган, уларнинг фикрича давлат қарзи иқтисодиётда турли хил салбий оқибатларни келтириб чиқарган [1]. Иқтисодий қараш ва жараёнларнинг ривожланиши асносида давлат қарзига бўлган муносабат ҳам ўзгара борди. Хусусан, кейнс мактаби вакиллари давлат қарзини иқтисодий рағбатлантириш воситаси сифатида талқин қила бошладилар[2].

Бу борада, рус олимларидан А.Колесов молиявий сиёсатнинг натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашда бюджет сиёсатининг молиявий барқарорлиги муҳим эканлигини исботлаб берган. Иқтисодий барқарор-ликнинг элементи сифатида бюджет барқарорлиги унинг мустақиллиги ва белгиланган мақсадларга эришиши билан изоҳланади [3]. Рус олимларидан В.Шпрингель ўзининг тадқиқотида давлат қарзи ва миллий валюта барқарорлиги борасидаги илмий хулосаларини баён этади. Унга кўра, инқирозни юзага келтиришда давлат ва корпоратив қарзлар ўзига хос роль ўйнайди. Узоқ муддатли бюджет дефицитининг ошишининг сабаби давлат харажатлари бўлиши номутаносиб молия тизимини вужудга келишига олиб келади. Мазкур дефицитни давлат қарзлари ҳисобига қопланиши миллий валюта реал курсини ошишига таъсир этади. Шу боисдан, миллий валюта бозорини ҳисоя қилиш учун фоиз ставкасини кўтариш учун давлат қарзининг кичик бўлиши, қарз муддати узоқ ва иқтисодиётдаги монетизация коэффициенти катта бўлиши талаб этилади [4].

Давлат қарзи ва уни бошқариш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.В. Ваҳобов, Ҳ.П. Абулқосимов, А.М. Омонов, Т.С. Маликов, Н.Ҳ. Ҳайдаров кабилар томонидан кенг ўрганилган. Шу билан бир қаторда, Д. Азимованинг “Давлат қарзининг шакллари ва уни бошқаришнинг илмий-услубий асослари” номли илмий мақоласида ҳам ташқи қарзларни бошқариш услубиётини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклифлар илгари сурилган [5].

**Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистоннинг ташқи ва ички бозорлардаги давлат ҳомийлигидаги кредитлари бўйича қарзи 2020 йилнинг биринчи ярмида 10 фоизга ошиб, хорижий валюта эквивалентида $19,4 млрд. га ёки ЯИМнинг 34 фоизига етди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи ҳисобот даврида 10,5 фоизга ошиб, 17,3 млрд. долларга ёки ЯИМнинг 30,3 фоизига, шундан 11,6 млрд. доллари ҳукумат томонидан жалб қилинган қарз, 5,7 млрд. доллари эса ҳукумат томонидан кафолатланган қарздир.

Ички давлат қарзи 6,2 фоизга ошиб, 21,6 трлн.сўмни (2,1 млрд. доллар) ёки ЯИМнинг 3,7 фоизини ташкил этди, шундан 4,3 трлн. сўм (0,4 млрд. доллар) ҳукумат номидан жалб қилинган қарз бўлиб, 7,3 трлн. сўм (1,7 млрд. доллар ) давлат томонидан кафолатланган қарздир.

Ўзбекистоннинг 2020 йил 1 июлдаги ташқи қарзи таркиби қуйидагича:

- Осиё тараққиёт банки- $ 3,9 млрд.
- Жаҳон Банки – $3 млрд.
- Хитой експорт-import банки - $2 млрд.
- Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги-1,7 млрд. доллар.
- Хитой давлат тараққиёт банки - $ 1,3 млрд.
- Халқаро инвесторлар – $1 миллиард
- Ислом тараққиёт банки- $ 0,8 млрд.
- Бошқа халқаро молия институтлари – $3,2 млрд.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон 261,4 млн. доллар қарз ва 203,7 млн. доллар кредитлар бўйича фоиз тўлаган.

**Расм 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат қарзи динамикаси**

(млрд. АҚШ доллари)




**Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари.**

Ўз навбатида, келгуси йилларда ҳам муайян ички ва ташқи омиллар, шу жумладан, иқтисодиётни кредитлаш, ташқи қарзларнинг жалб қилиниши, трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг ва жаҳон бозорида биржа товарлари конъюнктурасидаги ўзгаришлар ҳамда асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодий ўсиш динамикаси таъсирида Ўзбекистоннинг тўлов баланси манфий сальдосининг ЯИМга нисбатан 5-7 фоиз атрофида сақланиб қолиши кутилмоқда. Хусусан, 2021 йил давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳасида келгуси йилда давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улушини 60 % чегарасида белгилаш кўзда тутилган.

Давлат қарзи концепцияси билан давлат бюджети концепцияси ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. уларнинг биринчиси, давлат қарзини таҳлил қилишнинг асосий воситалари бўлган бир қатор бюджет тушунчаларидан фойдаланади. Бюджет тақчиллиги давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетишини англатади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги аксарият ҳукуматлар харажатларни даромад билан қоплай олмайдилар ва пировардида давлат бюджетида камомаднинг вужудга келишига сабабчи бўладилар. Шу сабабли ҳам давлат бюджетини шакллантиришда ҳукумат мамлакат учун давлат қарзининг мақбул миқдорини назарда тутиши керак. Қисқа ва узоқ муддатда бюджет тақчиллигининг ички иқтисодиётга таъсирини ҳамда бюджет тақчиллигини молиялаштириш йўлларини ҳисобга олиш шарт.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар учун давлат ташқи қарзининг доимий равишда ошиб бориши билан боғлиқ муаммолар бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш борасида молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларига мурожаат қилишга сабаб бўлмоқда. Мазкур мамлакатларда соғлом иқтисодий сиёсатнинг йўқлиги ижтимоий молиявий мажбуриятларнинг ҳаддан ташқари юқори даражасига олиб келади.

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикаси ялпи ташқи қарзнинг тузилмаси ва ўзгариши**

| Иқтисодиёт сектори | Муайян санага қарздорлик | Улуши | 2020 йилнинг 1-чорагида ўзгариш |
|---|---|---|---|

| | **01.01.2019 й.** | **01.01.2020 й.** | **01.04.2020 й.** | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **17295,0** | **24368,5** | **25060,7** | **100%** | **692,3** |
| Давлат ташқи қарзи | 10086,4 | 15786,0 | 16171,3 | 65% | 385,3 |
| Шундан: Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигациялари | - | 1107,0 | 1000,0 | 4% | -107,0 |
| Соф ташқи қарз | 7208,6 | 8582,4 | 8889,4 | 35% | 307,0 |
| Шундан: она компаниялардан | 687,8 | 815,7 | 838,2 | 3% | 22,5 |
| **Хусусий ташқи қарзда секторларнинг улуши** | | | | | |
| Нефтегаз ва энергетика сектори | 5386,5 | 4705,3 | 4625,7 | 52% | -79,6 |
| Банк сектори | 978,2 | 2849,7 | 3173,6 | 36% | 323,9 |
| Шундан:тижорат банкларининг халқаро облигациялари | - | 307,4 | 280,5 | 3% | -26,8 |
| Телекоммуникация сектори | 248,2 | 223,9 | 212,4 | 2% | -11,6 |
| Текстил сектори | 132,2 | 170,4 | 195,3 | 2% | 24,8 |
| Бошқа секторлар | 463,4 | 633,1 | 682,5 | 8% | 49,4 |
| | | | | | |

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари.**

Давлат қарзлари бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларига мурожаат қилиниши асносида ўсиб боради. Муаммо шундаки, мамлакатлар аввалги мажбуриятларини тўлаш билан бир вақтда янги қарз мажбуриятларини ҳам ўз зиммаларига оладилар.

Аксарият ҳолатларда мамлакатларнинг аввалги қарзларни тўлаш мақсадида янгидан қарз олишга мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмайди. Қарз инқирози қарздор мамлакат иқтисодиётининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, иқтисодий ўсишнинг пастлиги ва давлат бюджети ҳолатининг кескинлашуви оқибатида юзага келади.

Давлат қарзи ҳисобига ҳозирги кунда ичимлик суви билан таъминлаш ва сув таъминотини яхшилаш бўйича 39 лойиҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида 30 лойиҳа, уй-жой қурилиши соҳасида 7 лойиҳа ва бошқалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Президентнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтларининг 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган маблағ-ларини жалб қилиш кўзда тутилган. Қуйида қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган бир қатор йирик лойиҳаларни келтириб ўтамиз:

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда қарз маблағларини жалб қилиш эвазига амалга оширилаётган лойиҳалар**

| **Лойиҳалар** | **Лойиҳани амалга ошириш муддати** | **Ўзлаштирил а-диган маблағ ( млн. АҚШ долларида)** | **Лойиҳани амалга ошириш нима беради?** |
|---|---|---|---|
| Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш | 2016–2020 | 1 063,9 | Унда 1,52 миллион тонна ёқилғи ишлаб чиқарилади ва |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | 1300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. |
| Тахиатош, Навоий ва Тўрақўрғон иссиқлик електр станцияларини қуриш ва модернизация қилиш | 2015–2020 | 406,8 | Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийсида электр энергияси таъминоти барқарорлашади. |
| Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида сув таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш | 2017–2021 | 5,7 | 58 та қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи 265 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, ичимлик суви қамрови 60 дан 92% гача оширилади. |
| Жиззах шаҳар канализация тизимини ривожлантириш | 2016–2020 | 14,4 | Шаҳарнинг 77,2 минг аҳолиси марказлаштирилган канализация хизматларидан фойдланиш имкониятига эга бўлади ва шаҳарнинг санитария-эпидемиологик ҳолати яхшиланади. |
| Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш | 2017–2022 | 3,0 | Таълим сифатини ошириш ва олий ўқув юртларини лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш кўзда тутилган. |
| А-380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнау автойўлининг 228-315 км. участкасида 87 километр йўлни реконструкция қилиш | 2016–2020 | 0,2 | 87 километр автомобил йўли қурилади |
| Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши лойиҳаси | 2017–2020 | 79,2 | 2606 та янги уйлар қурилади |
| Самарқанд шаҳрида қаттиқ чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилиш | 2017–2021 | 1,4 | Йилига 360 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш мумкин бўлади. |

**Манба: интернет маълумотлари асосида тузилди.**

Ҳозирги кунда иқтисодиётда мамлакатларнинг “қарз кўтариш ва қарзни узиш” муаммосига бағишланган назарий йўналиш шаклланди. Қарз олувчи давлатнинг келажакда қарзни тўлиқ тўлай олмаслиги борасидаги кредитор-ларнинг ҳадиксирашлари мазкур йўналишнинг моҳиятини ташкил қилади. Шу билан бирга кредиторларнинг шахсий ва жамоавий манфаатлари ўртасида муайян зиддият мавжуд бўлиб, у қарз олувчининг янги кредитлар олишига янада тўсқинлик қилиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ташқи иқтисодий қарзни келтириб чиқаради, мазкур қарз ўз навбатида давлатнинг мамлакат норезидентлари олдида йиғилиб қолган қарз йиғиндисини ифода этади. Ташқи иқтисодий қарз ўз ичига:

1) мамлакатнинг халқаро молиявий ташкилотларга ташқи иқтисодий қарзи;
2) мамлакатнинг бошқа молия институтларига ташқи иқтисодий қарзи;
3) хусусий кредиторлар олдидаги ташқи иқтисодий қарз.

Давлат ташқи қарзининг беқарор иқтисодий тизимга эга бўлган мамлакат ЯИМига таъсирини аниқлаш жуда мушкул. Бундай мамлакатлар қаторига аксарият МДҲ давлатларини киритишимиз мумкин. Таъсирни аниқлашдаги қийинчилик қарзга боғлиқ бўлмаган муаммолардан келиб чиқадиган тез-тез юз берувчи иқтисодий инқироз ва пасайишлар билан узвий боғлиқ. Ташқи қарз ушбу мамлакатлардаги бундай иқтисодий зиддиятларнинг асосий сабаби сифатида кўрилади.

Албатта, давлатнинг ташқи қарзлари маълум даражада иқтисодий ривожланишга хизмат қилувчи ресурсларни кўпайтиришга хизмат қилсада, шу билан бир қаторда, ўз навбатида уларга хизмат кўрсатиш (асосий қарз ва фоизларни тўлаш) муаммосини ҳам юзага чиқаради. Халқаро кредитнинг пул-кредит ва молиявий шарт-шароитларини аниқлаштиришда қарз берувчи қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик (қарз олувчининг кредит олиш қобилияти) ва тўлов қобилияти (қарз олувчининг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олиш қобилияти) дан келиб чиқиб иш тутади.

Келгусидаги тўловга қобиллик инқирозининг белгиси бўлиб, давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш борасидаги тўлов жадвалининг бузилиши ҳисобланади.

Халқаро қарздорлик инқирози-мамлакат ўзининг ташқи мажбурият-ларини тўлай олмаслигини эълон қилиши ёки давлат ўз ташқи қарзи суммасини бекор қилиши ҳолатида вужудга келади.

Мамлакатдаги реал иқтисодий ҳолатни баҳолаш учун нисбий қиймат кўрсаткичлардан, хусусан, давлат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатидан фойдаланилади. Давлат қарзининг ЯИМга нисбатан миқдори мамлакат иқтисодиётининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Давлат қарзини шакллантириш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича молиявий муносабатлар давлат молияси, мамлакатнинг инвестицион муҳити, истеъмол тузилиши, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг бошқа кўплаб унсурларига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Давлат қарзлари мамлакатнинг келгусидаги тараққиётида кўп қиррали рол ўйнайди. У мамлакат ичида кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ижобий ва салбий таъсир кўрсатади.

Давлат ташқи қарзининг миқдори қанчалик катта бўлса, унинг миллий иқтисодиётга, молия соҳасига таъсири ва мамлакатнинг кейинги иқтисодий ривожланиши шунчалик оғир кечади. Давлат ташқи қарзининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ҳисобга олиб, давлат ташқи қарзининг ҳаддан ташқари ўсиши давлат бюджети ва мамлакатнинг халқаро кредитга лаёқатлилиги учун хавфли эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Қарздан самарали фойдаланиш иқтисодий тебранишлар силлиқлаш ва қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида кучли таъсир кўрсатиши мумкин, Мамлакатнинг халқаро капитал бозоридаги барқарор мавқеи ва қарз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади ва янада қулай шартларда қўшимча инвестиция киритилишини таъминлайди. Бундан ташқари, унинг валютасига бўлган ишонч ортади, шу билан бирга ташқи савдо алоқалари мустаҳкамланади. Бироқ ташқи қарз инқирози нафақат иқтисодий, балки сиёсий тавсифдаги жиддий салбий омилга айланиши ҳам мумкин. Давлат қарзига хизмат кўрсатишга катта миқдорда давлат бюджет маблағлари ажратилиб, бу миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва шунингдек, ижтимоий эҳтиёжларга сарф-харажатларни камайтиришни тақозо этади, бу эса пировардида аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади [5].

Давлат қарзи -бу иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг кўпгина унсурларига, хусусан, давлат бюджети, пул-кредит ва валюта тизимларига, инфляция даражасига, ички ва ташқи жамғармаларга ва хорижий инвестицияларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш сиёсати йўналишининг кескин ўзгариши қарзнинг кўпайиши, инфляция даражасининг ошиши, миллий валютанинг конвертация лаёқатининг пасайиши ва пировардида мамлакат обрўсининг ўз аҳолиси кўз ўнгида барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Давлат қарзининг миллий иқтисодиётга салбий таъсирини кўриб чиқамиз:

1. Давлат қарзлари бозори ҳаддан ташқари ривожланган тақдирда ҳукумат миллий иқтисодиётга инвестицияларни чеклашга мажбур бўлади. Бунда давлат иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилиши мумкин бўлган молиявий ресурсларининг муайян бир қисмидан воз кечиб қарз маблағларига хизмат кўрсатишга мажбур бўлади. Давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик даражасининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши ҳам, давлат қарзининг иқтисодиётга салбий таъсирини оширади.

2. Давлатнинг кредит операцияларига ҳаддан ташқари берилиб кетиши мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларига йўналтири-лиши мумкин бўлган бюджет маблағларининг қарз тўловларига йўналтирилишига олиб келади.

3. Давлатнинг ташқи қарз олишга муккасидан кетиши ички молиянинг халқаро молияга ҳаддан зиёд қарамлигига ва келгусида давлатнинг ўз сиёсий мустақиллигини йўқотишига олиб келади.

4. Давлат қарзлари орқали жалб қилинган маблағлар солиқлар тушумидан олдин олинганлиги ва улар ҳали бирор-бир қиймат яратмаганлиги боис, олинган қарз маблағларини фоиз тўловлари билан бирга қайтариш талаб этилади.

Давлат қарзининг миллий иқтисодиётга таъсирининг ижобий томонлари қуйидагича:

1. Мамлакат учун асосий навф- бу мамлакат бюджетига қарз пул маблағларини жалб қилиш ва қарзнинг нисбий миқдорини сақлаб қолиш имкониятидир.

2. Бюджет сальдоси миқдори ва реал ЯИМ ҳажми давлат қарзлари динамикасини белгиловчи энг муҳим омиллар ҳисобланади. Бюджет тақчиллиги давлат қарзининг ошишига олиб келади, бюджет ортиқчалиги эса қарзни қайтариш имконини беради. Доимий иқтисодий ўсиш шароитида давлат қарзи бўйича асосий ва фоиз тўловларини тўлашга кўмак берувчи бюджетнинг даромад қисми ошиб боради

3. Муоамалага чиқарилган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиб олиниши вақтинча эркин молиявий ресурсларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестицияга йўналтириш ва аҳоли жамғармаларининг шаклланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат қарзининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва иқтисодий ўсиш истиқболлари масаласида иқтисодчиларнинг қарашлари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Давлат ташқи қарзи миллий иқтисодиётга учун катта юк ҳисобланади, чунки у асосий қарз суммаси ва фоиз тўловларини тўлаши, хорижий мамлакатларга қимматбаҳо товарлар бериши ва улар талаб қилган муайян бир хизматларни кўрсатишига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат реал миллий маҳсулотнинг маълум бир қисмини хорижга ўтказади, бу эса аҳоли жорий истеъмолининг камайишига ва жами талабнинг қисқаришига олиб келади. Ўз навбатида, бу иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва истиқболда миллий ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодий ўсиш суръатига нисбатан давлат қарзининг бир-икки йил мобайнида қисқа муддатли ўсиши мақбул саналади. Барро-Риккардо эквивалентлиги нуқтаи назаридан давлат қарзларини ошириш йўли билан давлат харажатларини молиялаштириш - бу солиқларнинг муқобил оширилиши саналса, давлат қарзининг ўсиши миллий иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантирадиган чора сифатида кўрилади. қарз ўсиш суръатларининг иқтисодий ўсиш суръатларига нисбатан қисқа муддатли ўсиши келгусида давлат қарзи ўсиш суръатларининг секинлашиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви эвазига қопланиши лозим

Ташқи қарзнинг доимий равишда ўсиб бориши қарздор мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсининг пасайишига олиб келади ва келгусида қарздор мамлакат аҳолисининг эртанги кунга ишончини сўндирувчи психологик таъсирни юзага келтиради.

Бинобарин, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат ўз қарзининг иқтисодий юкини келажак авлодга ўтказиб, бир сўз билан айтганда келажак авлодга қолиши лозим бўлган бойликнинг камайишига сабабчи бўлади.

Давлат ташқи қарзининг муттасил ўсиб бориши миллий валютага бўлган ишончнинг сусайишига ва инфляцияга қарши кураш борасида муайян қийинчиликларнинг вужудга келишига олиб келади. Мамлакатнинг ташқи қарзини бошқариш унсурларидан бири ташқи қарз олиш дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ташқи қарздорлик миқдори чегараси жаҳон амалиётида, шу жумладан, қарз ва қарз тўловларини ЯИМ ва экспорт билан таққослаш асосида қўлланиладиган қарз қарамлиги кўрсаткичларини маълум чегараларда сақлаб туриш учун белгиланади.

Ривожланаётган ёки ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат ташқи қарзлари бўйича фоиз ставкалари миллий иқтисодий ўсиш суръатларидан сезиларли даражада ошмоқда. Янги қарз олиш ва ташқи давлат қарзини қайта молиялаш имкониятларининг чиппакка чиқиши натижасида мамлакатлар солиқларни оширишга мажбур бўладидар , бу эса ўз навбатида миллий даромад ҳажми ва уни тақсмилаш тузилмасига салбий таъсир кўрсатади. Ташқи қарзнинг тузилмасидан келиб чиққан ҳолда, миллий даромадни қайта тақсимлаш тузилмаси ҳам ўзгаради.

Бугунги кунда, давлат молиясини бошқариш яқин-яқингача навф ва устуворликларни тақдим этган глобал капитал бозори шароитида амалга оширилади. Бироқ, айрим қарздор мамлакатларнинг салбий тажрибаси кўрсатишича, чет эл капитали оқимларининг йўналиши ва умумий иқтисодий вазият аниқ шарт-шароитларга қараб кескин ўзгариши мумкин. Ташқи қарзнинг юқори улуши, яъни. хорижий валюталарда кўрсатилган қарз мамлакатни инвестор кайфиятидаги ўзгаришларга сезгир қилиб қўяди ва капитал оқимларининг тўсатдан ва кутилмаган ўзгаришлари келажакда жиддий муаммоларга олиб келади.

Қулай конъюнктурадан фойдаланиш шароитида хорижий ресурсларни мамлакатга жалб қилиш борасида муайян бир устуворликларга эга бўлинсада, ташқи қарздорликнинг ошиши билан кредит, валюта, фоиз рисклари ортиши ва айрим компаниялар капитали тузилмасининг ёмонлашуви риски вужудга келиши мумкин.

Давлат ва хусусий қарз олиш соҳасида мувозанатли сиёсат олиб бориш, иқтисодиётнинг давлат секторини бошқариш ва хусусий секторнинг ташқи қарзини тартибга солишда давлатнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ўз вақтида қабул қилиш мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Ҳаддан ташқари ташқи қарз пировардида мамлакатнинг кредитга лаёқатлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда мумкин бўлган барча пессимистик сценарийлар, яъни асоссиз ва кучсиз стратегиялар амалда содир бўлса, ҳукуматнинг фискал позицияларининг қулашига олиб келадиган жараёнлар кўриб чиқилиши керак. Миллий иқтисодиётнинг актив ва пассивларининг иқтисодий асослари ва молиявий ҳолати ҳукуматнинг фискал ҳолатига ва унинг ташқи давлат қарзларига хизмат кўрсатиш қобилиятига таъсир қилади. Шунинг учун ташқи қарзларни бошқариш режасида мумкин бўлган умумиқтисодий ларзалар ва давлат секторининг қарз мажбуриятлари ҳисобга олиниши керак [5].

Ташқи давлат қарзининг юқори даражасига қуйидаги рисклар сабаб бўлиши мумкин:

1) қайта молиялаштириш риски, агар қарзни қарздор мамлакат учун мақбул бўлган шартларда узайтириш имкони бўлмаса, бу ҳолат молиявий инқироз ёки жиддий иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқариши мумкин;

2) ликвидлик риски-қайта молиялаш рискининг кенгроқ таърифи бўлиб, у активлар ва пассивлар тузилмасининг мос келмаслиги муаммо-ларини ўз ичига олади;

3) фоиз ставкалари ва валюта курсларининг ўзгаришини келтириб чиқарувчи бозор рисклари, яъни валюта, фоиз ставкаси ва бошқалар;

4) кредит риски-қарз олувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги билан боғлиқ йўқотишлар.

Умумий миллий ташқи қарзнинг ҳолатини кузатиш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш ва у билан боғлиқ хавфларни камайтириш учун тегишли кўрсаткичлар тизимини ва уларнинг чегара қийматларини ишлаб чиқиш тавсия этилади, бу эса бу соҳада инқироз ҳодисаларининг ўсишини ва салбий тенденцияларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш зарурлигини ўз вақтида таъмин этади.

**Хулоса ва таклифлар**

Жаҳон амалиётида ташқи қарзнинг иқтисодий жиҳатдан мақбул даражаларининг ягона меъёрий кўрсаткичларини аниқлаш усули мавжуд. Бу меъёрий кўрсаткичлардан қарздор мамлакат ташқи давлат қарзини бошқариш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон учун бу стандартлар иқтисодий вазият ва институционал имкониятлардан келиб

чиққан ҳолда мослаштирилиши лозим. Мамлакат умумий ташқи қарзининг критик қийматларини баҳолаш мезонлари тизимини яратишда Ўзбекистон умумий ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси ва ўсиш суръатлари даражаси, олтин ва валюта заҳиралари ҳажми ва экспорт ҳажмларига нисбати кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Давлат қарзларини бошқаришда маъмурий ваколатларнинг аниқлаштирилиши ва иқтисодий мезонларнинг ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда давлат қимматли қоғозлар бозорининг ташкил этилиши ликвид, самарали ички қарз бозорини яратиш учун тамал тоши бўлди. Мамлакатларнинг ушбу бозорларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва тартиблаш бўйича ёндашувларидаги фарқларга қарамасдан, дастурларнинг аксарияти умумий асосий элементларни ўз ичига олади. Инвесторнинг ишончини қозонишнинг муҳим шарти кучли макроиқ-тисодий асосларни яратиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида ишончли тўлов баланси ва асосли валюта режимига таянувчи мос бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатини талаб қилади. Бундан ташқари, дастлабки босқичларда ички қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши қимматли қоғозлар бозори, бозор инфратузилмаси, қимматли қоғозларга бўлган талаб ва қимматли қоғозлар таклифини тартибга солиш чора-тадбирларининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тизимини қуришнинг дастлабки чора-тадбирлари ва давлат қимматли қоғозлари савдоси, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозлар эмиссиясининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- бозор ривожланишини рағбатлантирадиган ва ишончли кузатув усулларини қўллашни таъминлайдиган тартибга солувчи базани яратиш;
- молиявий сектор ҳисоботларида келтирилган ахборотларни ошкор қилиш борасида тегишли бухгалтерия ҳисоби ва аудит амалиётидан кенг фойдаланиш.
- Ликвидликни ошириш ва тизимли рискларни камайтришга имкон берувчи бозор инфратузилмасини қуйидаги чора-тадбирлар ёрдамида яратиш мумкин:
- бозор кўламларига мос савдо механизмларини, шу жумладан самарали ва хавфсиз амалиётларни яратиш;
- сотувчи ва харидорлар ҳақиқий қийматни акс эттирувчи нархлар асосида битимларни самарали амалга ошира олишлари учун маркет-мейкер тизимининнинг шаклланишига кўмаклашиш;
- давлат қимматли қоғозлари билан савдо қилиш борасида мавжуд ҳар қандай маъмуриё ёки солиқ тўсиқларини бартараф қилиш;
- пул бозори ва рискларни бошқаришнинг замонавий воситалари РЕПО, фоиз фьючерслари ва СВОП операцияларидан кенг қўланиш;
- бозор ликвидлигини бошқариш борасида марказий банк операциялари.
- Давлат қимматли қоғозлар бозорига талабни кучайтириш борасида потенциал инвесторлар доирасини кенгайтириш талаб этилгани ҳолда, бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади:
- институционал инвесторларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- инвестицияларни амалга оширишда бозор тамойиллари ва бозор фоиз ставкаларидан келиб чиқиб иш кўриш;
- хорижий инвесторларнинг ички бозорларда иштирокини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.
- Давлат қимматли қоғозлари такдифини ривожлантириш соҳасида самарали бирламчи бозорни яратиш чора-тадбирларининг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар киради:
- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қарз бошқариш соҳасида аниқ мақсадларни белгилаш;
- ҳукуматнинг ликвидлик эҳтиёжларининг асосий прогнозларини ишлаб чиқиш;
- қимматли қоғозларни жойлаштириш учун хавфсиз ва самарали каналларни яратиш;
- давлат қимматли қоғозларини сўндириш муддатларини босқичма-босқич узайтириш;
- заёмлар чиқариш масалаларини консолидациялаш ва вақт ўтиши билан бозор

мўлжалларини шакллантириш учун умум қабул қилинган муддатли стандарт қимматли қоғозларни яратиш;

- қарзларни бошқаришда шаффоф операцияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Д. Рикардо. Начала политической экономии и налогового обложения. // Сочинения. М., 1995. Т. 1.
2. Шумпетер, Йозеф Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / Йозеф Шумпетер. - М.: Издательство Института Гайдара, 2011. - 416 с.
3. Колесов А.С. Финансовая политика государства: методология оценки и повышения результативности: автореферат. д.э.н. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2014. – 50 с.
4. Шпрингель В.К. Механизмы формирования валютных кризисов на развивающихся рынках: автореферат. к.э.н. – Москва. Государственном университете - Высшей школе экономики, 2003. – 17 с. Электрон манба: https://www.hse.ru/data/967/035/1239/avt_Shpringel.pdf
5. Azimova Dilafruz Mirzatullayevna. FORMS OF PUBLIC DEBT AND SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL BASIS OF ITS MANAGEMENT. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.8. Issue 3. pp:105-113

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Усманов Анвар Саидмахмудович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
илмий-тадқиқот маркази сектор мудири, и.ф.д. проф.
**Хамдамов Шоҳ-Жахон Рахмат ўғли**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Khamdamov Shah-Jakhon& Usmanov Anvar Saidmaxmudovich. ANALYSIS OF THE STATE OF THE GREEN ECONOMY IN UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.107-113

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-13

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада бугунги кунда иқтисодиётнинг таркибида энергетика ва металлургия тармоқлари, хусусан нефт ва газ саноати, кўмир конларининг экология ва атроф муҳит, инсоният саломатлигига етказилаятган зарари ва унинг оқибатлари таҳлил этилган. Мамлакатда яшил иқтисодиётни ўлчаш халқаро кўрсаткичларининг Ўзбекистондаги ўрни таҳлил этилган, Ўзбекистон давлат статистика маълумотларида йуқ кўрсаткич муаллиф томонидан эконометрик формуллар асосида аниқланган.

БМТ Бош Котиби Антонио Гутеррес 2019 йилдаги «Жаҳон Атроф-Муҳит Кунига Бағишланган Баённомаси», ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини сифатли ва самарали таъминлаш бўйича бир неча таҳлиллар амалга оширилган ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг мақсади - Энергия самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, хусусан, муқобил энергияга ўтиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:.**

Биринчиси: Биз баҳолаш усулларига муҳтожмиз. Жумладан, тадқиқотда ўрганилган “Тузатилган аниқ жамғарма” кўрсаткичлари, мамлакатда углерод интенсивлиги кўрсаткичлари, интенсивлик кўрсаткичлари ва бошқа яшил иқтисодиётни кўрсатувчи халқаро кўрсаткичларни Ўзбекистонда ҳам ҳисобини юритиш зарур.

Иккинчиси: иқлим лойиҳаларига, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга имтиёзлар зарурати. Ҳар қандай иқтисодчи, агар улар 8-10 йил ичида қайтмаса

лойиҳага сармоя киритмайди. Мамлакатимизда бу 2-3 йилга тўғри келади. Иқлим лойиҳалари ўнлаб йилларга мўлжалланган давлат инвестицион дастурларини амалага ошириш зарур.

**Калит сўзлар**. Ўзбекистон, иқтисод, иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит, энергетика саноати, кўмир саноати, глобал исиш.

**Хамдамов Шох-Жахон**
Научный центр Ташкентского
государственного экономического университета, докторант
**Усманов Анвар Саидмахмудович**
Руководитель сектора Научно-исследовательского центра
Ташкентского государственного экономического университета
Доктор экономических наук, профессор

# АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

## АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ влияния на окружающую среду и на здоровье людей энергетического и металлургического секторов, включая нефтегазовую отрасль, угольные шахты. Проведено исследование и дана оценка показателей зеленой экономики Республики Узбекистан на основе мирового опыта развитых зарубежных стран. Недостающие данные были восстановлены путем экстраполяции и других эконометрических методов.

Проведен анализ и разработаны научно обоснованные рекомендации по качественному и эффективному исполнению Декларации Генерального секретаря ООН Антонио Гутерриша о Всемирном дне окружающей среды в 2019 году и Указа Президента Республики Узбекистан от 4 октября 2019 года ПП-4477 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов».

**Цель исследования** - разработка научно-практические рекомендации по повышению энергоэффективности и снижению воздействия на окружающую среду, в частности по переходу на альтернативную энергетику.

**Научная новизна исследования:**

Первое: нам нужны методы оценки. В частности, необходимо учитывать изученные в исследовании показатели "скорректированной чистой экономии", показатели интенсивности углерода в стране, показатели интенсивности и другие международные показатели, свидетельствующие о зеленой экономике Узбекистана.

**Ключевые слова.** Узбекистан, экономика, изменение климата, окружающая среда, энергетика, угольная промышленность, глобальное потепление.

**Khamdamov Shah-Jakhon**
PhD candidate of The Research Center of
the Tashkent State University of Economics,
**Usmanov Anvar Saidmaxmudovich**
Head of the Research Center at
the Tashkent State University of Economics
Doctor of Economics, Professor

# ANALYSIS OF THE STATE OF THE GREEN ECONOMY IN UZBEKISTAN

## ABSTRACT

The article analyzes the impact on the environment and human health of the energy and metallurgical sectors, including the oil and gas industry, coal mines. The study is conducted and the indicators of the green economy of the Republic of Uzbekistan are estimated based on the world

experience of developed foreign countries. The missing data were restored by extrapolation and other econometric methods.

The analysis is carried out and scientifically based recommendations for the high-quality and effective implementation of the Declaration of the UN Secretary-General Antonio Guterres on World Environment Day in 2019 and the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 4, 2019 PP-4477 “On approval of the strategy for the transition of the Republic of Uzbekistan to“ green "The economy for the period 2019-2030."

**The goal of the research** – to develop scientific recommendations to improve energy efficiency and reduce environmental impact, in particular on the transition to alternative energy.

**Scientific novelty of the research:**

First: according to economic theory, there is nothing that is not mathematically evaluated. So we need evaluation methods. In particular, it is necessary to take into account in Uzbekistan the indicators of carbon intensity, intensity indicators and other international indicators of the green economy.

Second: the need for incentives for climate projects, entrepreneurs who produce environmentally friendly products. Any economist will not invest in a project if they do not return in 8-10 years. In our country it is 2-3 years. Climate projects are designed for decades. The private sector will not invest in it. So, the support of the state is needed.

**Keywords:** sustainability, economy, polution, environment, energy industry, coal industry, global warming.

---

## Introduction

Today, people all over the world - from big cities to small villages - are breathing polluted air. According to the World Health Organization’s air quality regulations, nine out of ten people worldwide are exposed to air pollutants. This is reducing life expectancy on our planet and hurting our economy.

In 2018, the Republic of Uzbekistan ratified the Paris Agreement (Paris, December 12, 2015) and a quantitative commitment to reduce the specific emissions of greenhouse gases per unit of GDP by 10% from the 2010 level by 2030 on the basis of the national contribution to its implementation.

Insufficient energy efficiency of the economy, inefficient use of natural resources, slow technological innovation, lack of active participation of small business in the implementation of innovative solutions for the development of a "green" economy hinder the achievement of priorities for sustainable development of the national economy.

## Literature Review and Development Hypothesis

The term “green economy” is only useful if it deals with more than “environmentally friendly” products. It must address the issues of overall scale of the economy, throughput of materials and energy, and distribution of wealth (Gary Flomenhoft, 2011).

The UNEP (UNEP 2011) views a green economy as an economy that improves human well-being and social justice free of any environmental disadvantages. At the operational level a green economy is designed to reduce carbon emissions and pollution; to improve energy efficiency and resource use; and it aims to promote economic growth and development while ensuring the use of natural assets for sustainable development (UNEP 2011) and supports progress in social development (International Chamber of Commerce 2012) (Olga Lavrinenko, Svetlana Ignatjeva, Alina Ohotina, Oleg Rybalkin, Dainis Lazdans, 2019). An economy where the growth of the well-being of the people and increased employment is driven by public and social investments that reduce emissions and pollution of the environment and promotion of efficient use of energy and resources, as well as prevention of any harm biodiversity and ecosystem (Diyar, 2014; Stepanovich, 2017; Smalyukienė, Monni, 2019).

According to the Russian researcher K. Berdenova, the "green" economy is a trend in economics that has emerged over the past two decades, in which the economy is an integral part of the natural environment in which it lives and is part of it (K.Berdenova, V.Shtang, S.Sintsov, 2012).

A group of Russian scientists conducted a study on the calculation of the inclusive growth index in the regions(R.Sharafutdinov, E.Akhmetshin, A.Polyakova, 2019). It analyzed health, environmental indicators and found that the region's energy, especially oil and gas refineries, have a direct negative impact on life expectancy, drinking water availability and pollution factors.

In addition, UN Secretary-General Antonio Guterres in his 2019 "Declaration on World Environment Day" said doing the right things - such as halting the building of coal power plants, decarbonising urban infrastructure, and producing and consuming in a greener way - would have "profound" benefits for societies around the world. Those include cleaner water and air, less pollution, more chemical-free agriculture and reduced loss of wildlife and plant species, he said.

According to Y.Bulgakova, Candidate of Science, St. Petersburg State University, the "green" economy can be called a set of measures for the transition to a thrifty and low-carbon economy, which will increase human well-being in the long run(Yu. Bulgakova, S. Nabok, 2017).

In our view, it is necessary to move away from environmental debates and look at the problem from the perspective of a “Traditional Economist”: what is missing in economic theory to take into account the climate and environmental factors? How does climate change affect every country? We have devoted our research to find answers to these questions on the example of Uzbekistan.

**Research Methodology**

The research was conducted on the basis of the principles of dialectical worldview. In studying the issue of reducing the impact on the environment in achieving the goals of the green economy, a systematic approach was applied, considering the integration of economic events and processes. The methods of logical analysis, synthesis, generalization, induction and deduction, and Q methodology were used to draw conclusions from the data.

The Q methodology is a structured statistical approach to qualitative analysis (Braun, 1993; Watts and Stenner, 2005) that allows the examination of subjective perspectives to identify existing archetypal perspectives on a controversial topic. It has been widely used to define expert views on various issues in the science of sustainable development. The method can be applied to practical issues, such as project management (Gilbert Silvius et al., 2016), rural innovation (Germans et al., 2012), and local understanding of cultural ecosystem services (Vinkler and Nicholas, 2016). However, examples of particular importance for this study include the use of the Q methodology in addressing sustainability discussions (Barry and Proops, 1999), including controversial issues in ecosystem services research and policy development (Hermelingmeier and Nicholas, 2017; Sandbrook et al.). (2013). The Q methodology is “a powerful research method that clarifies research questions with multiple, potentially complex, and socially controversial answers” (Wats and Stenner, 2005, p. 75) and is therefore particularly suitable for this study.

**Data, variables**

The three basic principles of sustainability inform international and national politics around the world: the Circular Economy, the Green Economy, and the Bioeconomy. Some scientists, as well as us, think that bioeconomics can be seen as part of a green economy. These concepts suggest different solutions to coordinate economic, environmental, and social goals (Table 1).

**Table 1. Analysis of stability according to Q methodology.**

| | |
|---|---|
| **Economic sustainability** | |
| Circular Economy | Improving the economic well-being of processed products and services at the industrial level, increasing production efficiency as a result of the widespread use of plastic and metal products as raw materials in the production of processed products - "Recycling products"; |
| Green Economy | Improving economic well-being at the industrial level from goods and services to the preservation and improvement of ecosystems and directing financial flows and ensuring the achievement of financial results through investments in natural capital; |
| Bioeconomy | Improving economic well-being by improving the production of bio-products using biotechnology and agro-ecological methods. |
| **Environmental sustainability** | |

| | |
|---|---|
| Circular Economy | Decreased dependence on resources and the environment due to the closure of the flow of production and consumables; |
| Green Economy | Expanding natural capital and related ecosystem services through nature conservation, restoration and nature-based solutions; |
| Bioeconomy | Reducing the impact on the environment through redistribution of dependence on non-renewable energy sources and the development of biological additives on a biological basis using agroecological and technological approaches. |
| **Social sustainability** | |
| Circular Economy | Development and transformation of territories through industrial clusters for waste reduction, recycling; |
| Green Economy | Shared and equitable distribution of ecosystem management costs and benefits; development of ecotourism and other business based on biodiversity; |
| Bioeconomy | Regional development through primary producers and bio-industrial clusters. |

The EU plans to reduce CO2 emissions by 20 percent by 2022, increase energy efficiency by 20 percent and increase the share of renewable energy sources to 20 percent. United States Government Greenhouse Gases intends to reduce emissions by 50 per cent by 2050 and by 80 per cent by 2080.

**Table 2. Carbon Intensity in Countries**.

| № | **Country** | **Carbon intensity** (in CO2 emissions kg / GDP PPP US $)(2016) |
|---|---|---|
| 1. | United Kingdom | 0.1 |
| 2. | Germany | 0,2 |
| 3. | Canada | 0,3 |
| 4. | Norway | 0,1 |
| 5. | France | 0,1 |
| 6. | USA | 0,3 |
| 7. | Finland | 0,2 |
| 8. | Sweden | 0,1 |
| 9. | Japan | 0,2 |
| 10. | Russia | 0.5 |
| 11 | Uzbekistan | 19 |

The table is based on data from the World Bank, and the figure for Uzbekistan is based on the author's calculations.

**Formula 1. Determination of carbon intensity in Uzbekistan**

$$\textbf{Intensity of carbon in country} = \frac{\text{CO2 emissions kg}}{\text{GDP PPP US \$}} = \textbf{853500kg/443,2/100=} \quad \textbf{19,26}$$

**Findings and Discussion**

As a result of the analysis (Table 2), it was found that the carbon intensity in Uzbekistan is very high at 19.26, which is an average of 0.5 in developed countries. This means that Uzbekistan has a high rate of economic organization due to air pollution. This is called "gray economy" in the sources of foreign scientists.

Polluted air kills about 7 million people every year and reduces the mental development of children and illnesses that cause long-term health problems such as asthma. According to the World Bank, air pollution causes $ 5 trillion in damage to society each year.

For example, when the wind speed exceeds 4 m / s, the amount of dust in the air reaches 5-20 mcg / m3 in forests, 20-100 mcg / m3 in the steppes, and 100-150 mgk / m3 in the dry deserts and deserts of Central Asia. The average car used for 6 years emits 9 tons of SO2, 0.9 tons of SO, 0.25 tons of NOx and 80 kg of hydrocarbons into the atmosphere. From 2010 to 2018, the amount of pollutants emitted into the atmosphere increased almost 1.3 times and in 2018 amounted to 2.442 million. tons. Of this, 65% or 1 mln. 560,000 tons fall on the share of motor vehicles. In large cities, such as Tashkent, the figure is 80%( B.Alikhanov, 2019).

Most atmospheric pollutants cause the air to heat up. Black carbon is an example of this. Diesel engines, exhaust and other polluted air are very harmful when inhaled. Reducing such pollutants will not only improve health, but can reduce global warming to 0.5 degrees over the next few decades.

**Conclusions and recommendations**

In 2015, our country adopted the "Low Carbon Development Strategy of the Republic of Uzbekistan". According to him, in 2030 it is planned to increase the share of TEM (water, solar and wind energy) in the energy balance of the country from 10% to 20%, coal from 5% to 15%, and reduce the share of gas from 85% to 65%. Well, at a time when the UN Secretary-General is urging all countries to stop building new coal plants, how right is it for us to increase coal production?

Countries dealing with climate change are creating a new innovative diversified, modernized model. And according to international forecasts, the demand for gas and oil will decrease sharply in 20-30 years. The energy and metallurgical sectors are among the leading sectors of the Uzbek economy. This is also known as the high carbon economy or the gray economy.

For countries with social problems, such as lack of income, high levels of poverty, and large carbon capital, GDP represents an absolutely virtual thing that hides this degradation. A few months ago, German researchers Stiglitz and Seine published a report on measuring economic growth and social development. GDP does not take into account environmental change or sustainability. The focus on GDP is controversial: they demand maximum growth from political leaders and citizens demand security, reduce water and air pollution, reduce noise, and this can lead to a decline in GDP. Therefore, GDP, along with many other countries, is a detrimental indicator for Uzbekistan.

The Kyoto Protocol is a remarkable theoretical invention of mankind: states came together and agreed to trade by air. Absolutely artificial market: under it the price system, stock exchange, climate taxes are introduced; In Europe, an excellent tax has been introduced for excess greenhouse gases. Mankind is creating a whole new economic reality. On the one hand, it is an absolutely speculative economy. On the other hand, this may be one of the few consequences of a modern traditional market economy that has an impact on the environment as a whole. And if we don’t finish building it with some environmental markets, institutional, social components, and modernize our traditional market economy, it won’t lead to good things.

If we try to incorporate climate factor, ecology into the theory and practice of economics, then we need to focus on the problem of ecosystem services that has been discussed globally over the last 3-4 years. There are about 30 of them - the whole world is trying to evaluate them, make money, add them to the economic decision-making process. And for that, we have to acknowledge a number of issues.

First: according to economic theory, there is nothing that is not mathematically evaluated. So we need evaluation methods. In particular, it is necessary to take into account in Uzbekistan the indicators of carbon intensity, intensity indicators and other international indicators of the green economy.

Second: the need for incentives for climate projects, entrepreneurs who produce environmentally friendly products. Any economist will not invest in a project if they do not return in 8-10 years. In our country it is 2-3 years. Climate projects are designed for decades. The private sector will not invest in it. So, the support of the state is needed.

We need to attract foreign investors and foreign projects, declaring to the world that Uzbekistan has a sunny climate, a climate that is very conducive to the production and processing of natural food, fruits and vegetables. They need to develop benefits and provide state power of attorney for tax exemptions. That is why all countries should come to us, make big investments, buy quotas, plant fruit trees, give us new technologies, and this will not only benefit Uzbekistan, but also save the world. Using this, we have a favorable climate in Uzbekistan to create opportunities to meet the needs of not only our own population, but also the population of other countries with natural food products.

Preventing air pollution, reducing coal-fired power plants, and promoting less polluting industries, transportation, and local fuels make it necessary to organize the use of renewable energy sources, especially solar energy, rather than switching to coal instead of gas cleaning and greenhouse gases.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Gary Flomenhoft (2011). Is the concept of a green economy a useful way of framing policy discussions and policymaking to promote sustainable development?. Natural Resources Forum 35(1):63 - 72
2. DOI: 10.1111/j.1477-8947.2011.01347.x
As a result of the research, the following conclusions and recommendations have been formed: the activities of private medical institutions that are starting and developing in the country include modern equipment and innovative methods of treatment through foreign investment; the use of public-private partnership support in financing the activities of private medical institutions is also effective; it will also be useful to improve the skills of medical staff of private medical institutions through public-private partnerships; Encouraging the system of financing the activities of private medical institutions through various supports will not only reduce budget funds, but also play an important role in the social protection of the population.

**Keywords:** investment, credit, privilege, foreign investment, healthcare, public-private partnership, private medicine.

---

**Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғликни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон қарорига мувофиқ [1], соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли 2019 йилда 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди [2]. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-

ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирларга қарамасдан хусусий тиббиёт муассасаларини молиялаштириш бўйича оқсаётган йўналишлар мавжуд. Жумладан:

- Хорижий мамлакатлар сўнгги тенденциялардан бирига айланиб улгурган давлат-хусусий шериклигини хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига кенг тадқиқ этилмаётганлиги;
- Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали асбоб-ускуналарни ва тиббиёт ходимларининг малака ҳамда кўникмаларини замонавийлаштириш жараёнларининг оқсаётганлиги.

Юқорида келтирилганларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсати орқали бартараф этиш аҳолиси арифметик прогрессия тарзида ортиб бораётган мамлакат учун муҳим ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Хусусий тиббиётни молиялаштириш масалалари мамлакат олимлари томонида кенг ўрганилмаган бўлса-да, инвестицион фаолият ва уни молиялаштириш масалалари чуқур тадқиқ этилган.

Жумладан, Н.Н.Обломуродов тадқиқотларида иқтисодиётга ажратилган кредитлар миқдори тадбиркорлик фаолиятини ҳамда инвестицион жараёнларни молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилади [3].

Буюк Келажак томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, Мамлакатнинг ЯИМдаги соғлиқни сақлаш харажатларининг улуши ЖСС ташкилоти рейтингининг 189 мамлакати билан таққослаганда ўртача даражада, бироқ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган соғлиқни сақлаш харажатлари Ўзбекистонда бошқа мамлакатларга қараганда анча паст, Ўзбекистонда харид қилиш қобилияти паритети асосида ҳисобланган киши бошига соғлиқни сақлаш харажатлари рейтингига кўра, Ўзбекистон ҳам анча паст даражада бўлиб рейтингда 122 ўринни эгаллаши айтиб ўтилган. Шунингдек, 2018-йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш 40 фоизга ошди, бироқ харажатларини киши бошига АҚШ доллари ҳисобида, ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан тушиши сабабли, кўп эмас. Ўзбек сўмда киши бошига сарф қилинган соф харажатлар 2018 йилда 5 фоизга ошган [4].

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот давомида анализ ва синтез, мантиқий таҳлил, амалий таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Мамлакатда хусусий тиббиётни ривожлантириш ва молиялаштиришнинг ҳуқуқий-норматив усуллари ҳам кенг ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатда хусусий тиббиёт муассасалари қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин:

- Ўз маблағлари ҳисобидан;
- Давлат субсидиялари;
- Тижорат банклари кредитлари;
- Хорижий инвестициялар;
- Ҳомийлик ёрдамлари.

Аммо хорижий мамлакатларда хусусий тиббиёт субъектларини молиялаштиришнинг яна бир воситаси сифатида давлат-хусусий шериклиги ҳам сўнгги тенденциялардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”[5] доирасида давлат-хусусий шериклигини соғлиқни сақлаш хусусий муассасалари фаолиятида ҳам тадбиқ этиш асослари ҳуқуқийлаштирилди.

Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида нодавлат тиббиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдаги ҳиссасини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини яратиш масаласи ҳали-ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусий тармоқни ривожлантиришда давлат хусусий шериклиги тизими энг самарадор усуллардан ҳисобланади. Шу боис ҳар бир соҳада давлат хусусий шериклиги асосида ташкил этилган объектлар сони йилдан йилга кўтарилиб бориляпти. Жорий йилда мамлакатимиздаги 331 та самарасиз фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасаларининг бўш бинолари ва ер участкалари рўйхати шакллантирилиб, бу ерларда давлат хусусий шериклиги лойиҳаларини амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Гемодиализ хизматлари бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилиб, унинг биринчи босқичида тендер савдолари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги 1100 нафар беморни қамраб олган ҳолда ўтказиш белгилаб олинди. Бунда хорижий инвесторлар томонидан 9,8 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритиш кўзда тутилган.

Ўтган даврда Давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 30 та лойиҳалар келиб тушди ва уларнинг 7 таси бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда.2020 йилда соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан жами 14,8 триллион сўм маблағ ажратилди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағ 2020 йил ўтган йилга нисбатан 1,2 барорбар, 2018 йилга нисбатан 1,6 барорбар ўсди. Бу соғлиқни сақлаш соҳасига умумий давлат бюджети харажатларининг 12,2 фоизи ва ялпи ички маҳсулотнинг 2,3 фоизи сарфланганини билдиради. Шунингдек, инвестиция дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш объектларида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига 2,04 триллион сўм ажратилган.

2020 йил 18 февралдаги “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги [6] Президент қарори билан эса, “Асака” банкига хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилди. Шунингдек, қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Асака” АТБ билан биргаликда 2020 йилнинг 1 октябрига қадар халқаро молия институтлари билан хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун яна 100 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш масаласини кўриб чиқилди.

Булар эса, мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасаларнинг кўпайишига сабаб бўлди. 2020 йил 1 октябр ҳолатига кўра, бундай объектлар 5805 тани ташкил этмоқда. Шундан 4751 таси амбулатор ва 1054 таси стационар шароитда фаолият кўрсатмоқда. Республика бўйича 2020 йилда 403 та янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди, 265 таси фаолиятини кенгайтирди.

Йил якунига қадар яна 160 та янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожида муҳим қадам бўлди. Унга мувофиқ, хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисосликлар 50 тадан 126 тага кўпайди. Хусусий клиникаларга қатор молиявий имтиёзлар берилди. Бундан ташқари, лицензия олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунга қисқартирилди, лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бараваригача камайтирилди. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлигида Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармасининг ташкил этилиши ҳам соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди. Натижада, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилиб, кўрилган чоралар туфайли 2018 йилда хусусий тиббиёт ташкилотлари сони 889 тага кўпайиб, умумий сони 4670 дан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ, 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида 74 та лойиҳа хорижий инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган эди.

**1-жадвал**

**2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича**

**Параметрлар [6]**

| № | Ҳудудлар | Жами | Хориж инвестицияси иштирокида | шу жумладан: | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | янги ташкил этиладиганлар | | фаолияти кенгаядиганлар | |
| | | | | 2018 йил | 2019 йил | 2018 йил | 2019 йил |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 39 | 5 | 10 | 9 | 10 | 10 |
| 2. | Андижон вилояти | 46 | 5 | 13 | 11 | 11 | 11 |
| 3. | Бухоро вилояти | 52 | 5 | 13 | 23 | 13 | 3 |
| 4. | Жиззах вилояти | 23 | 4 | 9 | 3 | 7 | 4 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 33 | 6 | 10 | 5 | 9 | 9 |
| 6. | Навоий вилояти | 22 | 3 | 5 | 4 | 8 | 5 |
| 7. | Наманган вилояти | 34 | 5 | 14 | 4 | 8 | 8 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 36 | 6 | 11 | 7 | 8 | 10 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 43 | 5 | 20 | 7 | 10 | 6 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 24 | 3 | 6 | 7 | 6 | 5 |
| 11. | Тошкент вилояти | 40 | 6 | 21 | 2 | 11 | 6 |
| 12. | Фарғона вилояти | 33 | 6 | 7 | 1 | 13 | 12 |
| 13. | Хоразм вилояти | 20 | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 91 | 10 | 16 | 26 | 17 | 32 |
| **Жами** | | **536** | **74** | **160** | **114** | **136** | **126** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тиббиёт соҳасида янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжат давлат ҳамда хусусий секторларнинг бирлагикда ишлаши, инвесторларнинг Ўзбекистон ҳудудида, давлат секторида фаол фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қарорга мувофиқ, инвесторлар ўзларига қулай бўлган муҳитда, ўзлари истаган давлат тиббиёт муассасаларига инвестиция кириш имкониятига эга. Хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади. Битимнинг амал қилиш муддати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланиб, бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги лозим бўлади.

Бундан ташқари, хориждан тиббий асбоб-ускунани ҳар қандай юридик шахс олиб келган тақдирда уларга нисбатан божхона имтиёзлари қўлланиладиган бўлди. Мазкур қарори билан хорижий тиббиёт ускуналарини олиб кираётган тадбиркор ва инвесторлар учун умумий қиймати 200 миллион АҚШ доллари тенг бўлган имтиёзли кредитлар линияси очилади. Ушбу қарор билан белгиланган механизмларда давлат тиббиёт муассасаларида хусусий тиббиёт муассасалари учун тенг имкониятлар берилиб, инвесторларнинг давлат тиббиёт муассасаларига кириб, ҳамкорликда фаолият ташкил қилиш имконият яратиб беради.

**Хулоса ва таклифлар**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- Мамлакатда фаолиятини бошлаётган ва фаолиятини ривожлантираётган хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига хорижий инвестициялар орқали замонавий асбоб-ускуналар ва даволашнинг инновацион усуллари кириб келади. Шу сабабли ҳам бу йўналиш алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари билан ҳам рағбатлантирилиши керак;
- Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклиги дастакларини ҳам қўллаш самарали бўлиб ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги орқали хусусий таббиёт муассасалари тиббиёт ходимларининг малакасини ошириб бориш ҳам фойдали бўлади;
- Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини турли дастаклар орқали молиялаштириш тизимини рағбатлантириш бюджет маблағларини қисқартириш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғликни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. ПҚ-2863-сон 2017 йил 1 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
3. Н.Н.Обломуродов. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/%D0%9A%D0%BE%D0%BD%D1%86%D0%B5%D0%BF%D1%86%D0%B8%D1%8F-%D0%A0%D0%B0%D0%B7%D0%B2%D0%B8%D1%82%D0%B8%D1%8F-%D0%A3%D0%B7%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B0%D0%BD%D0%B0-UZB.pdf
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. ПФ-4947-сон 07.02.2017. https://lex.uz/docs/3107036
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида" ги Қарори. ПҚ-3450-сон 29.12.2017

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Zikirova Nafosat Karshiboyevna**
Toshkent tibbiyot akademiyasi Ijtimoiy fanlar kafedrasi
katta oʻqituvchisi, PhD

# MEHNAT BOZORI MARKETINGI VA UNING KADRLAR TAYYORLASHDAGI IJTIMOIY AHAMIYATI

**For citation:** Zikirova Nafosat Karshiboyevna. LABOR MARKET MARKETING AND ITS SOCIAL SIGNIFICANCE IN TRAINING. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.133-137

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-17**

**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada mehnat resurslaridan samarali foydalanishga qaratilgan marketing tadqiqotlarini olib borishning ahamiyati va mehnat bozori marketingi tushuchasining mazmun mohiyati ijtimoiy-falsafiy jitahdatdan tahlil qilingan. Fuqarolik jamiyatida inson oʻz oʻrnini topishi va ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni anglashi mehnat bozori marketingi bilan bogʻliq hodisa sifatida namoyon boʻladi. Mehnat bozori marketingi faoliyatiga zamonaviy metodik usullarini joriy etish hayot sifatini yaxshilashga yordam beradi. Natijada xodim, kompaniya va jamiyat mehnatdan samarali foydalanish sharoitlari yaratiladi, mehnat munosabatlarining subyektlari ehtiyojlarini qondiradi degan fikrlar tadqiqot natijasida shakllangan asosiy xulosalardan bo’lib hisoblanadi.

Kalit so’zlar: mehnat bozori, mehnat resursi, marketing, ish beruvchi, ishchi, mehnat xizmatlari, mehnat harakati.

---

**Зикирова Нафосат Каршибоевна**
Старший преподаватель кафедрқ социальных наук
Ташкентской медицинской академии, PhD

# МАРКЕТИНГ НА РЫНКЕ ТРУДА И ЕГО СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ В ПОДГОТОВКИ КАДРОВ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье проводится исследование, направленное на проведение маркетинговых исследований по эффективному использованию трудовых ресурсов в контексте развития рыночных отношений в Узбекистане. Один из основных выводов исследования заключается в том, что маркетинг рынка труда способствует повышению качества жизни, что создает условия для эффективного использования труда сотрудника, компании и общества, а также удовлетворяет потребности субъектов трудовых отношений.

**Ключевые слова:** рынок труда, трудовой ресурс, маркетинг, работодатель, работник, трудовые услуги, движение рабочей силы.

**Zikirova Nafosat Karshiboyevna**
Senior Lecturer of Department of Social Sciences,
Tashkent Medical Academy, PhD.

# LABOR MARKET MARKETING AND ITS SOCIAL SIGNIFICANCE IN TRAINING

**ABSTRACT**

This article conducts research aimed at conducting marketing research on the effective use of labor resources in the context of developing market relations in Uzbekistan. One of the main conclusions of the study is that marketing in the labor market helps to improve the quality of life, which creates conditions for the effective use of labor for the employee, company and society, and meets the needs of the subjects of labor relations.

**Keywords:** labor market, labor resource, marketing, employer, employee, labor services, labor movement.

---

**Kirish**

Jamiyat taraqqiyotining qaysi sohasi haqida gap ketishidan qat'iy nazar bu taraqqiyotda asosiy o'rinda, inson va uning madaniy yuksalish darajasi hal qiluvchi omil bo'lib hisoblanadi. O'zbekiston iqtisodiyotini isloh qilishning muhim yo'nalishlaridan biri bu mehnat sohasidagi bozor munosabatlarini rivojlantirishdir. Jumaladan, ishchi kuchi bozoridagi xaridor va ishchi kuchini sotuvchi o'rtasidagi munosabatlarning uzoq davom etishini ta'minlash, mehnatga munosib haq to'lash hamda ishchi kuchini sotuvchilar o'rtasida sog'lom raqobatni shakllantirish va boshqalar.

Hozirgi vaqtda mehnat bozorida marketing faoliyati uchun quyidagi shartlar mavjud:

- mehnat xizmatlari xaridori uchun bozor shakllanmoqda;
- xodim va ish beruvchi ishga qabul qilish to'g'risida qaror qabul qilishni tanlashda erkinlikka ega;
- kapitalni erkin investitsiya qilish uchun sharoitlar yaratilgan.

Marketingning mehnat bozoridagi ahamiyatini quyidagi fikrlar bilan ta'kidlash mumkin:

- ko'pchilik odamlar ishlaydi yoki ishchi kuchini yollaydi, shuning uchun marketing ularni mehnat munosabatlarida ko'proq ma'lumotli, tanlangan va samarali bo'lishiga imkon beradi;
- marketing ma'lumot to'plash va tahlil qilish, mehnat bozorini o'rganish, talab qilinadigan kasb, mutaxassisliklarning mumkin bo'lgan hajmlari va tuzilmasi to'g'risida ma'lumot olish, mehnat resurslari taqsimotini rag'batlantirish, tegishli reklamalarni o'tkazish orqali mehnat resurslarini shakllantirish va taqsimlash jarayonlarini tartibga solishni takomillashtirishga yordam beradi;
- marketing odamlarning qarashlariga va ularning turmush tarziga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin, chunki hozirda ish beruvchilarning yollangan xodimga bo'lgan talablari tobora ortib bormoqda va xodimlar ish joyiga o'zlarining tegishli talablarini qo'yish huquqiga ega bo'lmoqda;
- mehnat bozoridagi marketing hayot sifatini yaxshilashga yordam berishi mumkin.

Demak yuqoridagi fikrlarga tayanib, kompaniya va jamiyat xodim uchun mehnatdan samarali foydalanishga sharoit yaratiladi va natijada barcha mehnat munosabatlari subyektlarining ehtiyojlari qondiriladi deyishimiz mumkin. Ushbu vazifalarni to'g'ri tashkil etish va samaradorligini oshirish hozirgi davrning dolzarb muammolaridan biridir.

Shuni ta'kidlash lozimki, mamlakatda mehnat bozori marketing alohida bir jarayon yoki ilmiy yo'nalish sifatida to'laqonli o'rganilib, ilmiy-nazariy asoslari shakllangan emas. Shu sababli ham, ushbu mavzuni keng tadqiq etish zamonaviy mehnat bozoridagi muvozanatni tartibga solishda muhim ahamiyat kasb etadi.

**Mavzuning o'rganilganlik darajasi**

Mehnat bozori marketing xorijiy rivojlanagan mamlakatlarda HR-marketing deb ham yuritiladi. HR-marketing kuchli nomzodlarni izlab topishga qaratilgan faoliyatdir. HR-marketingning vazifasi ish beruvchi va ishchi kuchi xaridorining maqsad va xohishlarini o'zaro muvofiqlashtirishdan iboratdir. So'nggi bir necha yil ichida HR (inson resusrlari) asta-sekin marketing bilan bir-birini qoplay boshladi. Ko'plab kadrlar bo'limlari marketingda ishlatiladigan

vositalar va strategiyalardan foydalanishda muvaffaqiyat qozonib, HR marketing deb nomlangan yangi strategiyasi va faoliyatni ishlab chiqishdi [1].

Mamlakatimizda esa mehnat bozoridagi talab va taklif, muvozanat, mehnat resurslarini miqdor jihatdan hisoblash metodikasi Q.Abdurahmonov ilmiy-nazariy qarashlarida o’z aksini topgan. Unga ko’ra, ishchi kuchi taklifini shakllantirishda yollanma xodimlar, yakka tartibda ishlaydiganlar, ish beruvchilar, oilaviy korxonalarning haq to’lanmaydigan xodimlar, ish bilan ta’minlash maqomi bo’yicha tasniflashga to’g’ri kelmaydigan shaxslar kabi tushunchalarga alohida e’tibor qaratish lozim [2].

**Tadqiqot metodologiyasi**

O‘zbekiston iqtisodiy munosabatlarida mehnat bozori marketingi shakillantirilishi uchun e‘tibor qaratilgan. Lekin bu sohani jadal rivojlanishi uchun ayrim kamchiliklar ham mavjudligini inkor etib bo‘lmaydi. Mehnat bozori marketingning tizimlashmagan va integratsiyalashmagan usullari amalda qo'llanmoqda, buni mehnat bozoridagi ayrim kasb egalarining ortib, ayrimlariga esa bozor xaridorlari tomonidan ehtiyojning ortib borishiga qaramay, taklifning kamayib borayotganidan ham bilish mumkin.

Bizningcha mehnat bozori marketingini yuritishda innovatsion marketing tajribalarini joriy etish yaxshi natijalarni berishi mumkin.

Hozirgi vaqtda kadrlar tayyorlash tizimining asosiy bo‘g‘ini bo‘lgan oliy ta’lim va kasb-hunar muassasalari mehnat bozori talablarini hisobga olmasdan uzoq yillar davomida bir hil turdagi mutaxassis tayyorlash tizimini qo‘llab kelmoqdalar. Bu tizimdagi mavjud marketing xizmati bo‘limi faoliyati tubdan o‘zgartirishga muhtoj va marketolog mutaxassislar bilan ta’minlash dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Tayyorlanadigan kadrlar kamida o‘n yil keyingi iqtisodiy taraqqiyot va mehnat bozori talablarini hisobga olgan holda ishlab chiqarilish muhimligini ko‘rsatmoqda.

**Tahlil va natijalar**

Mehnat bozori ish beruvchi va ishchi o'rtasida mehnatga bo'lgan talab va taklif hamda uning takror ishlab chiqarilishi bilan bog'liq bo'lgan, doimiy ijtimoiy rivojlanish jarayonini ta'minlaydigan munosabatlar tizimi sifatida qaraladi.

Mehnat bozoridagi munosabatlarning asosiy subyektlari ish beruvchilar va yollanib ishlashni xohlovchilar, shuningdek ishchi kuchiga talab va taklif harakatini tartibga soluvchi subyektlardir. Ishlab chiqarish vositalariga egalik qiluvchi davlat ham, boshqa yuridik shaxslar ham ish beruvchi sifatida qatnashishi mumkin. Ish beruvchining tovar xo'jaligi ko'plab ishchilarning ishini shu tarzda birlashtiradiki, ularning har biri ma'lum bir ish joyiga biriktirilgan bo'lib, barcha ish joylari texnologiyalar va firma ichidagi hamkorlik bilan bog'liqdir. Shuning uchun ish beruvchi ishchi kuchini sotib olayotganda, ayni paytda xodimga ma'lum bir ish joyida ishlashni taklif qiladi. O'z navbatida, mehnatni sotadigan ishchi ma'lum bir ish joyiga talab qo'yadi. Agar ishchi ish joyining talablariga javob bersa va ishchiga taklif qilinadigan ish joyi xodimning manfaatlariga mos keladigan bo'lsa, ishchi kuchini sotish va sotib olish bo'yicha bitim amalga oshiriladi. Zamonaviy bozor iqtisodiyotida bu haqiqat shu qadar muhim ahamiyat kasb etdiki, endi mehnat bozori haqida tirik mehnat bozori sifatida gapirishning o'zi etarli emas. Mehnat bozoriga va mehnat bozoriga kiritish uchun asosli sabablar bor, chunki ularga va mehnat bozorida real va doimiy talab mavjud. Ushbu talablarni hisobga olgan holda, "mehnat bozori" tushunchasi jonli mehnat bozorini va ishchi kuchini o'z ichiga oladi.

O’zbekiston mehnat bozorini tahlil qiladigan bo’lsak, 2019 yilga kelib mamlakat mehnat resurslari soni 18 949 ming kishini tashkil etib, mehnatga layoqatli yoshdagi aholi umumiy aholi sonining 56,2 foizini, mehnat resurslarining 99,5 foizini tashkil etgan (1-rasm).

Mehnat resusrlari sonining ortib borishi mamalakat mehnat bozori uchun ijobiy tendensiya hisoblanadi. Ammo mehnat bozoridagi talab va taklifning muvozanati tashkiliy, huquqiy, iqtisodiy va ijtimoiy dastaklar orqali ta’minlash davlat oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi. O’zbekiston singari rivojlanayotgan mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy siyasatiga oldiga qo’shimcha yukni yuklaydi.




**1-rasm. Mehnat resurslari tarkibi, ming kishi [3]**

Binobarin, mehnat bozorini tartibga solish va boshqarish vazifalari va yo'nalishlarini belgilashda bozor mexanizmining quyidagi elementlarini o'rganish zarur: talab va taklif, ularning muvofiqligi; ularning hajmi va tuzilishiga ta'sir qiluvchi omillar; ularning dinamikasini tavsiflovchi ko'rsatkichlar; tashkiliy-iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy dastaklar va talab va taklifni moslashtirish usullari.

Mehnat bozorida talab va taklif konyunkturasini muvaffaqiyatli tartibga solish uchun marketing amaliyotida ijobiy natija beradigan zamonaviy bozor iqtisodiyoti metodologiyasidan foydalanish zarur. Ishchi kuchi marketingi aholining bandligini tartibga soluvchi keng qamrovli samarali tizimni yaratish va ishlashni o'z ichiga oladi, xususan, strategik rejalashtirish, ishchi kuchiga talab va taklifning bozor tadqiqotlari, ish joylarini rag'batlantirish, reklama qilish va rag'batlantirish, ishchi kuchi narxini belgilash kabi marketing funktsiyalarini amalga oshiradi.

2021 yilning yanvar oyida kuchga kirishi kerak bo’lgan O’zbekiston Respublikasining “Aholi bandligi to’g’risida”gi Qonunida ham mehnat bororidagi talab va taklif muvozanatini ta’minlashda xususiy bandlik agentliklari faoliyati alohida modda sifatida yoritilgan. Unga muvofiq, xususiy bandlik agentliklari O‘zbekiston Respublikasi hududida ish qidirayotgan shaxslar va ishsiz shaxslar uchun ish tanlash; ish beruvchilar uchun kadrlar tanlash; O‘zbekiston Respublikasidan tashqarida ish qidirayotgan shaxslarni va ishsiz shaxslarni ishga joylashtirish; ishga joylashtirish sohasida axborot va maslahat xizmatlarini ko’rsatish kabi vazifalarni bajaradi [4].

Bugungi kunda mamlakatda xususiy bandlik reestridan o’tgan 68 ta tashkilot va 52 ta xussusiy bandlik agentliklari faoliyat yuritadi [5]. Ushbu tashkilot va xususiy bandlik agentliklarining faoliyati mamlakat hududida munosib ish joyiga ega bo’lmagan O’zbekiston fuqarolarini xorijiy mamlakatlarda ham ish bilan ta’minlashdan iborat.

**Xulosa va takliflar**

Mamlakatimiz oliy ta’lim tizimida yuqori malakali va raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash bu tizimning eng muhim vazifalaridan hisoblanadi. Mazkur vazifaning nechog’lik samarali hal etilishi mamlakatimizda amalga oshirib borilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar va jamiyatimiz hayotini tubdan qayta qurish borasidagi maqsadlarga erishishni ta’minlashga kata ta’sirini ko’rsatmasdan qolmaydi. Chunki, amaliyotdan ma’lumki, har qanday ijtimoiy-iqtisodiy o’zgarishlarning samaradorligi bu borada belgilangan vazifalarni bajarishga safarbar qilinadigan mutaxassislarning kasbiy yetukligiga to’g’ridan-to’g’ri bog’liqdir. Demak, bu tizim faoliyatini to’g’ri taskil etishda menedjment va mehnat bozori marketingini yuritish muhim ahamiyatga egadir.

O’zbekistonda ham HR-marketing faoliyatini qo’llash tavsiya etiladi. Ushbu faoliyat turining qo’llanishi mehnat bozori xaridorlari tomonidan ishchi kuchini strategik rejalshtirish imkonini berishi

bilan birga, ishchi kuchi xaridorlari talabidan kelib chiqib, oliy va kasb-hunar ta'limidagi taklifni ham to'g'ri shakllantirish imkonini beradi.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Полное руководство по HR маркетинг. https://www.talention.com/hr-marketing#3_hr_marketing_components_for_recruiting_success
2. K.Abdurahmonov. Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik. 545 b. Toshkent-2019.
3. http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/77kalandarabdurahmonovmehnatiqtisodiyoti2019pdf.pdf
4. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2
5. O'zbekiston Respublikasining "Aholi bandligi to'g'risida"gi Qonuni. O'RQ-642 20.10.2020
6. http://old.mehnat.uz/page/xususiy-bandlik-agentliklari-reyestri

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Акрамова Шахноза Ганишеровна**
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази “Демография ва меҳнат бозори” сектори мудири ўринбосари, PhD.
Mail:shahnoza-tiu@mail.ru

# ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**For citation:** Akramova Shaxnoza Ganisherovna. DIRECTIONS TO INCREASE WOMEN'S ECONOMIC ACTIVITY IN UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.138-151

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-18**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада аёлларнинг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаолллик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Жаҳон меҳнат бозорида хотин-қизлар иқтисодий фаоллик даражасидаги асосий тенденциялар ва хусусиятлар қиёсий тадқиқ этилган. Ўзбекистон меҳнат бозорида аёлларнинг ҳолатини таҳлил этиш асосида уларнинг ўз салоҳияти ва имкониятларини намойиш этиш учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, аёллар, эркаклар, иқтисодий фаоллик, иш билан бандлик, ишсизлик, иш ҳақидаги тафовут, иқтисодий тараққиёт

---

**Акрамова Шахноза Ганишеровна**
Заместитель заведующего сектором «Демография и рынок труда» Исследовательского центра «Научные основы и проблемы экономического развития Узбекистана» при ТГУ, к.э.н.
Почта: shahnoza-tiu@mail.ru

# НАПРАВЛЕНИЯ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются факторы, влияющие на уровень экономической активности женщин на рынке труда. Проведено сравнительное изучение основных тенденций и характеристик уровня экономической активности женщин на мировом рынке труда. На основе

анализа положения женщин на рынке труда Узбекистана разработаны рекомендации по созданию им условий для реализации своего потенциала и возможностей.

**Ключевые слова**: рынок труда, женщины, мужчины, экономическая активность, занятость, безработица, разрыв в заработной плате, экономическое развитие.

---

**Akramova Shaxnoza Ganisherovna**
Deputy Head of the Sector "Demography and Labor Market" Research Center "Scientific Basis and Problems of Economic Development of Uzbekistan" under TSU, PhD.
Mail: shahnoza-tiu@mail.ru

## DIRECTIONS TO INCREASE WOMEN'S ECONOMIC ACTIVITY IN UZBEKISTAN

**ABSTRACT**

The article analyzes the factors affecting the level of women's labor force participation rate. A comparative study of the main trends and characteristics of women's labor force participation rate in the world labor market has been carried out. Based on analysis of the situation of women in the labor market of Uzbekistan developed recommendations for the creation of conditions for them to realize their potential and opportunities.

**Key words:** labor market, women, men, economic activity, employment, unemployment, wage gap, economic development

---

**Кириш**

Аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси жамиятда самарадорлик ва тенгликни таъминлаганлиги сабабли, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим омил сифатида талқин этилади. Меҳнат бозорида аёлларнинг фаоллик даражасининг ошиши икки натижа, яъни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларининг кенгайишини назарда тутади. Бу тенгликнинг таъминланиши ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартириши ва иқтисодий ўсиш учун имкониятларни кенгайтириши мумкин [1].

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, турли давлатлар кесимида турлича бўлсада, умуман олганда бутун дунёда аёллар ва эркакларнинг меҳнат бозоридаги иштирокида катта фарқлар сақланиб қолмоқда. 2018 йилда жаҳон бўйлаб аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси 48 % бўлган бўлса, эркакларда бу кўрсаткич 75 %ни ташкил этди, яъни дунё мамлакатларида 3,5 млрд. кишини ташкил этган ишчи кучининг 5 тадан 3 таси эркакларни ташкил этаяпти [2].

Саноатлашув ва глобализация жараёнлари таъсирида бутун дунёда аёлларга бўлган муносабат ўзгариб бориб, уларнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳам ўзгариб бормоқда. Лекин ижтимоий-иқтисодий ҳаёт қанчалик модернизациялашиб боришига қарамай, аёллар меҳнат бозори сегменти бошқа сегментлардан фарқли ўзига хос хусусиятларга эгалиги сақланиб қолмоқда. Бандлик даражасининг беқарорлиги ва ишсизликнинг юқори хавфи, меҳнатга хақ тўлаш даражасидаги фарқлар, ишга қабул қилиниши ва бўшатилишидаги меҳнат қонунчилигига риоя этилмаслик кабилар бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Ўтган йиллар мобайнида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилиб келинишига қарамай, аёллар салоҳияти ва манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи самарали механизмни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотнинг мақсади республикада аёлларнинг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллик даражасини таҳлил этиш асосида уларни қўллаб-кувватлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Ўтган аср охирларидан бошлаб глобализация жараёнлари натижасида аёлларнинг меҳнат бозорида иштирокининг ортиши барча давлатларни қамраб олди. Жаҳон банки “Гендер тенглик ақлли иқтисодиёт сифатида” номи остида ахборот-таҳлилий бюллетень нашр этиб, унда аёллар учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ривожланишнинг муҳим омили эканлигини таъкидлайди.

Жаҳон миқёсидаги тадқиқотларда аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокининг турли жиҳатлари тадқиқ этилмоқда. Аёллар иш билан бандлигини таъминлашнинг самарали механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аёллар иш билан бандлиги ва бу соҳада учрайдиган муаммолар; меҳнат бозорида аёлларнинг камситилишга учрашининг назарий-услубий жиҳатлари; аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси бўйича ҳудудий тафовутлар ва уларнинг сабаблари; аёллар меҳнат бозоридаги иштироки ва уларнинг репродуктив функциялари орасидаги боғлиқлик; аёл ишчи кучининг замонавий иш ўринлари тузилиши ўзгаришига мослашувини ошириш; виртуал иш жойларини жорий этишнинг самарали ва тезкор инновацион йўлларини ишлаб чиқиш; касбий малакаларни оширишда иш берувчиларнинг талабларига асосан малака ошириш тизимини ташкил этиш, фарзандлар туғилиши ҳамда уларнинг тарбияси билан боғлиқ аёлларнинг ҳаётий цикл моделини эътиборга олган ҳолда, қўшимча ижтимоий кафолатларни таъминлаш стратегияларидан фойдаланишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Нобель мукофоти совриндори С.Кузнец фикрича, иқтисодий тараққиёт рўй берган сари ишчи кучи аввалига қишлоқ хўжалигидан саноатга, сўнг саноат соҳасидан хизмат кўрсатиш соҳасига кўчади. Бундай шароитда аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси U шаклсимон кўринишда юз беради. Яъни, аграр иқтисодиётда аёлларнинг қишлоқ хўжалигида иш билан бандлиги юқори бўлади, саноатлашган иқтисодиётда аввалambор, саноатнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аёлларнинг иш билан бандлик даражаси пасаяди ва иқтисодиётда учламчи сектор - хизматлар соҳаси устунлик қилиб борган сари аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси яна ошиб боради [3].

Иқтисодий ривожланиш даражаси ривожланаётган давлатларда аёлларнинг иқтисодий фаолллик даражасига таъсирини назарий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида Shunghee Nam [4] илмий адабиётларни иккига ажратади:

1) модернизация ва 2) жаҳон тизими. Модерназация йўналишидаги илмий адабиётлар (Heckman [5], Standing [6]) иқтисодий тараққиёт ва модернизация ишчи кучи таркибидаги касбларнинг ўзгариши, таълимнинг имконлилиги ортиши, бунинг натижасида ўз навбатида фарзандлар сонининг қисқариши ва бунга боғлиқ равишда оилавий-маиший мажбуриятларнинг камайиши ҳисобига аёлларнинг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллиги ортишига таъсир этади. Бундан фарқли равишда Жаҳон тизими ёндашувидаги тадқиқотларда иқтисодий фаолликнинг ортишини халқаро иқтисодий савдонинг қиёсий афзаллик назарияси доирасида тушунтирилади. Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг қиёсий афзалликларига ихтисослашар экан, аксарият ҳолларда бу юқори малака талаб этмайдиган соҳаларда рўй берганлиги туфайли малакасиз ишчи кучига талаб ошади, аёллар орасида малакасизларнинг устуворлиги ҳисобга олинганда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ошиши учун замин яратилади.

1970 йиллардан бошлаб аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ортган сари бу жараён тадқиқот объектига айлана бошланди. Неоклассик назария доирасида аёллар масаласини тадқиқ этган илк мактаб “Инсон капитали назарияси” тарафдорлари бўлишди. Г.Беккер, Т.Шульц ва унинг издошларининг ишлари меҳнат иқтисодиётида тўнтариш содир этди. Инсон капитали назарияси шахсий даромадларнинг тақсимланиш тизими, ёш бўйича даромад динамикаси, эркак ва аёл меҳнатига тўловлардаги фарқ, миграция сабаблари ва бошқа кўпгина масалаларга ойдинлик киритишга имкон берди. Бу назария туфайли самарадорлик жиҳатдан оддий инвестициялардан қолишмайдиган таълим инвестицияларига иқтисодий ўсиш манбаи сифатида қараладиган бўлди [7].

XXI асрда янги тадқиқотларни ҳисобга олувчи янги назарияларнинг зарурати туғилмоқда. Афзаллик назарияси замонавий аёлнинг иш билан бандлик ёки оила орасидаги танловни изоҳловчи тарихий асосланган, эмпирик тасдиқланган перспектив янги назариялардан биридир. Ушбу назария аёллар афзалликларининг турли-туманлиги ва оиладаги ролининг уч хил модели натижаси сифатида иш-турмуш тарзининг кўп қутблилигини назарда тутади. Назарияда таъкидланишича, замонавий ривожланган жамиятларда аёлнинг фарзанд ва оилавий ҳаёт ёки жамоат соҳасида иш билан бандлик ва карьерага устунлик бериш орасидаги танловни белгиловчи афзаллиги марказий унсурга айланади.

Оила моделлари ва инсонларнинг афзалликларини фақатгина шахсга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида аниқлаш мумкин. АҚШ ва Буюк Британияда амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, аёллар уч хил турмуш тарзи орасида танловни амалга оширади, булар – оилага мўлжалланган, ишга йўналтирилган ва мослашувчан [8]. Бундай тақсимланиш барча таълим даражасига эга бўлганлар ва барча ижтимоий қатламлар орасида кузатилган. Олий таълимда бошқарувчилик йўналиши бўйича таълим олаётган аёллар сони ортиб бораётганлигига қарамай, фақат ишни афзал кўрадиган аёллар ҳатто ривожланган давлатларда ҳам камчиликни ташкил этган. Бундайлар асосан спорт, сиёсат ёки маданият соҳасида мужассамлашган бўлиб, оилавий ҳаёти уларнинг меҳнат фаолиятларига мослашган ва одатда оилада яшашса ҳам бефарзанд бўлишади.

Мослашувчан аёллар оила ва меҳнат фаолиятини уйғунликда олиб борадиган тоифа бўлиб, улар энг катта гуруҳни ташкил этади ва кўплаб касбларда кузатилади. Хусусан, мактаб таълими энг қулай касб бўлиб, нотўлиқ иш кунида ишлаш имконияти оила ва иш орасида энг оптимал даражада мувозанатни сақлаш имконини беради.

Учинчи гуруҳ бу оила юмушлари билан банд бўлишни афзал кўрадиган аёллар бўлиб, ғарб дунёсида бундайларнинг улуши деярли сезиларсиз. Лекин айнан шундай аёллар маданий капиталнинг орттириш имконини берадиган, аммо юқори даромад олиш салоҳияти паст бўлган санъат каби ижтимоий-гуманитар соҳаларда таълим олишни танлайдилар.

Афзаллик назарияси аёллар ва эркаклар иш ҳақидаги фарқларнинг сабабини бошқачароқ изоҳлайди. Унга кўра, эркаклар аёлларга нисбатан мартабасининг кўтарилиши учун фаолроқ жон-жаҳди билан ҳаракат қилишади, аёллар эса иш ҳақини оширишдан кўра иш вақтини қисқартиришга кўпроқ ҳаракат қилишади.

**Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолани тайёрлаш заминида амалга оширилган тадқиқотда мантиқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, индукция, дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Иш билан бандлик, муносиб меҳнат билан бандлик учун шарт-шароитларни яратиш ҳар бир ҳукумат олдида турган долзарб масаладир. Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини ташкил этиш, авваламбор, жамиятда тенглик, ҳурфикрлик, барқарорлик ва ижтимоий уюшқоқлик каби тамойилларни мустаҳкамлашда ўрни беқиёслиги сабабли долзарб. Ҳақ тўланадиган меҳнат билан бандлик бутун дунёда аксарият инсонларнинг ягона даромад манбаи эканлигини ҳисобга олганда, меҳнат бозоридаги ҳолат қанчалик муҳим эканлигига шубҳа қолмайди.

Халқаро меҳнат ташкилоти ва Gallup ҳамкорлигида жаҳоннинг 142 та давлатида 149000 респондент орасида ўтказилган "Аёлларнинг иш билан банд бўлишига нисбатан муносабатни аниқлашга қаратилган" ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, 70 % аёллар ва 66 % эркаклар аёлларнинг иш ҳақи тўланадиган меҳнат билан шуғулланишларини маъқуллайдилар, 29 % аёллар иш ҳақи тўланадиган ишда ишлаш, 41 % иш ҳақи тўланадиган ишда ишлаш ва оиладаги вазифаларни уйғунликда олиб бориш ва 27 % аёллар уйда қолишни афзал кўришларини билдирганлар. Оиладаги эркакларнинг аёлларининг ишлашига муносабати 28% қўллаб қувватлаши, 20 % уйда қолишини афзал кўриши ва 38 % иккаласини олиб боришга тўсқинлик қилмасликлари маълум бўлган. Уйда қолиб уй вазифалари билан банд бўлишни энг кўп

Жанубий Осиё давлатлари аёллари (42 %) ва аксинча энг кам миқдорда Шимолий, Жанубий ва Ғарбий Европа давлатлари аёллари (13 %) афзал кўрганлар [9].

Аёллар меҳнат бозорининг ўзига хослиги тарихан мавжуд бўлиб, аёллар ва эркакларнинг меҳнат бозорида иштирок даражасидаги фарқлар асосан, аёлларнинг репродуктив функциялари, оилада аёл ва эркакларнинг мажбуриятларидаги фарқлар, структуравий тўсиқлар ва маданий чекловлар билан белгиланади. Замонавий жамиятда аёллар елкасидаги оилавий мажбуриятларнинг юки эркакларникига қараганда анча оғирлиги сабабли ташқи меҳнат бозорида уларнинг ютуқлари эркакларникидан анча суст. Аёлнинг оила ҳаётидаги маиший вазифалари, фарзанд тарбияси, катта ёшдагиларнинг парвариши ва бошқалар мажбуриятлари билан боғлиқ равишда иш берувчи учун ноқулай ходим сифатида юзага чиқиб, унинг меҳнат бозорида эркакларга нисбатан рақобатбардошлигини табиий равишда пасайтиради.

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўлишича, ҳатто энг ривожланган давлатларда ва ҳалқаро баҳоларга кўра гендер тенгликка у ёки бу даражада эришилган мамлакатларда ҳам аёлларнинг оила доирасида ҳақ тўланмайдиган ишлар билан бандликка сарфланадиган вақт нуқтаи назардан эркаклардан устунлик қилмоқда. Бу фарқ камида икки баробардан беш-олти баробаргача эканлиги маълум бўлмоқда, айрим давлатларда бундай фарқ ўн баробаргача етади.

**1-жадвал**.

**Дунёнинг айрим давлатларида ҳақ тўланмайдиган иш учун бир кунда ўртача сарфланадиган вақтнинг жинслар кесимида тақсимланиши [10]**

| ДАВЛАТ | АЁЛ | ЭРКАК |
|---|---|---|
| **АВСТРАЛИЯ** | 5 соат 15 дақиқа | 2 соат 51 дақиқа |
| **КАНАДА** | 3 соат 44 дақиқа | 2 соат 28 дақиқа |
| **ФРАНЦИЯ** | 3 соат 44 дақиқа | 2 соат 15 дақиқа |
| **ГЕРМАНИЯ** | 4 соат 2 дақиқа | 2 соат 30 дақиқа |
| **ҲИНДИСТОН** | 5 соат 52 дақиқа | 52 дақиқа |
| **ЯПОНИЯ** | 3 соат 44 дақиқа | 41 дақиқа |
| **МЕКСИКА** | 6 соат 23 дақиқа | 2 соат 17 дақиқа |
| **БУЮК БРИТАНИЯ** | 4 соат 9 дақиқа | 2 соат 20 дақиқа |
| **АҚШ** | 4 соат 4 дақиқа | 2 соат 26 дақиқа |

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, замонавий меҳнат бозорига хос бўлган қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ажратиш мумкин:

- меҳнат бозорида аёлларга нисбатан эркакларнинг иштироки юқорилиги;
- бутун дунёда сўнгги асрда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси сезиларли даражада ошди, лекин сўнгги йигирма йил давомида аста пасайиши хос;
- бутун дунёда аёллар вақтларининг салмоқли қисмини иқтисодий фаолият сифатида таърифланмайдиган иш фаолияти билан банд ҳолатда ўтказадилар.

Даромад олувчи аёллар ўз оилаларда муҳим ўрин эгаллаб, иқтисодий агент сифатида оилавий бюджетга ўз ҳиссаларини қўшадилар ва жамият ва иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатадилар. Ижтимоий тадқиқот натижалари жаҳон бўйлаб 26 % аёл уларнинг даромадлари оила бюджетининг асосий манбаи ва 30 % муҳим манбаи деб, ҳисоблашини кўрсатди. Бундай қараш турли давлатларда турлича бўлиб, ишлаб топган пуллари оила бюджетида асосий ва муҳим манба сифатида роль уйнайди деган энг паст фоиз Шарқий Осиё давлатларида (35%) ва энг юқори фоиз Шимолий, Жанубий ва Ғарбий Европа давлатлари (75 %) ҳамда Жанубий Осиё давлатларида (73 %) кузатилган [11].

Аёллар ва эркакларнинг иш ҳақларида муайян фарқларнинг мавжудлиги глобал миқёсда кузатилади. Тадқиқотларда бунинг сабаби сифатида тўпланган инсон капиталидаги фарқлар (Altonji ва Blank, 1999) [12], таваккалчилик ва музокараларни олиб бориш кўникмасидаги тавофут (Dohmen ва бошқ., 2011; Buser ва бошқ., 2014) [13], психологик хусусиятлардаги фарқлар (Blau and Kahn, 2017) [14] кабилар кўрсатилсада, энг асосий сабаб юқорида таъкидланганидек, оналик, яъни фарзанд парваришлашдаги ўрни билан белгиланади. Дания статистикаси мисолида ўтказилган эмпирик тадқиқот натижаларига кўра 1980 йилда Данияда иш ҳақи ва даромаддаги гендер фарқнинг 40 % оналик билан изоҳланган бўлса, 2013 йилга келиб 80 %га яқини фарзандларни тарбиялаш билан изоҳланган [15].

Ўтган асрнинг охирларида ҳам иш ҳақидаги гендер фарқнинг етакчи омилларидан бири сифатида таълим юзага чиққан эди. Бугунги кунда эса таълимнинг борган сари универсал хусусият олиши ва аёллар учун ҳам таълим олиши учун тўсиқларнинг бартараф этилиши иш ҳақи ва даромаддаги гендер тафовутнинг асосий омили сифатида фарзанд кўриш ва уни парваришлаш билан боғлиқ ҳолат юзага чиқмоқда. Ҳар бир фарзанд кўриш билан боғлиқ равишда аёл муайян миқдорда соғлиқ ва вақтини йўқотади. АҚШ ва Буюк Британия мисолида ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам оналик аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини кескин пасайтириб, унинг таъсири фарзанд кўргандан сўнг бир неча йил давом этишини кўрсатди [16].

Турли давлатларда ушбу тафовут турлича бўлиб, жаҳон бўйича аёллар ва эркаклар соатбай иш ҳақидаги фарқ 16 % ва ойлик иш ҳақидаги фарқ ўртача 22%ни ташкил этмоқда [17]. Мисол учун, АҚШда эркакларнинг 1$ лик иш ҳақига аёллар иш ҳақи миқдори 0,84 $ни ташкил этди, яъни аёллар йиллик даромади эркаклар йилллик даромадининг ўртача 84 %ни ташкил этган [18]. Ривожланган Европа давлатларида меҳнат бозорида касаба уюшмаларининг ўрни ва таъсир доираси жуда кучли эканлигини ҳисобга олиб, хусусан, ёш фарзанди бор аёллар учун оила ва ишни ҳамоҳанг олиб бориш учун тартибга солиб туриладиган иш вақти, фарзандларни парваришлаш учун давлат томонидан субсидияларнинг тақдим этилиши кабилар эркак ва аёл даромадлари орасидаги фарқнинг унча катта эмаслигига замин яратмоқда.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги учун барча шарт-шароитлар яратилган шунингдек, ҳеч қандай маданий ва анъанавий тўсиқлар мавжуд бўлмаган ривожланган давлатларда меҳнат бозорида иштирок, иш ҳақи ва даромаддаги тафовутларнинг асосий манбаи фарзанд кўриш ва уни парваришлаш билан боғлиқ. Лекин аёлларнинг меҳнат бозоридаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларнинг оила ва ишни уйғунликда олиб боришга шароит яратувчи меъёрий асос бир мунча кучсиз, иқтисодиётнинг норасмий сектори устунлик қилувчи ва кичик ёшдаги болаларни парваришлаш билан боғлиқ давлат хизматлари ва кафолатлари етарли даражада тараққий этмаган ривожланаётган давлатларда ҳолат бошқачароқ.

Аксарият ривожланаётган давлатларда эса аёлларнинг норасмий меҳнат бозорида иш билан бандлик даражаси эркакларникига нисбатан юқорилиги кузатилади. Бу эса иш ҳақининг пастлиги, ёшга доир пенсия каби ижтимоий кафолатларнинг мавжуд эмаслиги сингари муаммолар натижасида қария аёллар орасида эркакларга нисбатан камбағалликка дучор бўлганлар улушининг устунлигига сабаб бўлмоқда.

Ривожланган давлатларда меҳнат бозоридаги иштирок ва иш ҳақидаги гендер тавофутнинг асосий омили сифатида таълимнинг ўрни сезиларли равишда пасайган бўлса, таълимнинг имконлилик даражаси, хусусан олий таълимнинг аёллар учун имконлилиги ҳалигача муаммоли бўлган ривожланаётган давлатлар учун муҳим бўлиб қолмоқда. Айни пайтда жаҳон бўйлаб STEM йўналиши бўйича жами талабаларнинг атиги 35 % аёлларга тўғри келмоқда [19], сунъий интеллект соҳасида мутахассисларнинг 22 % аёлларни ташкил этмоқда [20].

Аёлларнинг оилавий мажбуриятлари уларнинг бошқарувчи лавозимларда ишлашларига тўсқинлик қиладиган биринчи сабаб сифатида кўрсатилади. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида, айниқса ривожланган давлатларга хос бўлган хусусият сифатида ижтимоий мухофаза тизимига кўплаб талабларни қўяётган аҳолининг қариш жараёни ҳам аёллар меҳнат

бозоридаги иштирокига ўз таъсирини ўтказяпти. Ёш болалардан ташқари оилалардаги таборо сони ортиб бораётган катта авлодни парваришлаш билан боғлиқ мажбуриятлар аксарият ҳолларда яна аёллар бошига тушмоқда. Бу эса ўз навбатида аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда ривожланган давлатларга қисқа муддатли шартномаларга асосланган вақтинча иш билан бандлик, фрилансинг, on-line, on-call каби иш билан бандликка асосланган иқтисодиёт табора кенгайиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, АҚШда Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иш билан бандликнинг бу турида ҳам аёлларнинг иштироки эркакларга нисбатан пастлиги кузатилмоқда [21].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати аёлларнинг меҳнат бозоридаги фаоллик даражасини оширишга хизмат қилувчи муҳим дастак эканлигини таъкидлаш мумкин.

Статистик маълумотларнинг таҳлили, сўнгги 20 йил давомида алоҳида мамлакатлар мисолида турлича бўлсада, умумий жаҳон бўйлаб ўртача ва алоҳида минтақаларда аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси аста-секин пасайиб бораётганини кўрсатмоқда (3-расм). Умуман олганда, турли давлатларда турлича бўлишига қарамай, глобал миқёсда жаҳонда сўнгги 25 йил давомида иккала жинс орасида ҳам иқтисодий фаоллик даражасининг пасайиши яққол кузатилмоқда. Хусусан, 1990 - 2019 йиллар давомида аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси 50,9 %дан 47,7 %га тушган, эркакларда бу кўрсаткичнинг пасайиши 80,2%дан 74,7 %гача юз берди (1-расм) [22]. Энг кучли пасайиш Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари гуруҳида кузатилмоқда. Лекин таъкидлаш жоизки, иккала минтақада аёллар орасида иқтисодий фаоллик даражаси жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.




**1-расм. Ўзбекистон ва жаҳоннинг айрим минтақаларида аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси (ХМТ баҳолашига кўра, %) [23]**

Изоҳ: ХМТнинг услубиётига кўра, аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси 15 ёшдан катта бўлган жами аёллар таркибида иш билан банд ва иш излаётган аёлларнинг улуши сифатида ҳисобланади.

Жаҳон бўйича ўртача тенденциядан фарқли равишда республикамизда ҳолат аксинча. 2000-2020 йиллар давомида аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси ўсиш тенденциясига эга эканлиги кўзга ташланади. Ушбу давр мобайнида ўртача жаҳон бўйлаб аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражаси 50,9 %дан 46,9 %га тушган, мамлакатимизда эса мос равишда 50,8 %дан 52.3 %га етди.




**2-расм. 2010-2019 йилларда Ўзбекистонда иш билан бандлар сони ва иш билан бандлик даражаси [24]**

Республикада иш билан бандлик кўрсаткичларининг таҳлили 2010-2017 йиллар давомида иш билан банд аёллар сони узлуксиз равишда ўсиб борганини ва 2018, 2019 йилларда кескин қисқарганини кўрсатди.




**3-расм. Ўзбекистон ва айрим давлатларда аёлларнинг саноатда иш билан бандлик даражаси (жами иш билан банд аёлларга нисбатан, %) [25]**

Ишчи кучининг тармоқлар бўйича тақсимланиши, аввалambор миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши билан белгиланиши аниқ. 3,4, 5 -расмларда келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича, яъни, қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар соҳасида иш билан бандлик даражаси жаҳон бўйича ўртача даражага яқин эканлигини кўриш мумкин. 3-расмда келтирилган давлатлар орасида аёлларнинг саноат соҳасида иш билан бандликнинг энг юқори даражалари Хитой (25,1 %) ва Эронда (24,3 %) кўзга ташланади. Ўзбекистонда жаҳон банкининг маълумотларига кўра, аёлларнинг 15,5 % атрофида саноат соҳасида иш билан банддир. 6-расмдан эса мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар улуши ҳам ўртача жаҳон тенденцияларига тўлиқ мос келишини кўриш мумкин.




**4 – расм. Ўзбекистон ва жаҳонда аёлларнинг қишлоқ хўжалигида иш билан бандлик даражаси (жами иш билан банд аёлларга нисбатан, %) [26]**




**5-расм. Ўзбекистон ва бошқа айрим давлатларда аёлларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик даражаси (жами иш билан банд аёлларга нисбатан, %) [27]**

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичи ахборот технологияларининг ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва уларнинг шиддат билан ривожланиши билан хусусиятланиб, номоддий иқтисодиёт билан боғлиқ равишда хизматлар соҳасининг ривожланишига олиб келмоқда. Шунга мос равишда хизматлар соҳасида иш билан бандлик даражаси ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун, Малайзияда сўнгги 20 йил ичида хизмат кўрсатиш соҳасида аёлларнинг иш билан бандлик даражаси 53,3 %дан 75%га, Россияда 63,1 %дан 80,7%га етди. 2020 йил холатига БАА да аёлларнинг 95 %, АҚШ ва Канадада 90 % хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра Ўзбекистон аёлларининг58,7 % хизматлар соҳасида иш билан банд [27]. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, республикамизда хизматлар соҳасини ривожлантириш учун хали жуда катта

имкониятлар мавжудлиги аниқланади. Қуйида келтирилган жадвалда Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан бандлар сонининг тақсимланиши акс этган (1-жадвал). Уч йиллик маълумотда аёлларнинг турли иқтисодий фаолиятда иш билан банд бўлган аёллар улуши катта ўзгаришлар рўй бермаган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан бандлар сонининг тақсимланиши (йил учун ўртача) [28]**

| | Жамига нисбатан, % | | | | Жинси бўйича тақсимланиши, % | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аёллар | | Эркаклар | | Аёллар | | Эркаклар | |
| | 2016 | 2019 | 2016 | 2019 | 2016 | 2019 | 2016 | 2019 |
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **45,7** | **41,6** | **54,3** | **58,4** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 26,3 | 27,3 | 28,4 | 25,4 | 43,7 | 43,2 | 56,3 | 56,8 |
| Саноат | 12,7 | 14,3 | 14,3 | 12,9 | 42,9 | 44,0 | 57,1 | 56,0 |
| Қурилиш | 1,2 | 1,5 | 16,5 | 15,7 | 5,8 | 6,2 | 94,2 | 93,8 |
| Савдо | 12,3 | 13,2 | 9,7 | 8,8 | 51,5 | 51,5 | 48,5 | 48,5 |
| Ташиш ва сақлаш | 0,8 | 0,8 | 8,2 | 7,6 | 7,2 | 7,2 | 92,8 | 92,8 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 2,7 | 2,9 | 2,0 | 1,9 | 52,4 | 52,1 | 47,6 | 47,9 |
| Ахборот ва алоқа | 0,3 | 0,4 | 0,6 | 0,5 | 32,7 | 32,3 | 67,3 | 67,7 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 0,4 | 0,5 | 0,6 | 0,6 | 37,3 | 34,8 | 62,7 | 65,2 |
| Таълим | 13,8 | 15,3 | 3,7 | 3,5 | 75,6 | 75,7 | 24,4 | 24,3 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 7,6 | 8,4 | 2,0 | 1,8 | 76,5 | 76,8 | 23,5 | 23,2 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 45,3 | 45,3 | 54,7 | 54,7 |
| Бошқа фаолият турлари | 21,4 | 14,9 | 13,5 | 20,8 | 57,1 | 33,4 | 42,9 | 66,6 |

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, иш ҳақи нисбатан юқори бўлган соҳа – молия ва суғурта фаолияти билан банд бўлган аёлларнинг улуши бошқа фаолият турларига нисбатан сезиларли равишда қисқарган.

Таҳлил қилинаётган 2010-2019 йиллар мобайнида республикада ишсизлик даражаси ҳам сезиларли равишда ошди. Статистик маълумотларнинг йиллар бўйича бундай катта фарқланишининг асосий сабаби ишсизликни ҳисоблаш услубиётининг ўзгарганидир. 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда ишсизлар сони халқаро меҳнат ташкилотининг услубиёти асосида ҳисобланадиган бўлди, унгача республикада ишсизлар сони фақатгина расмий равишда ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган кишилар сони асосида ҳисобланган. 6- расмда акс этганидек, 2018 йилда ишсизлар сонининг кескин ошиб кетиши ва ишсизлик даражасининг 2017 йилга нисбатан мос равишда 5,8 %дан 9,3 %га кўтарилишининг сабаби айнан шундадир. 2011-2017 йиллар мобайнида иккала жинс орасида ҳам ишсизлик даражаси деярли бир хил даражада сақланиб келган. Лекин 2018 йилга келиб, аёллар орасидаги ишсизлик даражаси эркакларга нисбатан 1,5 баробар юқори кўрсаткични, яъни мос равишда 7,7 % ва 11,6%ни ташкил этди. 2019 йилга келиб бу фарқ янада ошиб икки баробардан ортди ва мос равишда аёллар орасидаги ишсизлик даражаси 12,8 % ва эркаклар орасида 6,0 %ни ташкил этди. Шунингдек, 2018-2019 йилларда аёллар орасида ишсизлик коэффициенти 1,3 % пунктга ошган [29].




**6-расм. 2010-2019 йилларда Ўзбекистонда ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси [30]**

Республикада аёллар ва эркакларнинг иқтисодий фаоллик даражасидаги фарқлар асосан миллий урф-одатлар асосида шаклланган қарашлар, аёлларнинг уй хўжалиги ҳамда оила доирасидаги вазифалар ва фарзандларни тарбия қилишдаги мажбуриятлари нисбатан кўплигидан келиб чиқиб шаклланган. Шу билан бирга, узоқ вақт давомида олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг қатъий белгиланиши натижасида қизларнинг олий таълим билан қамров кўрсаткичларининг анча паст бўлгани, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлик даражасини эркакларга нисбатан анча пасайтиради.

Мутахассислик танлашда ҳам жинсий номутаносиблик кузатилади. Ижтимоий-гуманитар йўналишларда (педагогика, гуманитар фанлар, санъат, журналистика) қизлар 66,9 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматда 41,6 %, ишлаб чиқариш-техник соҳада қизлар 17,8 %ни ташкил этган.




**7-расм. Ўзбекистонда 2010-2020 йиллар оралиғида иқтисодиёт турлари бўйича ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи (ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %) [31]**

Изоҳ: *2020 йил учун маълумот биринчи ярим йиллик бўйича ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи.

Шу билан бирга, ойлик иш ҳақи миқдори энг қуйи даражада бўлган таълим, соғлиқни сақлаш, турар жой ва озиқ овқат хизматлари каби соҳаларда асосан аёллар ишлайди. Умумий ишчиларнинг 80 %га яқини аёлларни ташкил этадиган таълим соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи

республика даражасида барча соҳалар бўйича ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг 80%га яқинини ташкил этади. Мисол учун, 2019 йилда унинг миқдори 1743 минг сўмни ташкил этган. Қиёс учун шу йилда банк, суғурта ва кредит соҳасида ўртача ойлик иш ҳақи 4253 мингни, ўртача ойлик иш ҳақининг 195,5 %ни ташкил этган. Ҳудди шундай ҳолат соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кузатилиб, умумий иш билан бандларнинг 76,8 % аёлларга тўғри келган ушбу соҳада, ўртача ойлик иш ҳақи 1468 минг сўмни, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг 67,7 %ни ташкил этган.

**Хулоса ва таклифлар**

Республикада аёлларнинг меҳнат бозоридаги фаолиятини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни ажратиш мумкин:

- Мамлакатимизда аёлларнинг иқтисодий фаоллик даражасида сўнгги йилларда аста секин ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Жаҳон бўйича ушбу кўрсаткичга пасайиш хусусияти хос;
- Иш билан банд аёлларнинг абсолют миқдори 2010-2017 йиллар мобайнида сезиларли равишда ўсган бўлишига қарамай, иш билан бандлик даражасида катта ўзгаришлар кузатилмаган ва ушбу кўрсаткич 95 % атрофида тебранган;
- 2018-2019 йилларда аёлларнинг иш билан бандлик даражаси аниқланмаган сабабларга кўра кескин пасайган, биргина 2018 йилда олдинги йилга нисбатан иш билан банд аёлларнинг сони 665,4 минг кишига қисқарган;
- Ўзбекистонда аёлларнинг асосий соҳалар бўйича тақсимланиши дунё бўйича ўртача кўрсаткич атрофида шаклланган бўлиб, жаҳон банкининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида 26,9 %, саноатда 17,4 % ва хизмат кўрсатиш соҳасида 58,7 %ни ташкил этмоқда;
- Аёллар ва эркакларнинг касб танлашда катта фарқлар мавжуд бўлиб, аёллар аксарият ҳолларда педагогика каби ижтимоий гуманитар йўналишларни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоиий хизматлар кўрсатиш кабиларни афзал кўришади;
- Иш билан бандларнинг энг катта улуши аёлларга тўғри келадиган иқтисодий фаолият соҳаларида энг паст даражадаги ойлик иш ҳақлари мос келади;
- Сўнгги йилларда аёллар орасидаги ишсизлик даражаси кескин ошиб, эркаклар орасидаги ишсизлик даражасидан икки баробар юқори кўрсаткични кўрсатган;
- Иш билан банд бўлган аёлларнинг ёш бўйича тузилишидаги ўзгаришлар жамиятда қариш жараёни бошланаётганидан далолат бермоқда.

Сўнгги йилларда республикада хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, истиқболда қуйидаги ишларни амалга ошириш таклиф этилади:

- Аёлларнинг аксарият қисми банд бўлган соҳалар, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ойлик иш ҳақи миқдорларини муттасил равишда ошириб бориш. Ушбу тадбир нафақат аёлларнинг иқтисодий фаравонлигини оширишга хизмат қилиб, балки мамлакат истиқболини белгилаб берадиган миллий инсон капиталини сифатли даражада шакллантиришга асос бўлади. Таълим тизимидаги иш ҳақларининг бошқа соҳаларга нисбатан пастлиги унинг малакали кадрлар учун жозибадорлигини кескин пасайтиради;
- аёлларнинг, хусусан қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имкониятларни янада кенгайтириш;
- таълим тизимидаги ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда, яъни 11 йиллик умумий мажбурий таълим тизимига ўтилиши муносабати билан хотин-қизларнинг ўрта махсус ва олий таълим олишлари учун молиявий, ҳудудий имкониятларни кенгайтириш;
- аёлларнинг 3 ёшгача фарзандни парваришлаш таътилидан кейин меҳнат бозорида мослашишини осонлаштириш шунингдек, таълим ва оилавий мажбуриятларни уйғунлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида бандлик хизмати органлари томонидан касб таълими ва қўшимча касб-ҳунар таълими бўйича дастурларни ташкил этиш, жумладан, давлат масофавий хизматларини ташкил этиш шаклида ҳам;

- бола парваришлаш таътилида бўлган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, ишламайдиган оналарга 2 ёшгача бўлган болани парваришлаш учун ойлик нафақаларни бериш тизимини тиклаш;

- миллий инсон капиталини шакллантиришда оиланинг, хусусан оналарнинг ролини беқиёс эканлигини эътироф этган ҳолда, 14 ёшгача фарзанди бўлган иш билан банд бўлган аёлларнинг иш вақтини иш ҳақини ўзгартирмаган ҳолда 2 соатга қисқартирилган иш кунини ташкил этиш имконини берувчи чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Ушбу тадбир фарзандли аёлларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир этишини олдини олиш, бундай тоифадаги аёлларни иш билан таъминлаган иш берувчиларга нисбатан солиқ ва бошқа имтиёзларни жорий этиш тавсия этилади.

## Иқтибослар/Сноски/References


1. Fatima, A., & Sultana, H (2009). Tracing out the U-shape relationship between female labor force participation rate and economic development for Pakistan. International Journal of Social Economics , 36 (1/2), 182-183.
2. World Employment and Social Outlook: Trends 2019 International Labour Office – Geneva: ILO, 2019. P.1.
3. Nair, K., & Boserup, E. (1971). Woman’s Role in Economic Development. American Journal of Agricultural Economics, 53(3), 536. doi:10.2307/1238241
4. Nam, S (1991). Determinants of female labor force participation: A study of Seoul, South Korea, 1970–1980. Sociol Forum 6, 641–659. https://doi.org/10.1007/BF01114405
5. Smith, James P. and Cogan, John F. Female labor supply : theory and estimation / James P. Smith, editor ; with contributions by John Cogan ... [et al.] Princeton University Press Princeton, N.J 1980.
6. Bauer, John and Young-Soo Shin (1987) “Female labor force participation and wages in the Republic of Korea.” Paper presented at the annual meetings of Population Association of America, East-West Population Institute.
7. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография / Ш.Г.Акрамова. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2014. С.22.
8. Hakim, C (2004): Key Issues in Women’s Work: Female Diversity and the Polarization of Women’s Employment. London: Glass House Press.
9. Towards a better future for women and work: Voices of women and men. Gallup, International Labour Organization, 2017. 77. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/dgreports/dcomm/publ/documents/publication/wcms_546256.pdf
10. Women in the Workforce – Global: Quick Take. Jan 30, 2020 https://www.catalyst.org/research/women-in-the-workforce-global/
11. Towards a better future for women and work: Voices of women and men. Gallup, International Labour Organization, 2017. P.59-60.
12. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/dgreports/dcomm/publ/documents/publication/wcms_546256.pdf
13. Altonji, J.G. and R.M.Blank (1999). “Race and gender in the labor market”. Handbook of Labor Economics, Volume 3, Part C, Chapter 48, pp. 3143-3259.
14. Dohmen, T., A. Falk, D. Huffman, U. Sunde, J. Schupp, and G. Wagner (2011). “Individual Risk Attitudes: Measurement, Determinants, and Behavioral Consequences”. Journal of the European Economic Association, 9, pp. 522-550. doi:10.1111/j.1542- 4774.2011.01015.x; Buser, T., M. Niederle, and H. Oosterbeek (2014). “Gender, competitiveness, and career choices”. The Quarterly Journal of Economics, pp. 1409–1447. doi:10.1093/qje/qju009
15. Blau, F., and L. Kahn (2006). “The U.S. Gender Pay Gap in the 1990s: Slowing Convergence”. Industrial and Labor Relations Review, 60(1), pp. 45-66.

16. Kleven, H., C. Landais, and J.E. Sogaard (2018). “Children and Gender Inequality: evidence from Denmark”. Working Paper, Revised July 2018, Revise & Resubmit American Economic Journal: Applied Economics. https://pubs.aeaweb.org/doi/pdfplus/10.1257/app.20180010
17. Kuziemko, I., J. Pan, J. Shen, and E.Washington (2018). “The Mommy Effect: Do Women Anticipate the Employment Effects of Motherhood?”. NBER Working Paper No. 24740.
18. International Labour Organization, Global Wage Report 2018/2019: What Lies Behind Gender Pay Gaps (2018): p. 23.
19. Women in the Workforce – Global: Quick Take. Jan 30, 2020 https://www.catalyst.org/research/women-in-the-workforce-global
20. Anu Madgavkar, James Manyika, Mekala Krishnan, Kweilin Elingrud, Lareina Yee, Jonathan Woetzel, Michael Chui, Vivian Hunt, and Sruti Balakrishnan, The Future of Women at Work: Transitions in the Age of Automation (McKinsey Global Institute, 2019): p. 107.
21. World Economic Forum, The Global Gender Gap Report 2018 (2018): p. 28.
22. Brett Collins , Andrew Garin et al. Has the Gig Economy Replaced Traditional Jobs Over the Last Two Decades? Evidence from Tax Returns. March 15, 2019. http://conference.iza.org/conference_files/Statistic_2019/garin_a28234.pdf
23. The World Bank, “Labor Force Participation Rate, Female (% of Female Population Ages 15+) (Modeled ILO Estimate), World,” The World Bank Databank (2019).
24. The World Bank, “Labor Force Participation Rate, Male (% of Male Population Ages 15+) (Modeled ILO Estimate), World,” The World Bank Databank (2019).
25. Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=SL.TLF.CACT.FM.NE.ZS#
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ўзбекистон гендер статистикаси бўйича расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/aktivnoe-naselenie-uz/1032-iqtisodiy-faol-aholi-soni
27. Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=SL.TLF.CACT.FM.NE.ZS#
28. Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=SL.TLF.CACT.FM.NE.ZS#
29. Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://databank.worldbank.org/reports.as8,4px?source=2&series=SL.TLF.CACT.FM.NE.ZS#
30. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ўзбекистон гендер статистикаси бўйича расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/zanyatost-naseleniya-uz/1374-iqtisodiy-faoliyat-turlari-bo-yisha-bandlar-sonining-taqsimlanishi
31. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик 2016-2019. Статистик тўплам. – Т., 2020. 44-бет.
32. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ўзбекистон гендер статистикаси бўйича расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/aktivnoe-naselenie-uz/1032-iqtisodiy-faol-aholi-soni
33. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. https://stat.uz/uz/ochiq-ma-lumotlar

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна**
Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси ҳузуридаги
Малака ошириш маркази таянч докторанти
e-mail: fotima-88@mail.ru
**Зокиржонов Муҳаммадсодиқ Равшанбек ўғли**
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси таянч докторанти
e-mail: mukhammadsodiq.zokirjonov@mail.ru

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

**For citation:** Mirzayeva Fotima Mirrakhimjonovna& Zokirjonov Muhammadsodiq Ravshanbek ogli. ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN THE SECURITIES MARKET. Journal of innovations in economy. 2020. Special Issue 4. pp.152-160

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-SI-4-19**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада банкларнинг инвестиция фаолияти аҳамияти, мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестиция қилиш имконияти таҳлили ҳамда бу бўйича мавжуд ютуқ ва камчиликлар кўрсатилган, муаллифлар томонидан муаммолар юзасидан таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, банкларнинг инвестиция фаолияти, қимматли қоғозлар, тижорат банклари активлари, молиявий воситачи, акция, депозит сертификати, облигация, ликвидлик.

---

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна**
Базовый докторант Центра профессионального
развития при Государственном комитете Республики Узбекистан
e-mail: fotima-88@mail.ru
**Зокиржонов Мухаммадсодик Равшанбек углы**
Базовый докторант Банковско-финансовой
академии Республики Узбекистан
e-mail: mukhammadsodiq.zokirjonov@mail.ru

# ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируется важность инвестиционной деятельности банков, возможности коммерческих банков вкладывать средства в ценные бумаги страны, а также показаны

существующие достижения и недостатки данной сферы, авторами приводятся предложения по проблемам.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционная деятельность банков, ценные бумаги, активы коммерческих банков, финансовый посредник, акции, депозитный сертификат, облигация, ликвидность.

---

**Mirzayeva Fotima Mirrakhimjonovna**
PhD student of the Center for Professional Development
under the State Committee of the Republic of Uzbekistan
e-mail: fotima-88@mail.ru
**Zokirjonov Muhammadsodiq Ravshanbek ogli**
PhD student of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan
e-mail: mukhammadsodiq.zokirjonov@mail.ru

## ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN THE SECURITIES MARKET

**ABSTRACT**

In the article the importance of banks' investment activity, the ability of commercial banks to invest in the country's securities are analyzed, and also the existing achievements and shortcomings of the area are shown, the authors provide suggestions on the problems.

**Key words:** investments, investment activities of banks, securities, assets of commercial banks, financial intermediary, shares, certificate of deposit, bond, liquidity.

---

**Кириш**

Банкларнинг ривожланиш тенденцияси улар фаолиятининг универсаллашувига, хусусан, қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки кенгайишида намоён бўлади. Тижорат банклар учун қимматли қоғозлар билан операциялар уларнинг мижозлари учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқат шундаки, қимматли қоғозлар билан операциялар туфайли банклар ўз рискларини диверсификация қиладилар. Бунда банк риск даражаси паст бўлган молиявий инструмент (маҳсулот)ларга инвестиция киритадилар. Баъзан эса аксинча юқори рентабелликка эга бўлган инструментларга ҳам қўшимча даромад олиш мақсадида инвестиция қиладилар.

Мамлакатимизда тижорат банклари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятларини тартибга солиш учун норматив ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, соҳа ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ҳамда Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низомлар каби қонуний ҳужжатлар мавжуд.

Шунингдек мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "... молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак. Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур..." деб таъкидлади. [1]

Бироқ "...тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион ва эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги банк тизимини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги. Жаҳон тажрибасида тижорат

банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиб қолиши мумкин эмас. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг 50% ва ундан ортиқ қисми битта тармоққа берилган.” [2]

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Инвестициянинг моҳияти ва мазмунига таъллуқли қатор илмий ишлар ва мақолаларда (кейинги ўринда келтириб ўтилади) муаллифлар томонидан ушбу жараёнлар билан боғлиқ тушунчалар мазмуни таҳлил қилиниб, улар томонидан етарли тарифлар баён қилинган бўлсада, мазкур тушунчалар мазмунига айрим иқтисодчилар томонидан ҳар хил таърифлар берилган.

Масалан, рус иқтисодчи олими В.В.Ковалёв фикрича “инвестиция – бу жорий истеъмолни келажакда юзага келиши мумкин бўлган нисбатан юқори даромад фойдасига атайлаб рад этиш, бу эса кўпроқ истеъмол қилиш имкониятини беради”. [3]

Америка иқтисодчи олими П.Э.Самуэлсоннинг фикрига кўра, “инвестициялаш даромадларни жорий истеъмол учун ишлатмасдан, уларни келажакда кўпроқ фойда олиб, фаолиятни кенгайтириш учун сарфлашдир”. [4]

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: “Инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади”. [5]

Шунингдек тижорат банкларининг инвестицион фаолияти, хусусан қимматли қоғозларга инвестиция қилиш борасида қатор иқтисодчи олимлар ўз таърифларини бериб ўтганлар.

Масалан, рус олимлари А.Б.Идрисов, С.П.Картышев, ва А.В.Постниковлар “инвестиция – бу камида икки томон: тадбиркор (лойиҳа ташабусскори-мижоз) ва инвестор (лойиҳани молиялаштирувчи-банк)ларнинг биргаликдаги фаолиятининг амал қилиш жараёнидир” деб қайд этишган. [6]

Ўз навбатида бошқа бир рус олими А.Б.Борисов банкларнинг инвестиция операциялари тушунчасини қуйидагича изоҳлади: “Банк инвестициялари – бу банк ресурсларини юқори даромадли қимматли қоғозларга узоқ муддатли инвестиция қилишдир. Банк инвестицияларига одатда акцияларга, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга инвестициялар киради". [7]

Е.Ф.Жуковнинг фикрига кўра, банк инвестициялари – бу бир ёки бир нечта инвестиция мақсадларига эришиш учун маълум бир нисбатда онгли равишда шаклланган барча активларнинг йиғиндиси. [8]

Кўплаб хорижий олимлар ва мамлакатимиз тадқиқотчи-олимлар банк инвестицияларини капитал қўйишнинг усули сифатида тавсифлайдилар, бу эса банкнинг асосий капитали нархининг сақланиб қолишини ёки оширилишини таъминлаши ва ижобий самара беришини таъкидлашади.

**Тадқиқот методологияси**

Бозор иқтисодиёти шароитида банкнинг юқори сифатли актив операциялари уларнинг инвестиция фаолиятисиз мумкин эмас. Тижорат банки бўш ресурсларга эга бўлиб, нафақат уларнинг фойда келтириши, балки уларни ликвидлигини сақлаб туриши ва тўлиқ диверсификация қилиши керак бўлади. Ушбу талаблар тижорат банкларининг қимматли қоғозлар ва бошқа инвестиция воситаларига амалга ошириладиган инвестиция операциялари билан қондирилади. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сон Қонунига мувофиқ “банк – бу банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсдир”.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш

ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажаришлар ҳам киради. Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли қарорига мувофиқ тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишда қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

а) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек, ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун қимматли қоғозларга киритилган банк инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк тизими ликвидлилигини тартибга солиш амалиётини янада ривожлантириш мақсадида Марказий банк томонидан 2018 йилнинг 10 ноябридан бошлаб ликвидлик тақдим қилиш ва олиш бўйича янги турдаги операциялар жорий қилинди. Хусусан, Марказий банкнинг:

- хорижий валюта гарови остида қисқа муддатли қайта молиялаш кредитларини аукцион тарзда тақдим этиш;
- давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион операцияларини ўтказиш;
- тижорат банкларининг маблағларини аукцион тарзда ҳамда қатъий фоиз ставкаси бўйича Марказий банкнинг қисқа муддатли депозитларига жалб қилиш бўйича операциялари амалиётга жорий қилинди.

**Таҳлил ва натижалар**

2018 йил декабрь ва 2019 йил январь ойларида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг бўш пул маблағларини аукцион орқали қисқа муддатли (икки ҳафта ва бир ойлик) депозитларга жалб қилиш операциялари амалга оширилди. Ушбу операциялар орқали жами 919 млрд. сўм миқдорида маблағлар жалб қилиниб, улар бўйича минимал ставка йиллик 9,5 фоизни ва максимал ставка 17 фоизни ташкил этди.




**1-расм. Депозит аукционларида жалб қилинган маблағлар ҳажми ва фоиз ставкалари динамикаси [9]**

ДҚҚ бир йилгача бўлган муддатга дисконтли ҳамда бир йилдан ортиқ муддатга купонли фоиз ставка билан муомалага чиқарилди. Марказий банк фискал агент сифатида ДҚҚни тижорат банкларга жойлаштирди.

2019 йил давомида Марказий банк Ҳукуматнинг фискал агенти сифатида Молия вазирлиги томонидан чиқарилган қисқа ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозларини (ДҚҚ) тижорат банклари ва юридик шахслар ўртасида аукцион савдолари орқали жойлаштириш бўйича операцияларни амалга ошириб борди.

Бунда ДҚҚ кредит таъминоти учун ликвидли гаров бўлиши билан бир қаторда, тижорат банклари учун РЕПО операцияларида олди-сотди объекти ва инвесторлар учун риск даражаси паст бўлган даромад манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур қимматли қоғозларга талабнинг юқори даражада шаклланиши кузатилмоқда.

ДҚҚни аукционда жойлаштириш 2018 йилнинг 26-28 декабрь кунлари давомида уч босқичда Ўзбекистон Республика валюта биржасида ўтказилди ҳамда жойлаштирилган жами ДҚҚ суммаси 592,1 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур қимматли қоғозларнинг ўртача тортилган даромадлилиги йиллик 14,1-14,86 фоизни ташкил этди.

2019 йил давомида Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган 2,2 трлн. сўм миқдоридаги муомала муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган ДҚҚлар бирламчи бозорда аукцион савдолари орқали жойлаштирилди.

Аукцион натижаларига кўра, жойлаштиришнинг ўртача йиллик ставкаси – 12,5 фоизни, максимал ва минимал даромадлилик даражаси эса мос равишда 14,9 ва 7,7 фоизни ташкил этди.




**1-расм. 2018-2019 йиллар давомида жойлаштирилган ДҚҚлар хажми ва ўртача тортилган даромадлилик даражаси [10]**

Бугун Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича ислоҳотлар олиб борилар экан, хусусий секторни ривожлантиришда инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги халқаро тажрибаларга суянмоғи лозим. Банк тизимини ривожлантириш масалалари доимо давлатимиз эътиборида бўлиб, уни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида мамлакатимиз банк тизими нафақат барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, балки айрим кўрсаткичлар бўйича халқаро стандартлар талабларидан ҳам юқори даражага эга бўлди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, реал сектор корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларда ишлаб

чиқаришни узлуксиз таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги янада ошириш каби муҳим масалалар бевосита тижорат банклари ва уларнинг самарали кредит ва инвестицион фаолияти билан боғлиқдир.

Шу боис банклар инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига, инвестиция лойиҳаларини, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда корхоналарга юқоридаги барча фаолиятга тааллуқли ва уни самарали ташкил қилиш учун маблағлар манбаини шакллантиришда, албатта, банк тизими орқали молиялаштириш долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

2017-2019 йиллар учун статистик маълумотларга кўра мамлакатимиз тижорат банклари бошқа инвестицион амалиётлари (1-жадвал)дан ташқари қимматли қоғозларга инвестиция киритиш орқали иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш ҳажми 2019 йилда энг юқори кўрсаткични қайд этди.

Тижорат банклари томонидан инвестицон лойиҳаларда иштирок этиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, 2019 йилда республикамиз тижорат банклари активлари таркибида инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар миқдори 2017 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 36,12% фоизга ошиб, 3 567,8 млн.сўмни ташкил этди. тижорат банклари активлари таркибидаги улуши 2017 йил 1 январ ҳолатига 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январ ҳолатига 1,4 фоизни ташкил этди, яъни умумий тижорат банклари активлари таркибида инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар улуши қисқарган(1-жадвал).

Бу мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги ҳамда корхоналарни модернизациялаш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнидаги иштирокининг фаоллашиб бораётганлигини лекин, жами кредитларга нисбатан пасайиши банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттиришга, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлашга ва пировард натижада уларни йирик инвестиция институтларига айлантиришга шароит яратади.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар қўйилмалари ҳажми ҳам барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Улар асосан «2015-2019 йилларда устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари»га киритилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Хусусан, 2016 йилда тижорат банклари томонидан жами 52 045 млн. сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда 207 646,3 млн. сўм кредитлар қўйилмалари амалга оширилди. (1-жадвал)

Республикамиз тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли эканлиги ҳамда уларнинг ресурс базасини тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги уларнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириш имконини бермоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг муомаладаги қарз қимматли қоғозлари ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига 1 054,1 млрд. сўмни, жумладан, муомаладаги узоқ муддатли облигациялар 216,3 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари миқдори 837,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

1-жадвал

**Тижорат банклари активларининг таркиби [11]**

| Банк активлари номи | 01.01.2017 й. | | 01.01.2018 й. | | 01.01.2019 й. | | 01.01.2020 й. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | суммаси, млн. Сўмда | улуши, фоизда | суммаси, млн. сўмда | улуши, фоизда | суммаси, млн. сўмда | улуши, фоизда | суммаси, млн. сўмда | улуши, фоизда |
| **Кредит қўйилмалари, нетто** | 52 045 | 61,9 | 108 467 | 65,1 | 164 670 | 76,8 | 207 646,3 | 76,1 |
| **Марказий банкдаги маблағлар** | 11 958 | 14,2 | 14 909 | 8,9 | 11 429 | 5,3 | 14 769,0 | 5,4 |
| **Бошқа банклардаги маблағлар** | 10 868 | 12,9 | 25 060 | 15,0 | 19 919 | 9,3 | 25 509,3 | 9,4 |
| **Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар** | 2 621 | 3,1 | 1 649 | 1,0 | 2 277 | 1,1 | 3 567,8 | 1,4 |
| **Асосий воситалар** | 1 794 | 2,1 | 2 335 | 1,4 | 3 488 | 1,6 | 5 723,1 | 2,1 |
| **Нақд пул маблағлари** | 1 336 | 1,6 | 4 841 | 2,9 | 5 269 | 2,5 | 6 553,2 | 2,4 |
| **Бошқа активлар** | 3 453 | 4,1 | 9 371 | 5,7 | 7 368 | 3,4 | 8 958,2 | 3,2 |
| **Жами** | 84 075 | 100,0 | 166 632 | 100,0 | 214 420 | 100,0 | 272 726,9 | 100,0 |

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари**

| **Кўрсаткичлар** | **Йиллар** | | |
|---|---|---|---|
| | **2017** | **2018** | **2019** |
| Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар, млн. сўм | 1649 | 2277 | 3 567,8 |
| Инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги салмоғи, % | 1,0 | 1,1 | 1,4 |

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар жуда кичик салмоқни эгаллайди. Масалан, 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 1,0 фоизни ташкил этди. Бу эса, нисбатан жуда паст кўрсаткич ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тараққий этган мамлакатларда қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг тижорат банклари брутто активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 8,5-10,0 фоизни ташкил этади ва уларнинг асосий қисмини ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ташкил этади.

Мамлакатимиз тижорат банклари инвестицион порфели таркибида 10 та йирик банкнинг улуши 93,06 фоизни ташкил этади, бу ҳолат, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг инвестицион сиёсати билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади.

2012-2017 йилларда тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қўйилмалари портфелида таркибий ўзгаришлар юз берди. 2017 йил якунларига кўра, тижорат банкларининг инвестиция қўйилмалари жами портфелнинг 92,10% ни ташкил этди (2012 й.-96,15%). Бундай ўзгаришни юзага келишига асосий сабаб, фонд бозорида давлат қимматли қоғозлари таклифини пасайганлиги ва тижорат банкларини иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги корхона ва ташкилотларни ташкил этишда фаол иштирок этиши билан изоҳланади. Умуман олганда, тижорат банкларини қимматли қоғозларга қўйилмалари ўсиш сурътида ва 2016 йил якунига кўра, 1006,1 млрд.сўмни ташкил этди. 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 мартага ортган.

3-жадвал маълумотларига кўра, 2019 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар миқдори 11 043,90 млрд.сўмни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида энг кўп хорижий инвестиция жалб этган ҳудуд Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Навоий вилоятига тўғри келди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурсларини етишмаслиги муаммоси мавжудлигини кузатиш мумкин. Бу эса, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасининг мустаҳкамлаш борасида ечимини топмаган муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Ушбу муаммонинг мавжудлиги мазкур мамлакатлар тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғини юқори эканлигида яққол намоён бўлади. Трансакцион депозитлар эса, муддатсиз ва беқарор пассивлар ҳисобланади.

3-жадвал

**Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда (2019 йил январь-декабр) [12]**

| Ҳудуд | Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд.сўм | Хорижий инвестициялар, нисбатан % да |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 43 854,00 | 45,70 |
| Қашқадарё | 11 043,90 | 71,00 |
| Хоразм | 1 118,00 | 42,20 |
| Сурхондарё | 1 351,40 | 61,80 |
| Андижон | 1 434,20 | 35,20 |
| Тошкент | 1 447,80 | 33,00 |
| Самарқанд | 1 557,60 | 28,60 |
| Жиззах | 2 222,30 | 47,00 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 362,20 | 38,10 |
| Бухоро | 2 863,10 | 52,90 |
| Наманган | 3 629,50 | 43,60 |
| Навоий | 6 287,30 | 38,90 |
| Тошкент ш. | 6 971,40 | 43,30 |
| Сирдарё | 736,00 | 46,50 |
| Фарғона | 829,30 | 38,60 |

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги тижорат банкларининг қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилиш имкониятига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, инфляция даражасининг юқори ва беқарор эканлиги, миллий валюта алмашув курсининг беқарорлиги қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар реал қийматининг пасайиш хавфини юзага келтиради.

**Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркибида инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар улуши қисқарган.

Мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги ҳамда корхоналарни модернизациялаш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнидаги иштирокининг фаоллашиб бораётганлигини лекин, жами кредитларга нисбатан пасайиши банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади. Бу эса, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасининг мустаҳкамлаш борасида ечимини топмаган муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Ушбу муаммонинг мавжудлиги мазкур мамлакатлар тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғини юқори эканлигида яққол намоён бўлади. Трансакцион депозитлар эса, муддатсиз ва беқарор пассивлар ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан инвестицон лойиҳаларда иштирок этиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- Хусусий секторни ривожлантиришда инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги халқаро тажрибаларга суянмоғи лозим;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини диверсификация қилиш орқали уларнинг молиявий воситачилик ролини ошириш лозим;
- Мамлакатимизда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттиришга, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш ва пировард натижада уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш лозим.

**Иқтибослар/Сноски/References**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018й. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018
2. Бобоқулов Т.И. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясидаги маъруза тақдимот материалларидан фойдаланилди. Тошкент-2020й.
3. Ковалев В.В., Иванов В.В., Лялин В. А. ИНВЕСТИЦИИ. Учебник. Издательство: «Велби». 2003. С-440.
4. Самуэльсон Пол А. Экономика: Издание 15-е. Пер. с англ. – Бином М. – КноРус, 1999.- С. 800.
5. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия» нашриёти, 2003. 9-бет.
6. Идрисов А.Б., Картышев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиции. –М.: Дело. -1997.с.7-9.
7. Борисов А.Б. Банковские инвестиции // / Большой экономический словарь — М.: Книжный мир, 2012. — С. 56–57.
8. Жуков Е.Ф. Деньги - Кредит - Банки - Ценные бумаги. Учебное пособие. - 2-е изд. доп. и перер. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. - 430 с. - ISBN 5-238-02002-0
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2018-2019 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот маълумотларидан олинган.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2018-2019 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот маълумотларидан олинган.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2017-2020 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф (тадқиқотчи)лар томонидан тайёрланди.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2019 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф (тадқиқотчи)лар томонидан тайёрланди.
13. https://cbu.uz -Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти маълумотлари.
14. https://data.gov.uz/uz -Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали маълумоти.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
INNOVATIONS IN ECONOMY

**Султанова Халида Турсунмуратовна**
Тошкент тиббиет академияси
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

